372
М-92

СТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Олий ва ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълимини
ривожлантириш маркази

Бўри Зиямуҳамедов

# Педагогик технологиянинг
## ўзбек инновацион модели асосида ўқув машғулотларни лойиҳалаш методикаси



74
ХТА 1811 Egamberdiyeva B.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази**

**Бўри Зиямуҳамедов**

# Педагогик технологиянинг
## ўзбек инновацион модели асосида ўқув машғулотларни лойиҳалаш методикаси

0092

“Тошкент – 2014 й.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI AXBOROT RESURS MARKAZI

УЎК: 371.39
КБК: 742024

**Масъул муҳаррир:**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказининг бўлим бошлиғи,**
**педагогика фанлари доктори**
**Мамаражаб Тожиев**

**Тақризчилар:**
**Педагогика фанлари доктори, профессор**
**Ж.Ғ йўлдошев**
**Педагогика фанлари доктори, профессор**
**Исмоилова З.К.**

**Зиямуҳамедов Бўри**
**Педагогик технологиянинг ўзбек инновацион модели асосида ўқув машғулотларни лойиҳалаш методикаси / Б. Зиямухамедов – Тошкент: Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2014 — 80б.**

Методик қўлланма биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 1997 йили IX сесиясида қабул қилинган "Таълим тўғрисида" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастур" Қонунлари, Республика Президентининг 2011 йил 20 майдаги 1533 ва 2012 йил 28 майдаги ПҚ-1761-сонли Қарорларини амалга ошириш мақсадида, замонамизнинг илғор илмий дунёқараши бўлган "синергетика" ва унинг амалий кўриниши "мажмулар назарияси"га суянган ҳолда, "педагогик технология"нинг ўзбек инновацион модели тамойилларидан келиб чиқиб яратилди. У узлуксиз таълим тизимининг ҳамма босқичларидаги ўқув муассалари – умум ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар колежлари ҳамда олий ўқув юртларининг барча турдаги фан ўқтувчи ва педагогларига, ўқув машғулотларини лойиҳалаш учун йўриқнома вазифасини ўтайди.

**Методик тавсиянома Олий ва ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази илмий кенгашининг 2013 йил 22 апрель 4/1 сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

**УЎК: 371.39**
**КБК: 742024**

**ISBN 978-9943-06-482-9**

**© Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2014 й.**

# Мундарижа

1. Кириш.......4.
2. Ўқитишнинг замонавий усули "Педагогик технология" – яратилиш тарихи ва унга юклатилган вазифалар.......6.
3. Педагогик технологиянинг ўзбек инновацион модели ва унинг тамойиллари.......8.
4. Ўқув машғулотини лойиҳасини тузиш алгоритми.......10.
5. Лойиҳа тузиш амалиётидан мисол.......12.
6. Хулоса.......44.
7. Илова 1.......45.
8. Илова 2.......46.
9. Илова 3.......47.
10. Илова 4.......48.
11. Илова 5.......49.

**“Энг янги ўқув воситалари билан таъминланган таълим муассасаларида эскитдан қолган ўқитиш усулларининг давом этишига йўл қўйиб бўлмайди”**

**Ислом Каримов**

## Кириш

“Педагогика” тушунчаси илмий муомалага киритилиши билан, унга таълим-тарбия соҳаси сифатида қаралган ва шу нуқтаи назардан ўрганилган. Миллий мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ, Ўзбекистон педагогикасининг мазмун ва моҳияти, таълимнинг назария, усул ва услублари эркин равишда ўзгара бошлаб, ҳудудимизнинг миллий педагогикаси шаклланиб келаётган эди. Таркиб топиб келаётган педагогикани ва узлуксиз таълим тизимини муайян бир тартибга солиш мақсадида, мамлакатимизда “Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Қонунлари қабул қилинди. Шу юридик ҳужжатлар асосида ўзлуксиз таълим тизими ва ҳудуд педагогикаси яратилмоқда ва унга асосланиб ўсиб келаётган авлод тарбияланмоқда. Ҳар қандай таълим тизимининг негизида келажак авлоднинг тақдири билан халқ манфаатлари ётади. Бу манфаатларни рўёбга чиқиши учун, бугунги ёшларимизнинг шахсий фазилатлари етакчи ўрин тутади. Ўсиб келаётган авлоднинг фазилатлари билан касбий билимдонлик даражаси эса, уларга шу кунда берилаётган билимларнинг тури, ҳажми ва таълим-тарбиянинг сифатига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Шу кундаги таълим-тарбиянинг яхши ёки ёмон бўлишлиги эса, ўқитувчи ва педагогларимиз томонидан шаклланиб келаётган миллий педагогиканинг назарий асосларини нечоғлиқ эгаллаб олиб, ўқув машғулотларида замонга мос таълим усулларидан қанчалик тўғри фойдалана олаётганлигига боғлиқ эканлиги шубҳасиздир. Мазкур методик қўлланмада, замоннинг илғор педагогик усули ҳисобланган “таълим технология”нинг ўзбек инновацион моделидан ўқув жараёнида фойдаланиш йўлларини ёритиб берилган.

1957йили Советлар мамлакатида биринчи бор ернинг суний йўлдоши учирилганда Америка ҳукумат раҳбарларини саросима солиб қўйган. Шунда АҚШ Президенти турли соҳа олимларини йиғиб, нима сабабдан негизида нотўғри бўлган социализм бу йўналишда биздан ўзиб кетди? – деган саволни ўртага ташлаган. Америка олимлари қатор тадқиқодлар олиб боришиб, бунинг сабаби Россияда таълим-тарбия тўғри йўлга қўйилан деган ҳулосага келишган. Шундан сўнг АҚШ таълим тизимида турли ислоҳатлар ўтказилди. Ўқитишнинг мажбурлаш усули бекор қилиниб, ўқув машғулотларни болаларни фан билимларига қизиқтириш йўли билан олиб боришга қарор қилинган. Натижада “муаммоли ўқитиш” усули пайдо бўлди. Бу усулда олиб борилган ўқув машғулотларнинг асосида ўқув жараёнида талабаларни фикрий фаоллаштириш ғояси ётади. Шундан сўнг бу усул заминида турли – “муаммоли баён”, “эврестик ёки ярим тадқиқод”, “тадқиқод”, “мунозара”, “кластер”, “скоробей” каби кўплаб, икки юздан ортиқ интерфаол услар пайдо бўлиб, уларнинг умумий номи “интерактив” усуллар деб номланди.



Педагогик амалиёт шуни кўрсатдики, интерактив услардан ўқув машғулоти жараёнида фойдаланилганда талабалар анча фаоллашгани билан, бир қатор муаммолар ҳам келиб чиқар экан. Жумладан, бу усуллар орқали ўқув машғулотларни амалга оширганда талабаларни бошқариш жуда қийин бўлиб, муайян соатда режалаштирилган билимларни уларга етказиб бериш учун, ажратилган вақт етмас экан. XX асрнинг 80 йиллдарига келиб, инсоният кашф қилган барча усулларининг энг яхши томонларини ўзида мужассамлаштираолган ҳамда кам куч ва оз вақт сарфлаб юқори натижаларга эришадиган таълимий усулни топиш зарурияти келиб чиқди.

Европа ва Америка олимларининг шу йўналишда олиб борган изланишлари натижасида “диференциалашган таълим”, “лойиҳа усули”, “технологик ҳарита”, “модулли ўқитиш” ва шу каби замонавий ёки ноанъанавий деб номланган бир қатор усуллар кашф қилиниб, педагогик амалиётга тақдим қилинди. Ўқув машғулотларни бу усуллар билан олиб борилган тақдирда ҳам, таълим жараёнида учрайдиган барча саволларга жавоб топиб бўлмас экан. Бу усуллар анъанавий ва интерактив усуллардан анча илғор бўлиб, бўлажак “таълим технология”нинг дебочаси ҳисобланадилар. Шундан сўнг АҚШ олимлари инсоният шу кунгача кашф қилган ва кўп йиллар мобайнида синовдан ўтган барча ижобий педагогик усулларнинг энг яхши томонларини ўзида бирлаштира олган педагогик усулини ўйлаб топдилар ва уни “таълим технологияси” деб номладилар. Бизда у “педагогик технология” “ўқитиш технологияси” деб ноиланиб келмоқда. Бу усулни педагогик амалиётда синаб кўрдилганда, мисли кўрилмаган натижаларга эришилди. Ундан тўғри фойдаланилганда таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасини 85-90 ва ундан ҳам ортиқ фоизга етказса бўлар экан. Бу усулни, барча ривожланган мамлакатлар, ўзининг таълим тизимига мослаштирган ҳолда фойдаланиб, юқори натижаларга эришмоқдалар. Ўзбекистоннинг таълим-тарбия соҳа мутаҳасислари ҳам, бу муаммо устида бош қотириб, ривожланган мамлакатларга сафарга бориб, уларнинг “таълим технология”ларини ўрганиб келиб, ҳудудимизга тадбитқ этиш мақсадида бир қатор китоблар чоп эттирдилар. Аммо бу харакатлар зое кетиб, республикамиз ўқитувчи ва педагоглари бу китоблардан фойдалана олмадилар. Шунда мазкур методик қўлланманинг муаллифи “Олий ва ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази” олимлари билан ҳамкорликда, бизда ва ҳорижда чоп этилган китоблар ёрдамида, ривожланган мамлакатларнинг “таълим технология”ларини ўрганиб чиқиб, бу усулларнинг тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, ҳудудимизга мос бўлган “Педагогик технологиянинг Ўзбек миллий модели”ни яратди. Шу кунда бу модел Ўзбекистоннинг бир қатор Олий ўқув юртлари ва колежларида ўз тадбиғини топган. Қўлингиздаги методик қўлланма, шу изланишларнинг мантиқий давоми бўлиб, уни қайта ишланиб янгиланган, яъни инновацион моделидир.

## Ўқитишнинг замонавий усули “Педагогик технология” - яратилиш тарихи ва унга юклатилган вазифалар

Шу вақтгача инсоният яратган педагогик усулларнинг биронтаси ҳам камчиликлардан холи эмас. Шунинг учун усуллар назарияси тинимсиз тараққий этиб, барча ўқитувчи ва педагоглар талабига бирдай жавоб берувчи усуллар изланган. Шу изланишлар натижаси ўлароқ ўқув жараёнининг технологиялашган усули вужудга келди.

“Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури”да, кўп маротаба хорижий мамлакалардаги илғор педагогик технологияларни ўрганиб, уларни ўқув муассасаларимизга олиб кириш зарурлиги уқтирилган.

Республикамизнинг педагог олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган миллий таълим технологиясини яратиш ва уни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интилиб келдилар.

Бу ерда, нима учун бугунги кунда педагогика усулларининг миллий назарий асосини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарурати туғилди?, деган савол пайдо бўлиши мумкин. Жамиятимизга қанчадан – қанча билимли кадрларни ва юқори малакали олимларни етиштириб келган кўпгина педагогика усуллари мавжуд-ку, уларнинг эскириб, талабга жавоб бермай қолган ва мафкуралаштирилган жойларини ўзгартириб, уларга миллий тус бериб, фойдаланаверса бўлмайдими? – деган мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Ўзбекистоннинг шу кундаги педагогик жамоатчилигининг аксарияти, айнан шу йўлдан бормоқда. Бу йўл иложсизликдан излаб топилган бўлиб, қисқа муддатга хизмат қилиши мумкин. Мустақилликни қўлга киритган ва буюк келажак сари интилаётган жамият учун бу йўл узоқ хизмат қилолмайди. Чунки:

**биринчидан,** жамиятимиз, тараққий этган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрнини эгаллаб, уни сақлаб туриши учун, ўсиб келаётган авлоднинг таълим ва тарбиясини жадалллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида дунёдаги энг илғор педагогик усуллардан фойдаланиш зарурлиги;

**иккинчидан,** анъанавий ўқитиш усуллари ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли “ахборотли ўқитиш” сифатида тавсифланиб, ўқитувчи ва педагоглар фаолияти ўқувчи ва талабаларга билимларни фақат етказиб бериш билан чекланганлиги сабабидан, таълим олувчилар бундай ўқитиш усулларини қабул қилмай қўйганлиги;

**учинчидан,** кишилик жамияти ўз тараққиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмперик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ якунга асосланган техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги;

**тўртинчидан,** фан–техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётгани ва уларни ёшларга билдириш учун вақтнинг чегараланганлиги;

**бешинчидан,** ёшларни ҳаётга мукаммал тайёрлаш талаби, объектив борлиққа энг илғор илмий ёндошув тамойили бўлган “мажму ёндашув” (системный подход)дан фойдаланилган педагогик усул орқали билим беришликни талаб қилишидадир.



Педагогик технология юқорида санаб ўтилган бешта сабабий шартларнинг барча талабларига жавоб берадиган педагогик усулдир.

Жамиятимиз жадаллик билан тараққий этиб, иқтисодий ва сиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бормоқда. Аммо ижтимоий соҳада, айниқса, таълим-тарбияда депсиниш ва умумий тараққиётдан орқада қолиш сезилмоқда. Бундай нохуш вазиятдан чиқиб кетиш йўлларидан бири, қабул қилинган давлат стандартлари ва “педагогик технология” усулининг ҳудудимизга мослаштирилган модели тамойиллари асосида ўқув машғулотларини аввалдан лоиҳаласини тузиб олиб, улардан педагогик амалиётда фойдаланишни йўлга қўйишдир.

Маърифатли ва ривожланган мамлакатларда мувафаққият билан қўлланиб келаётган педагогик технологияларни ўрганиб, халқимизнинг миллий педагогика анъаналаридан, уларнинг педагогик менталитедидан ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистоннинг миллий педагогик технологиясини яратиш лозим эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Педагогик технологиянинг том маъносини билиш ва унинг ҳудудимизга мос турини яратиш учун “мажмулар назарияси”ни тўла эгаллаб олиш зарур. Чунки **педагогик технология “мажмулар назарияси”нинг қонуниятларига 100 фоиз суянган бўлиб, янгича фалсафий тафаккурни, янгича дунёқарашни ифода этади.**

Технология ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, объектга йўналтирилган мақсадли амалларни муайян кетма-кетликда қатъий бажаришни кўзда тутади.

Педагогик технологиянинг асосий тушунчаси, сўзсиз, ўқув жараёнига “мажму сифатида ёндашиш”дир. Бунда таълим-тарбияда иштирок этувчи барча нарса ва ҳодисалар ўзаро функционал боғлиқликда англашилиб, бир бутунликни, яъни педагогик жараён мажмуини ташкил қиладилар.

**Педагогик технологиянинг анъанавий уcллардан асосий фарқи,** унинг тўла-тўкис “мажму ёндошув” тамойилидан келиб чиққанлиги.

**Унинг аввалги уcллардан кейинги фарқи,** у таълим жараёнини бир бутунликда кўриб, таълим мақсади, унинг мазмуни, билим бериш усуллари ва воситалари ҳамда таълим олувчи ва таълим берувчиларни ўзаро функционал боғлиқликда кўриб, таълим жараёнини назорат қилиш ва натижасини баҳолаш каби қисмларини ўзаро узвий боғлаб мажмуга келтириб туриб, унинг лойиҳасини аввалдан тузиб олишдир.

**Анъанавий усуллардан яна бир фарқи,** у ўқувчи ва талабаларнинг, ўларга берилган билимларни ёдлаб олиб айтиб беришига эмас, балки, таълим ва тарбия жараёнида фаол иштирок этиб, унинг якунида амалий ишларни бажаралишига йўналтирилганлигидадир.

**Педагогик технологиянинг бошқа таълим уcлларидан навбатдаги фарқи,** унинг ёрдамида ўқув жараёни ташкил этилганда, ўқув машғулот натижаси билим берувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ эмаслигида.

Илмий асосланиб, яхши лойиҳалаштирилган педагогик технология бўйича ҳар қандай ўқитувчи ва педагог, аъло бўлмасада, ўқув машғулотини сифатли амалга ошираолади. Чунки педагогик технология тамойиллари асосида ўқув машғулот лойиҳсини педагог олим, методист ёки илғор тажрибали ўқитувчилар тузади, шу боис уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳорати ўқув машғулот лойиҳасида ўз ифодасини топган бўлади. Аввалгидек, "ўқув машғулотидан кўзланган мақсадга объектив сабабларга биноан етиб бўлмади" ёки "кутилмаган омилларга биноан дарс бузилди" ва шунга ўхшаш гапларга педагогик технологияда ўрин қолмайди.

Педагогик технологиянинг юқорида қайд этилган хусусиятларидан ва мажмулар назариясининг қонуниятларидан келиб чиқиб, унга қуйидаги кенгайтирилган таърифни берса бўлади. **ПТ – бу муайян фаннинг Давлат таълим стандартида кўрсатилган билимларини ўқувчи ва талабаларга етказиб бериш ва жамият эхтиёжидан келиб чиққиб олдиндан белгиланган киши фазилатларини самарали шакллантирувчи ва ўқув жараёнини мажму сифатида кўриб, уни ташкил қилувчи унсурлари бўлган "ўқитувчи ёки педагог"нинг ўқитиш воситалари ёрдамида "ўқувчи ёки талаба"ларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда кўрсатган таъсирини назоратда тутувчи ва таълим натижасини баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир.**

Технологик ёндашув ишлаб чиқаришдан олинган бўлиб, унда минглаб технологик жараёнлар лойиҳалаштирилган. Улар ишлаб чиқаришда керакли натижаларга эришиш гарови ҳисобланади. Бу технологияларни қўллаш вақтида ҳудуд ва уларнинг ижрочиси ўзгарса ҳам, керакли маҳсулот чиқаверади. Таълим-тарбия жараёнида ҳам шунга эришиш учун педагогик технология кашф қилинди.

Бу иш биринчи бор АҚШ олимлари Б.Блум, Д.Кратволь, Н.Гранлунд, Дж.Керолла, Дж.Блок, Л.Андерсон ва бошқалар ҳаракати натижасида амалга ошди.

Мустақил Ўзбекистоннинг эркин фуқароларини шакллантиришда халқ хўжалиги учун зарур бўлган маълум билимлар ҳажмига эга мутахасис ҳамда турли муаммоларга дуч келганда, мустақил изланиб, уларни ҳал қилиб кетадиган мустақил фикр юритувчи жасур ва тадбиркор кишиларни тарбиялашда "педагогик технология" усули ас қотади.

Ўқув жараёнининг педагогик технология тамойиллари асосида тузулган лойиҳасини, алоҳида олинган битта дарсга, битта мавзуга, ёки ўқув фанининг бир қисмига ва бутун ўқув фанига тузиб чиқилиши мумкин.

## Педагогик технологиянинг Ўзбек инновацион модели ва унинг тамойиллари

Педагогик технологиянинг муайян инновацион модели бошқа барча хорижий мамлакатлар педагогик технологияларидан жўнлиги ва юқори самарадорлиги билан ажралиб, бошқа таълим технологиялар каби, ўқув жараёнининг сифатини педагогнинг шахсий фазилатлари ва касбий маҳоратидан озод қилади в таълим-тарбия жараёнини фақат яхши ва аъло даражада бўлишлигини кафолатлаши билан бирга, уни қайта тиклаш имконини яратади.



Педагогик технологиянинг ўзбек модели янгиланиб, қайта ишлаб чиқилган варианти қуйидаги тамойилларга асосланади:

**1.Ўқув машғулот лойиҳасини аввалдан тузиб олиш.** Бунда, ўқув фанининг ҳажм ва мазмуни жиҳатидан иерархияга асосланган – "мего", "макро" ва "мезо" модулларга ажратилаиб, бу модулларнинг олдига қўйилган таълимий ва тарбиявий мақсадлари ҳамда уларга ажратилган вақт белгиланади. Сунг, ҳар бир "мезо" модул таркибида "микро" модуллар ажратилиб, бу модуллар орқали бериладиган билимлар ичидан таянч тушунчалар аниқланиб, улар асосида назорат саволлари тузилади. Ҳар бир микро модуллар орқали бериладиган билимларни қайси ўқув машғулот типи ва уларда қўлланиладиган педагогик усуллар, аҳборот-коммуникация технология ва дидактик материалларнинг тури ҳамда қўлланиш ўринлари кўрсатилади.

**2.Мажму ёндошувга амал қилиш.** Дарс ва ўқув машғулотини лойиҳалашда ва тузилган лойиҳа асосида ўқув машғулотини амалга оширишда замона илм-фанининг объектив борлиққа энг илғор илмий ёндошуви бўлган "мажму ёндошув" тамойилининг барча қонун ва қоидаларига риоя қилиш. Зерро, ўқитишнинг "педагогик технология" усули юз фоиз "мажму ёндошув" тамойили асосида яратилган.

**3.Лойиҳа тузишда дидактиканинг принциплари, қонун ва қоидаларидан келиб чиқиш.** Бунда, таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашда дидактиканинг барча принциплари, қонун ва қоидаларига амал қилинади. Бунинг учун дарс ва ўқув машғулот лойиҳасини тузувчи ва тузилган лойиҳа асосида ўқув машғулотларни амалга оширувчи дидактикани яхши билиши ва ундан педагогик амалиётда фойдалана олиши шарт.

**4.Ўқув машғулотини таркибий қисмларини ўзаро функционал алоқадорликда кўриш.** Дарс ва ўқув машғулотини лойиҳасини тузганда, "мажму ёндошув тамойили"га амал қилган ҳолда, унинг таркибий қисмлари – "модулларнинг мақсадлари ва уларга ажратилган вақт", "таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари", "дарс тури ва типи", " педагогик усуллар", "аҳборот-коммуникация технологиялар ва дидакатик материаллар"ни ўзаро функционал боғлиқликда кўрилади. Бу тамойилга амал қилганда, дарс ва ўқув машғулотининг унсурларидан биронтаси ўзгаришга учраса, бошқа барча унсурларини ҳам шунга мос равишда ўзгартирилишини тақаззо этади. Чунки, улар ўзаро функционал боғлиқдирлар.

**5.Ўқувчи ва талабалар эгаллашлари шарт бўлган билимларни ўзлари мустақил равишда топишларига эришиш.** Дарс ва ўқув машғулотини лойиҳасини тузишда ва ундан амалиётда фойдаланишда, таълим олувчилар эгаллашлари шарт бўлган билимларни ўзлари мустақил равишда топишларига урғу берилади. Яъни, ўқитувчи ва педагог муайян ўқув машғулотида таълим олувчилар эгаллашлари шарт бўлган билимларни уларга айтиб беролмай, бу билимларни талабалар фаол фикр юритиб ўзлари топишларига эришиши лозим.

**6.Эгалланадиган билимларни ўқувчи ва талабалар англашлари, хотирасида сақлашлари ва амалиётда қўллай олишларини бир вақтнинг ўзида олиб бориш.** Бу тамойил, дарс ва ўқув машғулотини лойиҳалашда ва шу

лойиҳа асосида ўқув машғулотини амалга оширишда, эгалланадиган билимларни таълим олувчилар англашлари, ҳотирасида сақлашлари ва амалиётда қўллай олишларини бир вақтнинг ўзида олиб боришликни тақозо этади.

**7.Ўқувчи ва талабалар бажариши шарт бўлган иш ҳаракатларини аввалдан белгилаш.** Бунинг учун, дарс ва ўқув машғулот ичидаги ҳар бир " микро " модул якунида ўқувчи ва талабалар бажариши шарт бўлган иш ҳаракаталар аввалдан аниқланади.

**8.Таянч тушунчаларни ажратиш ва улар асосида назорат саволларини тузиш.** Дарс ва ўқув машғулотини лойиҳалашда, ҳар бир микро модуллар орқали бериладиган билимлар ичидан таянч тушунчалар аниқланиб, улар асосида назорат саволлари тузилади ва назоратнинг тур ва мезони белгиланиб олинади.

**9.Ўқувчи ва талабалар билимларни ўзлаштириб олганлик даражасини аниқлаш.** Дарс ва ўқув машғулотининг якунида, олдиндан шу машғулот учун аниқланган назорат саволлари ва баҳолашнинг тур ҳамда мезонлари асосида, барча таълим олувчиларнинг, шу соатда эгаллашлари шарт бўлган билимларни ўзлаштириб олганлик даражаси аниқланиб, рейтинг баҳолари чиқариб қўйилади.

**Ушбу тамойилларга амал қилгандагина, дарс ва ўқув машғулотларнинг лойиҳалари тўғри тузилган бўлиб, бундай дарс ва ўқув машғулотлари замон талабига жавоб беради деб ҳисобланади.**

## Ўқув машғулот лойиҳасини тузиш алгоритми

Юқорида қайд қилинган тамойиллардан келиб чиқиб, дарс ва ўқув машғулот лойиҳасини тузишда бажариладиган иш ҳаракаталар қуйидаги тартибда амалга оширилади. Уни дарс ва ўқув машғулот лойиҳасини тузиш алгоритми дейилади.

Ўқув машғулотини лойиҳалаш учун амалга ошириладиган **биринчи вазифа – ўқув фанининг ишчи дастурини тузиш.** Бунинг учун, юқорида санаб ўтилган "педагогик технология"нинг ўзбек инновацион модели тамойилларига амал қилган ҳолда қуйидаги ишлар бажарилади.

**Бажариладиган биринчи иш** – қўлга намунавий ўқув дастурни олиб, уни яхлит бир бутунлик сифатида кўрилади ва **"мего"** модул (ўта катта бўлак) деб қабул қилинади. Давомидан, ишчи дастур тузиш қоидаси бўйича, мего модул(ўқув фани)нинг олдига қўйилган умумий таълимий ва тарбиявий мақсадлари аниқланади. Бу мақсадлар, шу ўқув фани учун белгиланган Давлат таълим стандарти ва мустақил Ўзбекистон ҳукуматининг ўз фуқароларида кўришни истайдиган фазилатлар тизимига мос келиши шарт. Бундай фазилатлар тизими қўлланмамизнинг Илова 1 да ўз ифодасини топган.

Сўнг, талабаларнинг ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакаларига қўйилган талаблар; мазкур ўқув фанининг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги; уни ишлаб чиқаришдаги ўрни кўрсатилиб, асосий қисмга ўтилади.



**Бажариладтган иккинчи иш** – ишчи дастурни асосий қисмини ёзишдир. "Асосий қисм" деб сарловҳа қўйилиб, муаян ўқув фани, яъни **"мего"** модул ичидаги билимларнинг ҳажми, мантиқий боғлиқлиги ва фикрни тугалланганлигидан келиб чиқиб, ўқув материалини **"макро"** (катта) модулларга ажратилади ва уларнинг ҳам таълимий ва тарбиявий мақсадлари аниқланиб, уларга ажратилган соатлар кўрсатилади. Намунавий дастурда булар "бўлим" тариқасида кўрстилган.

**Бажариладиган учинчи иш** – ҳар бир **"макро"** модул ичидан мантиқан боғлиқ, шу билан баробар (агарда бу дастур умум-ўрта мактабники бўлса) битта дарсга, (касб-ҳунар колеж, академик лицей ва олий ўқув юртиники бўлса) бир ўқув машғулоти жараёнида ўқувчи ёки талабалар онгига етказилиши лозим бўлган билимлар ажратилади ва уларга **"мезо"** (ўрта) модул деб ном берилади ва уларнинг ҳам таълимий ва тарбиявий мақсадлари ҳамда ўқув машғулотининг тури аниқланади.

**Бажариладиган тўртинчи иш** – ҳар бир ўқув машғулотини, яъни ҳар бир **"мезо"** модулни **"микро"** модулларга ажратиб чиқишдир. Бунинг учун, ҳар бир дарс ва ўқув машғуолтини ичидан материалнинг ҳажми, фикрни тугалланганлигидан ҳамда "мезо" модул олдига қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, бир нечта "микро" модуллар ажратилади, сўнг, уларнинг ҳар бирини олдига қўйилган таълимий ва тарбиявий мақадлари белгиланади. Шу билан ўқув фанининг ишчи дастури тузилган бўлади.

**Амалга ошириладиган иккинчи вазифа – ҳар бир "мезо модул", яъни дарс ёки ўқув машғулотини лойиҳасини тузиш.** Бунинг учун:

**Бажариладиган биринчи иш,** рўпарага шу фан бўйича Давлат таълим стандартларида белгиланган талаблар ифодаланган Расм 1 билан тарбиявий мақсадни ифода этувчи мустақил Ўзбекистон фуқоросининг шу методик қўлланманинг Илова 1 да кўрсатилган фазилатлар тизими, яъни Расм 2 ни ҳамда Илова 2 да ифодаланган дидактика ва Илова 3 да кўрсатилган педагогик технология тамойиллари ёзилган Расм 3 ва педагогик усуллар ифодаланган Расм 4, 5 қоғозларни илиб қўйилади ва қўлга ишчи дастурни олиб, ундаги "мезо" модулларга эътиборни қаратилади. Мақсадимиз, ҳар бир "мезо" модулнинг учтадан жадвалларини тузиб чиқиш.

Бунинг учун оқ қоғоз, чизғич ва қаламни олиб 1 "мезо" модулдаги "микро" модулларнинг тартиб рақамлари, уларнинг мақсадлари, уларга ажратилган дақиқалар ҳамда ўқувчи ёки талабалар бажариши лозим бўлган иш ҳаракатларни ифода этадиган **1 жадвал тузилади.** Лойиҳани тузиш жараёнида, доимо, рўпарага илинга расмларга мурожат қилинади.

**Бажарилдадиган иккинчи иш,** ҳар бир дарс ёки ўқув машғулоти таркибидаги микро модуллар орқали бериладиган билимлар ичидан таянч тушунчалар ажратилиб, улар асосида назорат саволлари тузилади ва назоратнинг турлари аниқланган **2 жадвал тузилади.**

**Бажариладиган учинчи иш, жадвал 3 ни тузиш экан,** дарс ёки ўқув машғулотининг ҳар бир микро модулида қўлланиладиган ўқув машғулотининг типини, илова 4 да кўрсатилган типларидан ва Илова 5 ифодаланган педагогик

усуллардан, шу микро модулдаги билимларни талабаларга билдириш учун мос келадиганларини танлаб олиб жадвал 3 нинг керакли катагига ёзилиб қўйилади. Сўнг, муайян ўқув муассасида мавжуд ахборот-коммуникация технологиялардан келиб чиқиб, машғулотни амалга оширишда фойдаланиладиган ахборот-коммуникация технология ва дидактик материалларнинг тури ва жойини жадвал 3 даги керакли жойига ёзилиб қўйилади.

**Амалга ошириладиган учинчи вазифа – ҳар бир дарс ёки ўқув машғулотининг сценарийсини ёзишдир.** Бунинг учун, ҳар бир дарс ва ўқув машғулотининг тузилган учта жадвалларида кўрсатилган микро модуллар тартиби бўйича ва уларда белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб, шу модуллар орқали эгаланадиган билимлар ифодаланади. Бу билимларни таълим олувчиларга етказишда қўлланиладиган педагогик усуллар, ахборот-коммуникация технология ва дидактик материалларнинг тури ва қўлланиш жойлари, юқоридаги учта жадваллардан олиб, дарс ёки ўқув машғулот сценарийси ёзилади. Сценарий “”педагог – талаба” диалоги майлида ёзилади.

### Лойиҳа тузиш амалиётидан мисол

Юқорида дарс ва ўқув машғулотининг лойиҳасини тузиш пайтида, лойиҳа тузувчи таяниши лозим бўлган педагогик технологиянинг ўзбек инновацион моделининг тамойиллари ва лойиҳа тузиш алгоритми қайд қилинган. Қўлланмамизнинг мазкур қисмида, Олий таълимнинг магистратура босқичида ўқитиладиган **“Педагогик технология ва педагогик маҳорат”** ўқув фани мисолида, ўқув машғулотини лоиҳалаш амалиёти билан каспдош ва талабаларни ҳабардор қиламиз. Бу лойиҳада биз, мазкур ўқув фани учун тасдиқланган намунавий дастур асосида, янги кўринишга эга, яъни инновацион ишчи дастурни тузиб чиқдик. Сўнг, мисол тариқасида, битта назарий ўқув машғулоти, яъни 1“Мезо” модулнинг лойиҳасини яратдик.

**Келтирилган ушбу мисолдан келиб чиқиб, барча ўқитувчи ва педагоглар ўзларининг ўқув фани бўйича дарс ва ўқув машғулотлар лойиҳаларини тузаоладилар.**

### Қуйида шу мисол келтирилган

**“Педагогик технология ва педагогик маҳорат”** ўқув фани бўйича битта ўқув машғулотининг лойиҳасини тузишимиз учун:

**Биринчи навбатда,** шу фаннинг намунавий дастури ҳамда ушбу фан бўйича ёзилган дарслик ёки ўқув қўлланмани тахт қилиб қўйдик.

**Иккинчи навбатда,** ўқув жараёнига умумий методологик асос бўлиб ҳизмат қилувчи, Илова 1 да қайд қилинган, ёш авлодда шакиллантирилиши лозим бўлган, мустақил Ўзбекистон фуқоросида шакиллантирилиши лозим бўлган 13 фазилатлар ифодаланган қоғозни ҳам рўпарамизга илдик.

**Учинчи навбатда,** ўқув машғулотини лойиҳалаш жараёнида хусусий методологик асос бўлиб ҳизмат қиладиган, дидактика(таълим назарияси)нинг қонунлари, принциплари ва қоидаларини йирик қилиб ёзилган Илова 2 ни ҳам рўпарага илдик.



**Тўртинчи навбатда,** лойиҳа тузишимиз учун йўл-йўриқ, яъни методика вазифасини ўтайдиган, педагогик технология тамойиллари ва лойиҳа тузиш алгоритми ёзилган Илова 3 ни ҳам рўпарамизга илиб қўйдик. Ёнига Илова 5 да анъанавий ва интерфаол педагогик усуллар ифодаланган қоғозларни ҳам илдик.

**Бешинчи навбатда,** лойиҳа тузиш учун керак бўладиган А4 форматли бир қанча оқ қоғоз, чизиғич, қалам, ручка ўчирғич каби ёрдамчи нарсаларни ҳам тахт қилиб қўйдик. Натижада лойиҳа тузишга керак бўладиган асослар мужассамланди ва лойиҳа тузиш алгоритми (тартиби) бўйича лойиҳа тузишни бошладик.

**Лойиҳани тузиш учун амалга оширган биринчи ишимиз – ўқув фаннинг иннавцион (янгича) ишчи дастурини тузиш бўлди.**

Ишчи дастурни тузишда, намунавий дастур билан дарслик ёки ўқув қўлланмани яхшилаб ўқиб чиқиб уларнинг орасида бири-бирига мос тушмайдиган жойларини аниқлаб, бири-бирига мослаштирдик ва ёнимизга қўйиб қўйдик. Сўнг, рўпарамизга илинган қоғозларга қараб туриб, ўқув фанини бир бутунликда “мего” модул деб, ичидаги бўлимларини “макро” модул, сўнг, ҳар бир “макро” модул ичидан бир нечтадан “мезо” ва ”мезо” модуллар таркибидаги “микро” модулларни ажратдик ва ҳар бирини олдига қўйилган мақсадларни белгиладик. Модулларни ажратишда ва уларнинг мақсадларини белилашда, шошмай, диққат билан, рўпарамизга илиб қўйилган қоғозлардан кўз узмай, уларнинг барча қонун, қоида ва тамойилларидан келиб чиқдик. Қуйида шу дастур келтирилган.

## “Педагогик технология ва педагогик маҳорат” ўқув фанининг инновацион ишчи дастури

### Кириш

Таълим-тарбия тизими орқали замон талабига жавоб берувчи соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, кўп жихатдан ўқув фани ўқитувчи ва педагогларнинг каспий маҳоратига ва ўқув машғулотларни педагогик технология тамойиллари асосида лойиҳалаб, бу лойиҳалардан ўзининг педагогик амалиётида самарали фойдаланаолишларига боғлиқдир.

### Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари

Ушбу ўқув фанидан магистрантларга билим беришдан **мақсад** – келгусида педагогик фаолият билан шуғулланишни аҳду-паймон қилганларни узлуксиз таълим тизимидаги ўқув фанлар машғулотларини олиб бориш усулининг энг замонавийси ҳисобланган “Педагогик технология” усули билимлари билан қуроллантириб, бу билимларни уларнинг кўникма ва малакаларига айлантириш йўли билан уларни маҳоратли педагог кадр этиб етиштириш.

Ўқув фанининг **вазифаси** – бўлажак педагогларни “Педагогик технология”нинг назарий асоларига оид билимлар билан қуроллантириб, уларда таълим-тарбия жараёнини педагогик технология тамойиллари асосида лойиҳасини тузиб, назарий ва амалий ўқув машғулотларни технология даражасида ташкил этиш кўникма ва малакаларини пайдо қилиш; жаҳондаги мавжуд педагогик технололгияларнинг ғояларидан келиб чиққан “Педагогик

**1 Макро модул -**
**Педагогик технологиянинг қисқача тарихи ва таърифи –**
**8 соат**

**Модулнинг таълимий ва тарбиявий мақсадлари.** Ер юзида мавжуд дидактик тизимлар таҳлили асосида "Педагогик технология" усулининг яратилишининг тарихий зарурият эканлигини магистрантлар онгига етказиш ва уларга педагогик технололгиянинг шакилланиш босқичлари, илмий асосланган таърифи тўғрсидаги билимларни бериб, бу билимларни уларнинг кўникма ва малакаларига айлантириш. Шу билан бир қаторда, уларни мустақил фикр юритишга, севиш ва севилишга, инсонпарварликка ўргатиб, уларда "мустақил фикр юритувчи ва билимли", "меҳр ва муҳаббатли", "толерант ва инсонпарвар" туйғуларини пайдо қилиш.

**1.1 Мезо модул –** назарий машғулот – 2 соат
МАВЗУ: **Жахондаги дидактик тизимларнинг асосийларини қисқача таҳлили**

1 Микро модул

1.1.1. Талабалар билан танишиш ва уларни мазкур фан билтимлдарини ўрганиши жараёнида амал қилишлари лозим бўлган тартиб ва қоидалар билан таништириб, конспект дафтарларининг биринчи бетига ёздириб қўйиш.

2 Микро модул

1.1.2. Я.А.Коменский ва И.Г.Пестолоций дидактик тизимлардаги асосий ғоялар, уларнинг ўзаро ўхшашлик ва фарқли томонларини, магистрантлар билан ҳамкорликда, очиб бериш.

3 Микро модул

1.1.3. Роберт Оуэн ва И.Ф.Гербард дидактик тизимларининг янги ғоялари ва уларнинг жаҳон таълим тарбия соҳсини ривожидаги ўрнини, магистрантларнинг фаол иштирокида,кўрсатиб бериш.

4 Микро модул

1.1.4.Ўқув машғулотини ҳулосалаб, магистрантр билимларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш ва уйга берилган вазифани тушунтириб бериш

**1.2 Мезо модул –** амалий машғулот – 2 соат
МАВЗУ: **Жаҳондаги йирик дидактик тизимларнинг таҳлили**

1 Микро модул

1.2.1. Магистрантлардан мустақил таълим учун берилган вазифаларни текшириб, рейтинг баҳоларини чиқариш ва бўлғуси амалий машғулот режаси билан таништириш.

2 Микро модул

1.2.2. Ян Амос Коменский ва И.Г.Пестолоций дидактик тизимларини, магистрантлар билан таҳлил қилиш.

3 Микро модул

1.2.3. Роберт Оуэн ва И.Ф.Гербард дидактикаларидаги янги ғояларининг таҳлили ва бу дидактик тизимларни жаҳондаги таълим-тарбия соҳасини ривожланишидаги ўрнини магистрантларга айттириш.

4 Микро модул

1.2.4. Амалий машғулотга ҳулоса ясаб, магистрантлар билим ва кўникмаларини ҳосил бўлганлик даражасини аниқлаш.



**1.3 Мезо модул –** назарий машғулот – 2 соат
МАВЗУ: **Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштиришнинг тарихий зарурурлиги**

1 Микро модул

**1.3.1. Ўқув машғулотини ташкил қилиш ва аввалги машғулотлдарда ўтилган материални фронтал сўраш йўли билан мустаҳкамлаш ва янги мавзуни эълон қилиш.**

2 Микро модул

**1.3.2. АҚШ олимлари илгари сурган дидактик тизимлар, шу жумладан, Янги дидактика"нинг асосий ғоялари ва таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш зарурлигининг шарт-шароитларини, магистрантлар билан ҳамкорлдикда, аниқлаш.**

3 Микро модул

1.2.3. Таълим технологиясига юклатилган вазифаларни, магистрантлар ёрдамида, белгилаш.

4 Микро модул

1.2.4. Назарий машғулотни якунлаб, магистрантлар билим ва кўникмаларини аниқлаш ва уйга берилган вазифани тушунтириб бериш.

**1.4 Мезо модул –** амалий машғулот – 2 соат
МАВЗУ: **Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштиришнинг зарурлиги**

1 Микро модул

1.2.1. Амалий машғулотни ташкил қилиб, аввалги ўқув машғулотида мустақил таълим учун берилган вазифаларни текшириш йўли билан, магистрантлар томонидан эгалланган билимларни мустаҳкамлаш.

2 Микро модул

1.2.3. Америка олимлари кашф қилган дидактика тизимлари ва оҳирида яратган "Янги дидактика"нинг асосий ғоялари ва таълим-тарбия жараёнини технологиялаштиришнинг зарурлигини магистрантларга айттириш йўли билан, бу билтимлдарни уларнинг кўнгикма ва малакаларига айлантириш.

3 Микро модул

1.2.4. Таълим технологиянинг олдига қўйилган вазифаларни магистрантлар айтиб бериб, назарий машғулотда эгалланган билимларини кўникмаларига айлантириш.

4 Микро модул

1.2.5. Амалий машғулотни ҳулосалаб, магистрантлар эгаллаган билимларни кўникмаларига айлантирганлик даражасини баҳолаш.

**2 Макро модул -**
**Педагогик технологиянинг методологик асослари – 8 соат.**

**Модулнинг таълимий ва тарбиявий мақсадлари.** Магистрантларга атроф олам унсурларини ўзаро узвий боғлиқ ҳолда бўлган мажмулар сифатида идрок қилишни тафаккурларига етказиб, бу билимларга уларда кўникма ва малака ҳосил қилдириш ҳамда уларни таълим-тарбия соҳасида "Мажму ёндошув" тамойилини қўллашга ўргатиш. Шу билан бир қаторда, уларда бутун олам яҳлит бутунлик эканини ҳис қилдириш асосида "соғлом ва эзгу ниятли", "толерант ва инсонпарварлик", "меҳр ва муҳабатлилик" туйғулари билан "Ҳуқуқий ва экологик маданият ҳамда бурч ҳиссини" шакиллантириш.



0092
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

**2.1 Мезо модул –** назарий машғулот – 2соат

МАВЗУ: **Атроф олам унсурларини ўзаро узвий боғлиқ холдаги мажмулар сифатида идрок қилиш ва умум мажмулар назарияси**

1 Микро модул

2.1.1. Ўқув жараёнини ташкил қилиш ва аввалги машғулотларда эгалланган билимларни тарорлаш ва янги "2 Макро модул" бошланганлигини эълон қилиб, мазкур дарс мавзусини доскага ёзиб қўйиш.

2 Микро модул

2.1.2. Квант назарияси ва синергетикани пайдо бўлиш сабабларини магистрантлар ёрдамида аниқлаш.

3 Микро модул

2.1.3. Атроф олам унсурларига мажму сифатида ёндошиш ва умум мажмулар назариясини келиб чиқишнинг илмий асосларини магистринтлар иштирокида, уларнинг онгига етказиш.

4 Микро модул

2.1.4. Ўқув машғулотига якун ясаб, магистрантлар билимларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш ва мустақил таълим саволларини белгилаб, уйга вазифа бериш.

**2.2 Мезо модул –** амалий машғулот – 2 соат

МАВЗУ: **Оламни ўзаро узвий боғлиқ бўлган мажмулар сифатида идрок қилиш ва умум мажмулар назариясининг таҳлили**

1 Микро модул

2.2.1. Амалий машғулотни ташкил қилиб, аввалги ўқув машғулоти охирида мустақил таълим учун берилган саволларга жавоб олиш йўли билан назарий машғулотда эгалланган билимларни мустаҳкамлаш.

2 Микро модул

2.2.2. Квант назарияси асосида ташкил топган квант механикаси ва фалсафадаги синергетик дунёқарашни пайдо бўлиш сабаларини магистрантларга айттириб, назарий машғулотда эгалаган билимларига уларда кўникма ва малака ҳосил қилдириш.

3 Микро модул

2.2.3. Атроф олам унсурларини ўзаро узвий боғлиқликда бўлган мажмулар сифатида англаш ва мумум мажмулар назариясини таркиб топишини магистрантлардан эшитиб, уларда бу билимларга кўникма ҳосил қилдириш

4 Микро модул

2.2.4. Амалий машғулотни якунлаб, магистрантлар эгалаган билимларини кўникмаларига айлантирганлик даражасини баҳолаш ва мустақимл таълим учун уйга вазифа бериш.

**2.3Мезо модул –** назарий машғулот – 2 соат

2.3. МАВЗУ: **Таълим – тарбия соҳасида мажму ёндошув тамойилини қўллаш**

1 Микро модул

2.3.1. Ўқув машғулотини тьашкил қилиш ва аввалги машғулотда мустақил таълим учун берилган саволлар ечимини текшириш орқали ўтган машғулотда магистрантлар эгалланган билимларни мустаҳкамлаш ва уларни баҳолаш.

2 Микро модул

2.3.2. Ўқув йилини бир бутунлик, яъний мажму сифатида идроқ қилиб, уни ташкил қилувчи ва ўзаро функционал боғлиқликда бўлган қисмларини, магистрантлар ёрдамида, аниқлаш.



**3 Микро модул**

**2.3.3.Муайян ўқув фанини "Мего", яъни ўта катта модул сифатида англаб, уни ташкил қилувчи ва ўзаро функционал боғлиқ бўлган қисмларини макро (катта) модул деб идрок қилишни магистрантларга ўргатиш.**

**4 Микро модул**

**2.3.4. Хар бир макро модул ичидан бир жуфт соатлик машғулот – мезо (ўрта) модулларни ажратиш йўл-йўриқларини магистрантларга кўрсатиб бериш.**

**5 Микро модул**

**2.3.5. Ҳар бир мезо модулларнинг ичидан "Микро" (кичик) модулларни ажратишни магистрантларнинг фаол иштирокида аниқлаш.**

**6 Микро модул**

**2.2.6. Ўқув жараёнини бирламчи асоси бўлган "дарс" ва "ўқув машғулоти"ни мажму сифатида англаб, улардаги унсурларни магистрантлар ёрдамида аниқлаш.**

**7 Микро модул**

**2.2.7.Ўқув машғулотига якун ясаб, магистрантлар билимларни ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш ва мустақил таълимнинг вазифаларини белгилаш.**

**2.4 Мезо модул –** амалий машғулот – 2 соат

МАВЗУ: **Таълим-тарбия жараёнига мажму ёндошув тамойилини қўллаш**

1 Микро модул

**2.4.1.Амалий машғулотни ташкил қилиш ва аввалги ўқув машғулотида эгалланган билимларни савол-жавоб орқали магистрантлар онгида мустаҳкамлаш.**

2 Микро модул

**2.4.2. Таълим-тарбия соҳасига мажму ёндошув тамоилини қўллашни магистрлар кўрсатиб беришлари орқали, улардаги бу билимларни уларнинг кўникма ва малакаларига айлантириш.**

**Магистрантлар, ўқув фанини модулларга ажратишда, мажму ёндошув тамойилидан фойдаланиш йўлларини кўрсатиб беришлари ёрдамида бу билимларни уларнинг кўникма ва малакаларига айлантириш**

4 Микро модул

2.4.4. Ўқув жараёнини бирламчи асоси бўлган бир жуфт соатлик ўқув машғулотини мажму сифатида англаш йўлини магистрантлар кўрсатиб беришларига эришиш

5 Микро модул

2.4.5.Амалий машғулотга якун ясаб, магистрантлар билим ва кўникмаларини кўрсатувчи рейтинг балларини чиқариш.

**3 Макро модул –**

**Педагогик технологиянинг назарий ва амалий асослари –**

**20 соат**

**Модулнинг таълимий ва тарбиявий мақсадлари.** Магистрантларга, педагогик фаолият уч турли бўлишлигини, шу сабабдан уларнинг фаолият объектлари, предметлари ва мақсадлари уч турли эканлигини, магистрантларнинг ўзини ёрдамида, эслаб, "Педагогик технология"нинг Ўзбекистонга мос инновацион моделининг тамойиллари, улар асосида ўқув машғулот лойиҳасини тузишда бажариладиган ишлар тартибини кўрсатиб бериш ва улар бу билимларга кўнгикма ва малака ҳосил қилишларига эришиш. Шу билан, уларда педагогик фаолиятга меҳр уйғотиб "меҳр ва муҳаббатли", "аҳлоқ ва одобли", "соғлом ва эзгу ниятли", "меҳнат севар ва шижоатли" фазилатларини шакиллантириш.

**3.1 Мезо модул** – назарий машғулот – 2 соат

**МАВЗУ: "Педагогик технология"нинг тадқиқод объекти, предмети, мақсад ва вазифалари**

1 Микро модул

3.1.1. Ўқув машғулотини ташкил қилиш ва магистрантлардан аввалги машғулотда мустақил таълим учун берилган саволларга жавоб олиш орқали, утган машғулотда олинган билимларни мустаҳкуамлаш.

2 Микро модул

3.1.2. "Педагогик технология" илмининг тадқиқод объекти ва предметини, магистрантлар ёрдамида, аниқлаш.

3 Микро модул

3.1.3. "Педагогик технология" илмининг тадқиқод ўтказишдан мақсади ва ечиши шарт бўлган масалаларини, магистрантлар ҳамкорлигида белгилаш.

4 Микро модул

3.1.4. "Педагогик технология" ўқув фанининг фаолият объекти, предмети, мақсад ва вазифаларини, магистрантлар, ўзлари мустақил равишда аниқлашларига эришиш.

3.1.5. "Педагогик технология"нинг амалий фаолиятини объекти, предмети, мақсад ва вазифаларини ҳам, магистрантлар ўзлари топишларига эришиш.

3.1.6. Ўқув машғулотига якун ясаб, магистрантлар мустақил таълими учун саволларни бериш.

**3.2 Мезо модул** – амалий машғулот – 2 соат

**МАВЗУ: "Педагогик технология"нинг объекти, предмети, мақсад ва вазифалари**

1 Микро модул

**3.2.1. Амалий машғулотни ташкил қилиш ва аввалги ўқув машғулотида мустақил таълим учун берилган саволларга жавоблар олиш орқали ўтган ўқув машғулотида эгаланган билимларни , эслаш йўли билан, хотирада мустаҳкамлаш.**

2 Микро модул

3.2.2. "Педагогик технология" илмининг тадқиқод оъекти, предмети, мақсад ва вазифаларини магистрантларга айттириб, бу билимларни уларнинг кўникма ва малакаларига айлантириш.

3 Микро модул

3.2.3. "Таълим технология" ўқув фанининг фаолият оъекти, предмети, мақсад ва вазифаларини магистрантларнинг ўзларига айттириб, бу билимларга уларда кўникма ва малака ҳосил бўлишлигига эришиш.

3.2.4. "Педагогик тъехнология"нинг амалий фаолиятининг объекти, предмети, мақсад ва вазифаларини магистрантлар айтиб ёзув доскасига чизиб кўрсатиб беришлари орқали, бу билимларга, уларда кўникама ва малака ҳосил бўлишлигига эришиш.

4 Микро модул

3.2.4. Амалий машғултга якун ясаб, магистрантар билимларни эгаллаб кўникмаларига айлантириб улгурганлик даражасини аниқлаб, рейтинг балларини чиқариш.

**3.3 Мезо модул** – назарий машғулот – *2 соат*

МАВЗУ: **"Педагогик технология"нинг биринчи иккта тамойили**



1 Микро модул

3.3.1. Ўқув машғулотини ташкил қилиб, янги мавзуни эълон қилиш ва унинг моҳиятини ҳамда ечилиши лозим бўлган саволларни тушунтириш.

2 Микро модул

3.3.2. Назарий ва амалий машғулотларни лойиҳалашда ва улардан амалиётда фойдаланишда доимо мажмулар назариясининг қоидаларига риоя қилиш тамойини жонли мисоллар билан, миагистрантларни фаол иштирокида, таълим олувчилар онгига етказиш.

3 Микро модул

1.5.3. Ўқув фанининг назарий ва амалий машғулотларини лойиҳасини тузишда ва улардан амалиётда фойдаланишда дидактиканинг қонунлари, принциплари ва қоидаларига амал қилш тамойилини амалиётда ишлашини магистрантлар билан биргаликда кўрсатиб бериш.

4 Микро модул

3.1.2. Ўқув машғулотини хулосалаб, талабаларнинг шу машғулотда эгаллаган билимларни англаб етканликларини ва қисман уларни ўз кўникмаларига айлантириб улгурганликларини аниқлашь ва уйга вазифа бериш.

**3.4 Мезо модул** – амалий машғулот – 2 соат

МАВЗУ: **Педагогик технологиянинг биринчи иккита тамойили**

1 Микрол модул

3.4.1. Амалий машғулотни ташкил қилиб, аввалги назарий машғулотда мустақил таълим учун берилган вазифаларни текшириш орқали, машғулотида эгалланган билимларни магистрантлар хотирасида мустаҳкамлаш.

2 Микро модул

3.4.2. Назарий ва амалий машғулотларни лойиҳалашда ва улардан амалиётда фойдаланишда мажмулар назариясининг қоидаларига риоя қилиш тамойилига, ўқув машғулотлар лойиҳасини тузишда, амал қилишликни магистрантлар кўрсатиб бериш йўли орқали бу билимларни уларнинг кўникма ва малакаларига айлантириш.

3 Микро модул

3.4.3.Назарий ва амалий машғулотларнинг лойиҳасини тузишда ва улардан амалиётда фойдаланганда дидактиканинг қонунлари, принциплари ва қоидаларига амал қилишни, магистрантлар жонли мисоллар билан кўрсатиб беришларига эришиш.

4 Микро модул

3.4.4.Амалий машғулотни якунлаб, магистрантлар бу машғулотда англаб етган билимларини кўникмаларига айлантириб улгурганлик даражасини аниқлаш ва рейтинг баҳоларини чиқариш.

**3.5 Мезо модул** – назарий машғулот – 2 соат

МАВЗУ: **Педагогик технологиясининг иккинчи иккита тамойли**

1 Микро модул

3.5.1. Ўқув машғулотини ташкил қилиш ва аввалги ўқув машғулоти давомида эгалланган билимларни, талабалардан фронтал сўраш орқали мустакамлаш ва янги машғулотнинг мавзусини эълон қилиш.

2 Микро модул

3.5.2. Назарий ва амалий машғулотларни лойиҳалашда ва улардан амалда фойдвлвниш жараёнида иштирок этадиган барча элементларини ўзаро узвий боғлиқ холда кўриш тамойилини магистрантлар ҳамкорлигида тушунтириб кўрсатиб бериш.

3 Микро модул

3.5.3. Ўқув жараённи лойиҳалашда ва ундан амалиётда фойдаланишда магистрантлар билимларни мустақил топишларига урғу бериш тамойилига амал қилишни интерфаол усуллар орқали тушунтириш.

4 Микро модул

3.5.4. Ўқув машғулотига якун ясаб, магистрантлар мустақил таълими учун уйга вазифа бериш.

**3. 6 Мезо модул –** амалий машғулот – 2 соат

МАВЗУ: **Педагогик технологиянинг иккинчи иккита тамойили**

1Микро модул

3.6.1. Амалий машғулотни ташкил қилиб, фронтал сўраш усули орқали аввалги назарий машғулот давомида эгалланган билимларни эслаш ва мустаҳкамлаш.

2 Микро модул

3.6.2. Назарий ва амалий машғулотларни лойиасини тузишда ва улардан амалиётда фойдаланиш жараёнида иштирок этувчи барча унсурларни ўзаро узвий боғлиқлигини, магистрантлар амалда кўрсатиб беришларига эришиш.

3 Микро модул

3.6.3. Ўқув машғулотларни лойиҳасини тузишда ва улардан амалиётда фойдаланишда талабалар билимларни мустақил топишларига урғу бериш тамойилини магистрантлар ўзлари айтиб кўрстаиб беришишлари орқали, назарий машғулотда эгаланган билимдларни уларнинг кўникма ва малакаларига айлантириш.

4 Микро модул

3.6.4. Амалий машғулотни якунлаб, талабалар билимларни кўникмаларига айлантирганлик даражасини тест синовини ўтказиш орқали баҳолаш ва рейтингларини чиқариш.

**3. 7 Мезо модул –** назарий машғулот – 2 соат

МАВЗУ: **Педагогик технологиянинг охирги учта тамойили**

1 Микро модул

3.7.1. Назарий машғулотини ташкил қилиб, авалги ўқув машғулотида талабаларга мустақил таълим учун берилган саволларга жавоб олиш йўли билан бу билимларни талабалар онгида мустакамлаш ва янги мавзуни эълон қилиб саволларини ёздириш.

2 Микро модул

3.7.2. Талабалар билимларни эгаллашлари, ҳотирасида сақлашлари ва амалда қўллай олишларини бир вақтнинг ўзида олиб бриш тамойили, магистрантълар иштирокида ,уларга тушунтириб кўрсатиб бериш.

3 Микро модул

3.7.3. Ўқув машғулотларнинг якуни феллар шаклида бўлишлик тамойилидан ўқув машғулотлар лойиҳасини тузишда амал қилиш йўлларини магистрантларнинг фаол иштирокида кўрсатиб бериш.

4 Микро модул

3.7.4.Ўқув машғулотини якунлаб, фронтал сўраш усули билан магистрантлар билимларни англаб етганлик даражасини аниқлаш ва уйга вазифа бериш.

**3. 8 Мезо модул –** амалий машғулот – 2 соат

МАВЗУ: **Педагогик технологиянинг охирги учта тамойи**



1 Микро модул

**3.8.1. Амалий машғулотни ташкил қилиб, магистрантлардан аввалги ўқув машғулотида мустақил таълим учун берилган вазифаларни бажарилишини текшириш йўли билан эгалланган билимларни мустаҳкамлаш.**

2 Микро модул

**3.8.2. Ўқув жараённи лойиҳалашда ва улардан амалиётда фойдаланишда талабалар билимларни эгаллашлари, ҳотирасида сақлашлари ва амалда қўллай олишларини бир вақтнинг ўзида олиб бориш тамойилини ишлашини, магистрантларни ишлатиб, амалда синаб кўриш.**

3 Микро модел

**3.8.3. Машғулотлар якуни феллар шаклида бўлишлик тамойилини амалиётда, магистрантларни ўзлари кўрсатиб беришларига эришиш.**

4 Микро модул

**3.8.4. Амалий машғулотга якун ясаб, мустақил таълим учун "Педагогик технологиянинг юқоридаги икки тамойилини чуқур ўрганиб келишликни уйга вазифа бериш.**

**3. 9 Мезо модул –** назарий машғулот – 2 соат

МАВЗУ: **Педагогик технология тамойиллари асосида назарий ва амалий машғулотларни лойиҳалашда амалга ошириладиган вазифалар**

1 Микро модул

3.9.1. Ўқув машғулотини ташкил қилиб, уни лойиҳасини тузиш жараёнида амал қилиниши лозим бўлган таълим технологиясининг тамойиллари ва дидактиканинг қонун, принцип ва қоидаларини, талабалардан сўраш орқали эслаш ва кўникмага айланганлик даражасини аниқлаш.

2 Микро модул

3.9.2. Ўқув фанини бир бутун – "Мего" модул деб қабул қилиб, ундаги ўқув материалини хажми ва мазмунини туғалланганлигидан келиб чиқиб, "Макро", "Мезо" ва "Микро" модулларга ажратиш ва уларнинг мақсадларини белгилаш.

3 Микро модул

3.9.3. Ҳар бир микро модул ичидан таянч тушунчаларни аниқлаб, улар асосида назорат саволларини тузиш ва талабалар билим ва кўникмаларини баҳолаш тур ва мезонларини белгилаш.

4 Микро модул

3.9.4. Ҳар бир микро модулда қўлланиладиган дарс тури ва типини ҳамда бу модуллар орқали берилиши режалаштирилган билимларни эгаллашда қўлланиладиган педагогик усуларни белгилаш.

5 Микро модул

3.9.5. Ҳар бир микро модулда қўлланиши зарур бўлган ахборот – коммуникация технология турлари ва дидактик материалларни қўлланиш жойларини белгилаб қўйиш.

6 Микро модул

3.9.6. Ўқув машғулотини сценарийсини ёзиш.

3.9.7. Ўқув машғулотини якунлаб, мустақил таълим жараёнида бажариладиган ишларни белгилаш.

**3.10 Мезо модул –** амалий машғулот – 2 соат

МАВЗУ: **Педагогик техноологияя тамойиллари асосида назарий ва амалий машғулотларни лойиҳалашда амалга ошириладиган вазифалар**

1 Микро модул

3.10.1. Амалий машғулотни ташкил қилиш ва авалги ўқув машғулоти якунида талабаларнинг мустақил таълими учун берилган вазифаларни текшириш йўли билан, уша машғулотда эгалланган билимларни эслаш.

2 Микро модул

3.10.2. Магистрантлар, ўқув фанини бир бутун – "Мего" модул сифатида қабул қилиб, ундаги ўқув материалини "Макро", "Мезо" ва "Микро" модулларга ажратиш ва уларнинг мақсадларини белгилайолишларига амалда эришиш.

3 Микро модул

3.10.3. Ҳар бир микро модул ичидан таянч тушунчаларни аниқлаб, улар асосида назорат саволларини тузиш ва талабалар билим ва кўникмаларини баҳолаш тур ва мезонларини белгилашни магистрантлар мустақил равишда бажараолишларига эришиш.

4 Микро модул

3.10.4. Ҳар бир микро модулда қўлланиладиган дарс тури ва типини хамда шу модулларда қўлланиладиган педагогик услубларни белгилашни магистрантлар ўзлари бажаришларини таъминлаш.

5 Микро модул

3.10.5. Ҳар бир микро модулда қўлланиши зарур бўлган ахборот технология турлари ва дидактик материалларни қўлланиш жойларини белгилашни магистрантлар мустақил равишда амалга оширишларига эришиш.

6 Микро модул

3.10.6. Магистрантларга ўқув машғулот сценарийсини ёздириш

одул

3.10.7. Амалий машғулотнинг якунлаш ва магистрантлар билим ва кўникмаларини баҳолаш ва рейтингларини чиқариш.

**11 Мезо модул –** амалий машғулот – соат

МАВЗУ: **Назарий ва амалий машғулотларнинг сценарийсини ёзиш**

1 Микро модул

3.11.1. Назарий ёки амалий ўқув машғулотни ташкитл қилиш ва янги мавзуни эълон қилиш сценарийсини ёзишда ўқув стандарти ва талабалар хохишини эътиборгаъ олинишн лозимлигини кўрсатиб бериш.

2 Микро модул

3.11.2.Назарий ёки амалий ўқув машғулотнинг асосий қисмининг "2 Микро" модулдидаги билимлдарни талабалар томонидан эгалашларини ташкил қилиш сценарийсини ёзишда дидактиканинг "илмийлик", "тизимлилик ва изчиллик", "онглилик ва фаоллик", "тушунарлилик", "таълимни ҳаёт билан боғлиқлик" тамойилларидан келиб чиқиш йўлларини ўргатиш.

3 Микро модул

3.11.3. Назарий ва амалий ўқув машғулотининг асосий қисмидаги 3,4, ва ҳаказо Микро модулларидаги билимларни талабалар томонидан эгаллаб олишларини ташкил қилиш сценарийсини ёзишда дидактиканинг барча қонунлари, принциплари ва қоидаларидан келиб чиқиш йўлларини магистрантларга кўрсатиб бериш.



4 Микро модул

3.11.4. назарий ёки амалий ўқув машғулотларни якуни қисмини сценарийсини ёзишда "Мажму ёндошув тамойили"нинг барча қоидалари билан дидактиканинг қонуни, принциплари ва қоидаларига риоя қилишни магистрантларга ўргатиш.

5 Микро модул

3.11.5. Ўқфув машғулотига якун ясаб, магистрантлар саволларига жавоб бериб, мустақил таълимлари учун саволларни ёздириш.

**4 Макро модул –**

**Педагогик маҳорат – 14 соат**

**1.1 Мезо модул** – назарий машғулот – 2 соат

МАВЗУ: **Педагогик маҳоратнинг методологик асослари**

1 Микро модул

4.1.1.Ўқув машғулотини ташкил қилиб, янги йирик мавзуни бошланганлигини эълон қилиш ва бу мавзуда ечиладиган масалалар тизими билан магистрантларни ҳабардор этиш.

2 Микро модул

4.1.2. Диалектика қонунлари билан ёш авлодда шакиллантирилиши лозим бўлган Мустақил Ўзбекистон фуқаросининг 13 фазилати ўқитувчи ва педагоглар учун методологик асос эканлигини тафакурларига етказиш ва бу билимларни уларнинг кўникмаларига айлантириш йўлларини кўрсатиб бериш.

3 Микро модул

4.1.3.Ўқитувчи ва педагогларнинг ижтимоий сифатларини бирма бир айтиб тушунтириб бериш ва бу сифатларнинг педагогик амалиётдаги ўрнини кўрсатиб бериш.

4 Микро модул

4.1.4. Назарий машғулотни якунлаб, талабалар билимларни ўзлаштирганлик даражасини анқлаш ва уйга вазифа бериш.

**4.2 Мезо модул** – амалий машғуло- 2 соат

МАВЗУ: **Ўқитувчи ва педагогларга зарур бўлган билим ва фазилатлар**

1 Микро модул

4.2.1. Амалий машғулотни ташкил қилиш ва аввалги назарий машғулотда эгалланган билимларни савол жавоб орқали эслаб мустахкамлаш.

2 Микро модул

4.2.2. Диалектика қонунларини ўқув жараёнида ишлашини магистрантларнинг ўзларига айттириб, бу билимларни уларнинг кўникма ва малакаларига айлантириш.

3 Микро модул

4.2.3. Ўқитувчи ва педагогларга зарур бўлган билимлар мажмуини магистрантларнинг ўзларига айттириб, бу билимларни уларнинг кўникма ва малакаларига айлантириш.

4 Микро модул

4.2.4. Ўқувчи ва талабаларда шакиллантирилиши шарт бўлган фазилатлар, авалом бор, ўқитувчи ва педагогларга шакилланган бўлишлигиник магистрантларнинг ўзига айттириб, бу фазилатдларни ўзида пайдо қилиш йўлларини кўрсатиб бериш.

5 Микро модул

4.2.5. Амалий машғулотга якун ясаб, талабалар эгаллаган билимларини кўникмаларига айлантириб улгурганлик даражасини баҳолаш.

**4.3 Мезо модул** – назарий машғулот – 2 соат

МАВЗУ: **Педагогик маҳоратнинг назарий асослари**

1 Микро модул

4.3.1. Ўқув машғулотини ташкил қилиб, янги мавзу бошланганлигини эълон қилиш ва мавзуда ечиладиган масалалар билан магистрантларни таништириш.

2 Микро модул

4.3.2. Педагогиканинг категориялари ва миллий педагогика асосларини магистрантларнинг ўзини фаол қатнаштириб, айтиб бериш ва уларни ўз кўникмаларига айлантириш йўлларини кўрсатиш.

3 Микро модул

4.3.3. Дидактика, унинг тадқиқод объети, предмети, мақсад ва вазифаларини интерфаол усуллар орқали магистрантлар онгига етказиш.

4 Микро модул

4.3.4. Дидактика қонун ва қоидалари ҳамда тамойилларини магистрантларнинг фаол иштирокида айтиб бериш.

5 Микро модул

4.3.5. Ўқув машғулотини якунлаб, талабалар билимларни эгаллаганлик даражасини, фронтал сўров ўтказаш йули билан аниқлаш ва уйга вазифа бериш.

**4.4 Мезо модул** – амалий машғулот – 2 соат

МАВЗУ: **Педагогика категориялари ва дидактиканинг тадқиқод объекти, предмети, мақсад ва вазифалари**

1 Микро модул

4.4.1. Амалий машғулотни ташкил қилиш, ўтган назарий машғулотда эгалланган билимларни фронтал **сўров** ўтказиш орқали эслаб мастаҳкамлаш.

2 Микро модул

4.4.2. Педагогика категорияларини магистрантларга айттириб, бу билимларни уларнингт кўникма ва малакаларига айлантириш.

3 Микро модул

4.4.3. Дидактика ва унинг тадқиқод объекти, предмети, мақсад ва вазифаларини, магистрантлар ўзаро баҳс-мунозараларда аниқла олишлари орқали, бу билимларни уларнинг кўникма ва малакаларига айлантиришга эришиш.

4 Микро модул

4.4.4. Дидактиканинг қонун ва қоидалари ҳамда тамойилларини магистрларнинг ўзларига айттириб, бу билимларни уларнинг кўникма ва малакаларига айлантириш.

5 Микро модул

4.4.5. Амалий машғулотни якунлаб, талабалар билимларини кўникмаларига айлантириб улгурганлик даражасини баҳолаш.

**4.5 Мезо модул** – назарий машғулот – 2 соат

МАВЗУ: **Педагогик таъсир йўллари, педагогик маҳорат кўрсаткичлари**

1 Микро модул

4.5.1. Ўқув машғулотини ташкил қилиб, янги мавзуни эълон қилиш ва янги мавзуда ечилиши лозим бўлган саволлар билан магистрантларни таништириш.

2 Микро модул

4.5.2. Педагогик тахника моҳияти. Педагогик техника элементлари. Педагогнинг профессионал позицияси, педагогик мулоқат услубларини магистрлар онгига етказиш.



3 Микро модул

4.5.3. Магистрантларга педагогик маҳорат даражасини аниқлаш ҳамда уларга нутқ кўникмаларини ҳосил қилиш йўлларини кўрсатиб бериш.

4 Микро модул

4.5.4. Ахборотни қабул қилишни қийинлаштирувчи омиллар билан нутқ қобилиятларини ўстиришда қўлланиладиган машқларни магистрантларга ўргатиш. Мимик ва пантомимик ифодалилик каби тушунчаларнинг том маъносини тушунтириш.

5 Микро модул

4.5.5. Ўқитувчининг педагогик такти ҳамда такт ва тактика деган тушунчаларни том маъноси билан магистрантларни ҳабардор қилиш.

6 Микро модул

4.5.6. Ўқув машғулотини якунлаб, магистрантлар билимларни ўзлаштириб олганлик даражасини аниқлаш ва уйга вазифа бериш.

**4.6.Мезо модул** – амалий машғулот – 4 соат.

МАВЗУ: **Педагогик таъсир йўллари, педагогик маҳорат кўрсаткичлари**

1 Микро модул

4.6.1. Амалий машғулотни ташкил қилиш ва аввалги назарий машғулотда эгаланган билимларни сўров орқали эслаб мустаҳкамлаш.

2 Микро модул

4.6.2. Педагогик тахника моҳияти. Педагогик техника элементлари. Педагогнинг профессионал позицияси, педагогик мулоқат услубларини магистрантларнинг ўзларига айттириб, бу билимларни уларнинг кўникмасига айлантириш.

3 Микро модул

4.6.3. Педагогик маҳорат даражасини аниқлаш ва нутқ кўникмаларини аниқлаш йўлларини магистрантлардан сўраб, бу билимларни уларнинг кўникма ва малакаларига айлдантиршга эришиш.

4 Микро модул

4.6.4. Ахборотни қабул қилишни қийинлаштирувчи омиллар билан нутқ қобилиятларини ўстиришда қўланиладиган машқларни магистрла ўзаро баҳс-мунозар усули орқали бу билимларни ўзларининг кўникма ва малакаларига айлантириш.

5 Микро модул

4.6.5. Ўқитувчининг педагогик такти, такт ва тактика деган тушунчаларни магистрантлардан эшитиб, бу билимларни уларнинг кўникмаларига айлантириш.

6 Микро модул

4.6.6. Амалий машғулотни якунлаб, талабалар билим ва кўникмаларини баҳолаш ва руйтинг баҳоларини чиқариш.

**Мустақил таълим**

**Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакл ва мазмуни**

Магистрант "Педагогик технология ва педагогик маҳорат" ўқув фанидан мустақил таълимни ташкил этишда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

-дарслик ёки ўқув қўлланмалар бўйича фанлар боблари ва мазмунларини ўрганиб, модулларга бўлиш;

- тарқатма дидактик материалларни тайёрлаш;
- махсус ёки илмий адабиётлар (монография, мақолалар) бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулар устида ишлаш;
- фаол ўқитиш усуллари асосида дарс сценариясини ёзиш;
- хисоб-график ишларини бажариш;
- курс лойиҳа ва курс ишларини бажариш;
- тажриба ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўришни ўрганиш;
- семинар машғулотларига тайёргарлик кўриш;
- маъруза ва бошқа ўқув материалини ўрганиш;
- ўқув фанларидаги алохида бўлимларни мустақил ўрганиш;
- ўқитувчи берган вазифалар бўйича машқ ва масалалар ечиш;
- ўқув фани мавзулари бўйича рефератларни ёзиб тайёрлаш;
- даврий ва илмий адабиётларни ўрганиш;
- компьютер техникаси ва дастурлашдан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш;
- амалиёт турларига асосан материал йиғиш ва ҳисоботлар тайёрлаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш;
- семинар машғулотларига тайёрланиш орқали маданий-интеллектуал даражани ривожлантириш;
- илмий семинар ва анжуманларга маърузалар тайёрлаш ва иштирок этиш;
- кафедраларнинг илмий-тадқиқод ишида иштирок этиш, мақола ва маърузалар тайёрлаш;
- жорий, оралиқ ва якуний назоратларга тайёргарлик кўриш;
- магистрлик диссертациясини ҳимояга тайёрлаш;
- ижодий лаборатория ишларини такомиллаштириш;
- масофавий (дистанцион) таълим асосида машғулотларни ташкил этиш бўйича методик кўрсатмалар.

**Мустақил иш.** Педагогик фаолиятнинг жамиятимиз ривожланишида тутган ўрни. Педагогик маҳорат моҳияти. Педагогик таъсир йўллари, педагогик маҳорат кўрсаткичлари. Педагогик технология ва педагогик маҳоратнинг психологик асослари. Педагогик технология илмий асослари. Замонавий педагогик технологиянинг таснифи. Талабалар фаолиятини фаоллаштириш ва интенсификациялашга асосланган таълим технологияси. Аналитик тафаккурни ривожлантириш усулда таълим бериш асослари. Ўқув материалини дидактик такомиллаштириш ва реконструкциялаш асосидаги таълим технологияси. Ўқув машғулотларини лойиҳалаштириш. Дастурлаштирилган таълимни ўрганиш. Ахборот таълим технологиялари. Машғулотларда интерфаол усуллардан фойдаланиш. "Таълим технологияси" назариясининг шаклланиш босқичи ва таълим тизимига педагогик технологияни самарали жорий этиш йўлидаги муаммолар. Педагогик технология тушунчаси, унинг моҳияти ва педагогик ёндашув тамойиллари, турлари ва ишлаб чиқиш босқичлари. Таълимни ташкил қилиш технологияси. Таълимни ташкил этишга нисбатан инновацион ёндашувлар мазмуни. Педагогик технологияни қўллаш усул ва воситалари. Мустақил таълимни ташкил қилиш технологияси.



**Лойиҳа тузишда бажарган иккинчи ишимиз – 1 "мезо" модулгнинг лойиҳасини тузиш бўлди**

Бунинг учун, қўлимизга ишчи дастур, яъни **"мего модул"**ни олиб, у 3 **"макро"** модулга ажратилганлигини ва уларнинг мақсадлари белгиланганлигини, шунингдек, ҳар бир "макро" модул 6, 4, 14 **"мезо"** модулларга, уларнинг ҳар бири бир нечтадан **"микро"** модуллар ажратилганлигини ва ҳар бир "микро" модулнинг мақсадлари белгиланганлигини кўрдик. Сўнг, эътиборимизни 1"мезо" модулга қаратиб, унинг назарий машғулоти 4 "микро" модулларга ажратилганлигини ҳам кўрдик.

1 "мезо" модулнинг назарий машғулотининг лойиҳасини тузиш учун, юқорида келтирилган алгоритм бўйича, қилинадиган иккинчи ишимиз, унинг учта жадвалини тузиш ҳисобланади. Бунинг учун қўлга ишчи дастур, бир нечта A4 форматли оқ қоғоз, чизғич ва қаламни олиб, рўпарамизга илинган қоғозлардан кўзимизни узмай ва улардан келиб чиқиб, 1 "мезо" модулнинг 1, 2 ва 3 жадвалларини чиздик ва уларни мазмун билан тўлдирдик. Қуйида бу жадваллар келтирилган.

**1-жадвал**

| МикроМ одул. т/р | Микро модулларнинг олдига қўйилган мақсадлар | Ажрат. вақт | Магистрантлар бажариши лозим бўлган иш ҳаракатлар |
|---|---|---|---|
| 11 | Магистрантлар билан танишиш ва уларга фан билимларини эгаллаш жарёнида амал қилишлари лозим бўлган қоидаларни ва тавсия этиладиган адабиётларни ёздириш | 20 дақиқа | Диққат қилиб эшитиш ва ёзиб олиш |
| 22 | Марказий Осиёдаги маърифатпарвар ларнинг таълим-тарбия тўғрисидаги фикрлари ҳамда Европонинг Я.А.Коменский, И.Г.Пестолоций, Роберт Оуэн, Гербард, шунингдек Россия педагогларининг ғоялари билан магистрантларни таништириш. Шу билан уларда "мехр ва муҳаббат", "толерант ва инсонпарвар", "Миллий ғурур ва Ватанпарвар"лик фазилатларини тарбиялаш. | 25 дақиқа | Диққат қилиб эшитиб ёзиб олиш ва ўртага ташланадиган саволларга фаол қатнашиб жавоб қайтариш |
| 33 | АҚШ олими Джон Дью дидактик тизими ва бошқа олимларнинг таклиф этган "Янги дидактика" ғоялари билан магистрантларни таништириб, таълим-тарбия жараёнини технология-лаштиришнинг тарихий зарурият эканлигини исботлаб бериш. Шунингдек, уларда "толерант ва инсонпарвар", "Миллий ғурур ва Ватанпарварлик" фазилатларини шакллантириш. | 30 дақиқа | Диққат қилиб эшитиб ёзиб олиш ва педагог томонидан бериладиган саволларга фаол қатнашиб жавоб бериш |
| 44 | Ўқув машғулотини хулосалаб, магистрантлардан тушган саволларга жавоб бериб, оғзаки савол-жавоб орқали утлар билимларни ўзлаштириб олганлик даражасини аниқлаш ва уйга вазифа бериш. | 15 дақиқа | Барилган саволларга жавоб бериш ва уй вазифасини ёзиб олиш |

**2-жадвал**

| Микро модул. т/р | Микро модуллардаги таянч тушунчалар | Назорат саволлари | Баҳолашнинг тури |
|---|---|---|---|
| 11 | "Тартиб, ҳар қандай ишни муаффақиятли бўлишининг гарови", "уй вазифасини шу куннинг ўзида бажариш", "энг яхши хотира, бу дафтарга ёзилган фикр". | 1.Иш яхши бўлиши учун нима қилмоқ керак? 2.Уй вазифасини қйси маҳалда бажарган яхши? 3.Энг яхши хотира нима? | Савол-жавоб орқали рейтингини чиқариш |
| 22 | "Тарбиянинг табиатга уйғун бўлиши", "ҳамма умум таълим олиши", "Дидактика принциплар", "меҳнат одамни тарбиялаш ва ва ўстиришнинг энг муҳим воситаси", "элементар таълим назарияси", "ижтимоий муҳитнинг тарбиядаги ўрни", "одам ўз характерини ҳеч қачон ўзи яратган эмас", "тарбияловчи таълим", "таълитм босқичлари", "катталар обрўйинга сўзсиз бўйсиниш". | 1.Тарбияни табиатга уйғун бўлиши нама деганн? 2.Дидактик принциплар нимага асосланади? 3."Меҳнат одламни тарбиялаш ва ўстиришнинг энг муҳим воситаси" деб ким айтган? 4.Элементар назарияси нима? 5.Ижтимоий муҳитнинг тарбиядаги ўрнини ким кшўрсатиб берган? | Савол-жавоб орқали рейтинг баҳосини чиқариш |
| 33 | "Талабаларнинг шаҳсий фаоллиги", "тўлиқ фикр юритиш жараёни", "ахборотларни кўпайиши", "ижтимоий ҳаётни жадаллашуви", "дарс сифатини педагогнинг шаҳсий фазилатларива педагогик маҳоратидан озод қилиш", "ўқув жараёнини яхши бўлишлигини кафолатлаш", "мустақил фикр юритишга ўргатиш". | 1.Қандай қилиб ўқув жараёнини жадаллаштирса бўлади? 2.Қайси йўл билан ўқув жараёни сифатини педагогнинг шаҳсий фазилатлари ва касбий компентентлигилан озод қилса бўлади? 3.Қандай қилиб талабаларни мустақил фикрлашга ўргатса бўлади? | Савол-жавоб орқали рейтинг баҳоларини чиқариш |
| 44 | Талабаларни фикрий фаоллаштиришнинг педагогик усуллари". | Уйда, мустақил равишда, янги интерфаол усулларни ёзибю келинг. | Умумий рейтинг баҳосини чиқариш |



**3-жадвал**

| Микро модул. т/р | Қабул қилинган ўқув машғулотининг тиши | Қўлланиладиган Педагогик усуллар | Ахборот-коммуникация технология ва дидактик материаллар |
|---|---|---|---|
| 1 | "Кириш ўқув машғулоти" | "танишув", "ақлий хужум", "айтиб бериш", "ёздириш" | Ёзув доскаси, Тавсия этиладиган адабиётлар рўхати |
| 2 | "Янги билимларни эгаллаш" | "баҳс-мунозара", "блиц сўров", "мулоқат". | Ёзув доскаси, компотр, жадвал |
| 3 | "Янги билимларни эгаллаш" | "баҳс-мунозара", "блиц сўров", "мулоқот" | Компотр, ёзув доскаси, жадвал |
| 4 | Қайтариш ва мустаҳкамлаш | "мулоқот", "фронтал сўраш" | Ёзув доскаси |

**Лойиҳа тузиш жараёнида бажарган учинчи ишимиз – 1"мезо" модулнинг назарий ўқув машғулотини сценарийсини ёзиш бўлди**

(*Матндаги қалин ва курсив ҳарфлар билан ёзилган жойлари талабаларга ёзиб олиш учун тавсия этилади).*

**1 "Мезо" модул назарий ўқув машғулотининг сценарийси**

**1 "Микро" модул (20 дақиқа)**

Салом аликдан сўнг, ўқув машғулоти бошланган деб ҳисобланади.

Педагог, "танишув", "ақлий ҳужум" ва "айтиб бериш" усулларидан ва ёзув доскасидан фойдаланиб, ўқув мсашғулотини қуйидагича бошлайди

**Педагог:** Азиз магистрантлар, бугундан бошлаб сизлар "Педагогик технология ва педагогик маҳорат" ўқув фани билимларини эгаллашга киришасиз. Бу ўқув фанидаги билимларни эгаллаш учун сизларга ёрдам бериш вазифаси менга юклатилган. Менинг исми шарифим, илмий даражам ва унвоним "________________", __________________.

Бу ўқув фани билимларини эгаллаш жараёнида фаол қатнашиб, ҳар бир ўқув машғулотининг олдига қўйилган мақсадга эришиш учун астойдил ҳаракат қилсангиз, албатта кўзланган натижаларга эришасиз.

Энди, сизларни ўқув машғулоти жараёнида доимо амал қилиниши шарт бўлган бир нечта қоидалар билан таништираман. Сизлар бу қоидаларни конспект дафтарингизнинг биринчи бетига чиройли қилиб ёзиб қўйинг ва уларга доимо амал қилиб юринг.

Педагог ўқув машғулоти жараёнида талабалар амал қилиши лозим бўлган қоидалар ёзилган плакат ёнига келиб, сўзини давом эттиради.

Ёзинглар! ***Биринчи қоида, дарсга кеч қолмай, усти-бошингиз саромжон-саришта бўлиши билан бирга, ўқув муассасасига билим эгаллаш иштиёқи билан келинг.***

**Сўз орқали:** чунки, ҳар қандай билимни эгаллаш учун, анчагина ақлий қувват сарфлаш талаб этилади. Агар кишида, бу фаолиятга иштиёқ бўлмаса, бундай қувват унда пайдо бўлмайди. Иштиёқ ва унинг натижасида келиб чиқувчи қувват сизда бўлмаса, ўқув машғулоти жараёнида билим ололмайсиз, демакки ўқув машғулотининг олдига қўйилган мақсадга ҳам ета олмайсиз. Бу дегани, сизда ўринсиз чарчоқ  ҳосил бўлиб, бир жуфт соатлик умрингиз зое кетган бўлади ва умрингизни увол бўлиб қолишига сабабчи бўлиб қоласиз. Умрни беҳуда сарф қилиш эса, катта гуноҳлардан ҳисобланади, чунки умрни қайтариб бўлмайди.

Ёзишни давом этказинг! **Иккинчи қоида.** ***Ўқув муассасасига билим олиш мақсадида келар экансиз, фикрингизни педагогнинг сўзларига жамлашни ўрганинг, яъни диққат қилиб, бутун вужудингизни билим эгаллашга тайёрланг. Диққат қилиш, билим эгаллашнинг асосий қоидаси. "Диққат - билим эгаллашнинг эшигидир" деган эди буюк рус педагоги Константин Дмитриевич Ушинский.***

**Сўз орқали:** диққат қилмасдан туриб, билим эгаллашдек эзгу мақсадингизга ҳеч қачон эриша олмайсиз. Унутманг-ки узоқ вақт, яъни 2-3 дақиқа диққат қилиб ўтириш анча мураккаб, канчалар хоҳламанг 1-2 дақиқадан кейин диққатингиз тарқалиб кетаверади, бу табиий ҳол албатта. Шунинг учун, ҳар дақиқада диққатингизни ўқитувчининг сўзларига, ўзингизни мажбурлаб қайтариб туришингиз зарур, бўлмаса диққат қилиш амалини бажара олмайсиз, инчинун, ўқув жараёнидаги билимларни эгаллай ҳам олмайсиз.

Ёзинг: **Учинчи қоида.** ***Педагогни диққат билан эшитиб, сўзларининг муҳим жойларини конспект дафтарингизга ёзиб боришингиз лозим.***

**Сўз орқали:** ўқув жараёнида саволлар пайдо бўлиб қолса, уларни дафтарингизнинг бир четига албатта ёзиб қўйинг ва қулай вақт топиб, саволларингизга жавобларни олинг.

Ёзишда давом этинг: **Тўртинчи қоида.** ***Ўқув машғулоти жараёнида тушуниб етган билимларингизни кўникмангизга айлантириш мақсадида, уларни дарсдан ташқари пайтларда, уйда қайта ва қайта такрорлаб туринг, қанча кўп қайтарсангиз шунчалик билим вужудингизга сингиб, кўникмангизга айланиб бораверади. Агарда қайтариб турмасангиз билимингиз эсдан чиқиб кетади.***

**Бешинчи қоида.** ***Уйга берилган вазифани ўша куннинг ўзидаёқ бажаринг. "Эртага бажараман" деган хаёлга борманг! Чунки эртаси куни бугун эгаллаган билимларингиз тўлиқ эсдан чиқиб кетади. Бу қонуният, унга бўйсунмай иложимиз йўқ.***

Педагог, шу ўқув предмети бўйича тузилган адабиётлар руйхати ифодаланган плакат олдига келиб, таълим олувчиларга қуйидаги сўзлар билан мурожаат қилади: Эгалланган билимларни мустаҳкамлаш ва уйда мустақил ишлаш учун адабиётлар тавсия этилади.

**2 "Микро" модул (25 дақиқа)**

Педагог, "Блиц сўров", "Мулоқот" ва "Айтиб бериш" усулларини қўллаб ҳамда компьютер ёки ёзув доскасидан фойдаланиб, ўқув машғулотини давом эттиради:



**Педагог:** Азиз магистрантлар! Ўқув предметимизнинг номи "Педагогок технология ва педагогик маҳорат" деб номланиб, у "Ўқитиш методикаси" таълим йўналишлари мутахассислик фанлари туркумига кирувчи фанларни педагогик технология тамойиллари асосида ўқув машғулотларининг лойиҳаларини тузишнинг мазмунини беради, шунингдек, уни ўқитишнинг қатъий йўл-йўриғи деб тушунса ҳам бўлади. Айтингчи, авваллари ҳам ўқитишнинг йўл-йўриқлари бўлганми?

**Мумкин бўлган жавоблар:** **биринчи талаба – бўлган; иккинчи талаба – бу масала энди кўтарилган бўлса, демак бўлмаган. Бу фикрларга қўшиладиганлар борми? Биринчи фикрга ким қўшилади? Бир нечта қўллар кўтарилди. Иккинчи фикрни ким тўғри деб ўйлайди? Яна бир неча қўллар кўтарилди. Бошқалар ҳали ўз фикрларига эга бўлишмаябти.**

Педагог талабалар жавобини ёзув доскасига ёзиб, машғулотни давом эттиради. Кўриб турганингиздек фикрлар бўлинди, бу табиий ҳол. Аммо, иккала фикрни ҳам тўғри деса бўлади. Биринчи фикрни давом эттирсак, ўқитишнинг йўл-йўриқлари олдин ҳам бўлган, фақат улар ўқитиш усуллари деб номланган. Иккинчи фикрни давом эттирадиган бўлсак, у ҳам тўғри, ўқитиш усуллари бўлган-у, ўқув жараёнини катъий бир қолипга солувчи таълим технологияси бўлмаган.

Ёзинглар! ***Педагогик технология, ўқитиш усулларининг замонавий тури бўлиб, ўқув жараёнини лойиҳалаш асосида амалга оширилади, у ўқув жараёндаги педагог ва талабалар ҳаракатини қатъий белгилаб бериб, ўқитувчининг маҳоратига ва шахсий фазилатига боғлиқ бўлмаган ҳолда, бу жараённи фақат аъл ёки яхши бўлишини таъминлайди.***

**Сўз орқали:** чунки педагогик технология тамойиллари асосида ўқув машғулотининг лойиҳасини тажрибали педагоглар ёки олимлар тузади. Унинг бошқа хусусиятлари ҳам бор, уни кейинроқ айтамиз.

Ҳозир сизларни Европа тарихида ўтган ва уларнинг педагогик ғоялари асосида, инсоният 300 йилга яқин давр мобайнида, аҳоли таълим ва тарбиясини амалга ошириб келган буюк алломалар билан таништирамиз, чунки, уларнинг ғоялари педагогик технология усулининг яратилишига асос бўлган. Сизлар диққат билан қулоқ солиб, муҳим жойларини конспект дафтарларингизга қайд қилиб боринг.

Ёзишни давом эттиринг! ***XV-XVI асрларда бўлиб ўтган, Европа "Уйғониш даври" ер юзига ўнлаб маориф олимларини етиштириб берди. Шуларнинг энг машҳури, педагогика назариясига салмоқли ҳисса қўшган ва 1592-1670 йилларда яшаб ўтган олим Ян Амос Коменский бўлган. У 1632 йили "Буюк дидактика" деган катта педагогик асарни ёзган. Бу асарида аллома "ўқитиш табиийликка бўйсуниши керак" деган фикрни илгари суради. Боланинг ақлий ва жисмоний ўсиш жараёни табиатдаги ўсиш жараёнига ўхшаш бўлади, дейди Коменский. Шунинг учун болани тарбиялаганда, боғбон дарахтнинг биологик ўсиш қонуниятини ҳисобга олгани каби, педагог ҳам боладаги табиий билиш хусусиятини ҳисобга олиши шарт.***

***Коменский ўқишга ҳамма тортилишини, ҳамма умумтаълим олиши кераклигини уқтиради. У биринчи бўлиб синф-дарс тизимини ишлаб чиқди. "Буюк дидактика" асарида ўқитишнинг дидактик принциплари берилиб,***

*ўқув жараёнида ўқитувчи уларга суяниши кераклигини уқтирди. Унутмангки ҳар қандай принцип, яъни тамойил негизида қандайдир қонуният ётади. У мактабда ўқув йили кузда 1 сентябрдан бошланиши ва уни чоракларга бўлиш, чораклар орасида таътиллар берилиши, ўқув кунини она тили мактабида 4 соат, лотин мактабида 6 соат қилиб белгилаб берган. Ўқитиш усулларига келганда, Коменский "Болаларга билимни зўрлаб бериб бўлмайди", деган фикрни айтган ва таълим-тарбиянинг юмшоқ усулини маъқул деб билган. Коменский томонидан яратилган ўқитишнинг дидактик принциплари педагогик технология ва унинг тамойиллари асосида ўқув фанлар машғулотлари лойиҳаларини тузишда ҳам дастуриламал бўлади.*

*Коменскийдан кейин Иоган Генрих Пестолоций 1746-1827 йиллар оралиғида туғилиб ижод қилган аллома олим. У ҳам, "Ҳамма одамлар таълим олиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим", дея уқтирар экан, мактаблар жамиятни ижтимоий жиҳатдан ўзгартиришнинг муҳим воситаларидан бири эканлигини таъкидлайди. Пестолоцийнинг фикрича, меҳнат одамни тарбиялаш ва ўстиришнинг энг муҳим воситаси, меҳнат одамнинг жисмоний кучинигина эмас, ақлини ҳам ўстиради, унда ахлоқни ҳам таркиб топтиради.*

*Элементар таълим назарияси Пестолоцийнинг педагогик тизимининг ўзагидир, бу назарияга кўра тарбиялаш энг оддий элементлардан бошланиб, аста-секин мураккаброқ даражага кўтарилиб бориши лозим. Болаларда ёзув малакасини ҳосил қилиш учун Пестолоций дастлаб ҳарф элементларини, тўғри ва эгри чизиқчаларни машқ қилишни биринчи бўлиб тавсия этган. Ўқитиш усулларига келганда, Пестолоций гуманист сифатида, юмшоқ усулда ўқитишни тўғри деб билган. Пестолоций томонидан таклиф этилган ўқитишнинг усуллари таълим жараёнини замонавий педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланиладиган педагогик усулларнинг яратилишига асос бўлган.*

*Пестолоцийнинг замондоши Роберт Оуэн 1771-1827 йиллар оралиғида яшаб ижод этган. У ўзининг 1813 йилда нашрдан чиққан "Жамиятга янгича қараш ёки инсонда характерни таркиб топтириш тўғрисидаги тажриба" деган асарида "Кишининг характери, уни ўраб турган ижтимоий муҳит шароити билан таркиб топади", деб таъкидлайди. Одам, - дейди Оуэн, - ўз характерини ҳеч қачон ўзи яратган эмас ва уни яратиши мумкин ҳам эмас. Унинг фикрича, агар биз ижтимоий муҳит шароитини ва тарбияни ўзгартирсак, ҳар қандай характерни таркиб топтиришимиз мумкин. У болаларга бир ёшдан бошлаб ижтимоий тарбия бериш ғоясини илгари сурган ва жаҳонда биринчи бўлиб ишчилар болалари учун мактабгача тарбия муассасасини барпо этди. Унинг таълим муассасасида ақлий ва жисмоний тарбия берилиб, болалар жамоа руҳида тарбияланар эдилар. Тарбия усулига келганда Роберт Оуэн ҳам юмшоқ усул тарафдори бўлган.*



*Шу даврда Иоган Фридрих Гербард (1776-1841 йилларда яшаб ижод қилган) ўзининг "Тарбия муассасаларидан келиб чиққан умумий педагогика", "Психология дарслиги". "Психологияни педагогикага татбиқ қилиш тўғрисидаги хатлар", "Педагогикага доир лекциялар очерки" деган китобларида педагогика назариясига доир фикрларни баён қилиб берди. Гербард тарбия ишида ақлий таълимга катта аҳамият берди. У педагогикага "Тарбияловчи таълим "тушунчасини киритди ва таълимсиз тарбия бўлмайди, дея эътироф этади. Гербард таълим қизиқишларнинг хилма-хиллигига асосланиши лозим деб, қизиқишларни олтита мустақил турга бўлади. У таълим босқичлари назариясини ишлаб чиқади, бу назария ҳамма мамлакатлар педагоглари орасида кенг тарқалади.*

*Европа ва АҚШда анъанавий ўрта мактаблар кўп жиҳатдан Гербард педагогикасига асосланган эди. Гербарднинг болаларни бошқариш тизими кенг ёйилди. Бу тизим болалар ташаббусини бўғишга ва уларнинг катталарнинг обрўсига ҳеч сўзсиз бўйсундиришга қаратишган эди. Бу эса, ўқитишнинг қаттиқ қўллик усули ҳисобланади.*

*Шулар билан бир қаторда Адольф Дистерверг 1790-1866 йилларда яшаб ижод қилган. У такомиллашиб борувчи таълим дидактикасини яратди, бу дидактиканинг асосий талабларини таълимнинг 33 қонун ва қоидаси тариқасида баён қилиб берди. Дистерверг таклиф қилган кўрсатмали таълим "Яқиндан узоққа", "Оддийдан мураккабга", "Маълумдан номаълумга" ўтиш керак, деган қоидалар билан боғлиқ таълимдир. Дистерверг ўқитувчи ўрганиб олган нарсаларни унутиб қўймаслиги учун уни тез-тез такрорлаб туришни зарурлигини маслаҳат беради. Дистервергнинг фикрича, "Ёмон ўқитувчи ҳақиқатни айтиб бера қўя қолади, яхши ўқитувчи эса ҳақиқатни топишга ўргатади". Ўқитиш усулига келганда Дистерверг юмшоқ усулни қаттиқ усул билан аралаш қўллашни таклиф қилган.*

Азиз талабалар, биз фақат Ғарбий Европадаги "Уйғониш даври" педагог олимлари фикрларининг бир қисмини кўриб чиқдик холос. Ўша ва ундан кейинги даврдаги, шу жумладан Марказий Осиёдаги, яна қайси педагогларни биласиз?

**Мумкин** бўлган **жавоблар:** шу даврда Марказий Осиёда Абдулла Авлоний, Фитрат ва бошқа жадидчи педагог олимлар ўтган.

**Педагог,** баракалла, жуда тўғри жавоб, таълим-тарбия соҳасида улар қандай масалаларни кўтариб чиқишган?

**Мумкин бўлган жавоблар:** янги мактаб яратиш кераклигини айтишган.

**Педагог,** жуда тўғри, баракалла! Жадидчилар эски, диний мактабларни янгилаш тарафдори бўлганлар. Бизга маълумки Улуғбек давридан кейин, темурийлар авлодларининг тахт талашиши натижасида, Марказий Осиё ҳудуди жанг майдонига айланиб қолган эди. Шунда мавжуд бўлган кўпгина мактаб ва мадрасалар ёпилиб, фақат маҳаллаларда муллалар очган хусусий мактабларгина қолган эди. Улар болаларни ўқиш ва ёзишга ўргатиб бўлганидан кейин фақат диний билимларни ёд олишга ўргатар эдилар.

Ёзинглар: ***Бизнинг ҳудудни Россия босиб олганидан кейин, Туронзаминда "Уйғониш даври" бошланган. Бу даврнинг етук намояндалари, ҳозирги талабамиз айтганидек Абдулла Авлоний, Фитрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий, уларнинг раҳнамоси Маржоний ва бошқалар бўлган. Улар маҳаллий мактабларда диний билимлар қатори, дунёвий деб номланган тарих, математика, география, биология, мантиқ, фалсафа ва бошқа ҳаётга зарур бўлган билимлар берилиши тарафдорлари эдилар.***

**Сўз орқали:** уларнинг эзгу ниятлари, тўлиқ бўлмаса ҳам, яқин ўтмишимизда амалга ошган. Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, аждодларимиз орзу қилган барча эзгу ниятлари амалга ошиши учун шарт-шароит яратилди. Ўзбекистон файласуф ва педагог олимлари, енг шимариб, миллий педагогиканинг назарий ва амалий асосларини яратишга бел боғлаганлар. Бундай эзгу мақсадга эришиш учун, сиз ёшлар, албатта ўз ҳиссаларингизни қўшишингиз шарт. Ватан сизники, ҳаёт сизники! Бу Ватанда эркин ҳаёт кечириб, Ватан истиқболини, шу жумладан миллий педагогиканинг истиқболини ҳам, сизлар белгилайсизлар.

Сизларга савол, шу ва кейинги даврлардаги яна қайси педагог олимларни, шу жумладан Россиядагиларни, биласизлар?

**Мумкин бўлган жавоблар:** яна Макоренкони биламиз.

**Педагог,** тўғри жавоб, яна кимларни биласизлар? Жавоблар йўқми?

Бўлмаса, Сизларга XIX аср охири ва XX асрдаги Россиянинг оқ ва қизил империяси давридаги педагог олимларни айтиб берай.

Ёзинглар: ***Россияда буюк педагог Константин Дмитриевич Ушинский, Надежда Константиновна Крупская, Сухомлинский, Макоренко ўтган; Марказий Осиёда Абай Қўнонбоев, Кори Ниёзий, ва бошқаларни киритса бўлади. Бу олимлар ўз даврида педагогика назарияси ва амалиётига, баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўшганлар.***

**Сўз орқали:** улар тўғрисида батафсилроқ маълумотни "Педагогика тарихи" ўқув фани орқали билиб олгансизлар.

Юқоридагилардан шу хулосага келиш мумкинки, уларнинг ғоялари қайсидир маънода педагогик технология миллий моделини яратилишига асос бўлган десак хато қилмаган бўламиз.

**3 "Микро" модул (30 дақиқа)**

Педагог, "Блиц сўров", "Мулоқот" ва "Айтиб бериш" усулларини қўллаб ҳамда компьютер ёки ёзув доскасидан фойдаланиб машғулотни давом эттиради.

**Педагог:** Азиз талабалар, ҳозир сизлар билан педагогика назарияси ва амалиётига ҳисса қўшган педагог олимларининг бир қисми билан танишиб чиқдик. Маълум бўлдики, тахминан 300 йилдан бери педагогика назарияси ривожланиб тараққий этиб келаётган экан, шу давр мобайнида кўплаб дидактик тизимлар ва юзлаб таълим усуллари таклиф қилинган ва амалиётда синаб кўрилган, аммо ҳаммаси ҳам ҳаёт синовидан ўтмаган. Сизларга савол, дунёда муваффақият билан фаолият олиб бораётган дидактик тизимларнинг қайсиларини биласиз?



**Мумкин бўлган жавоблар:** Ян Амос Коменскийнинг дидактик тизими.

**Педагог:** жуда яхши, яна қайсиларини биласизлар? Жимлик, демак билмайсиз. Бўлмаса мен сизларга айтиб берай! Аммо сизлар айтганларимни диққат билан эшитиб, муҳим жойларини, конспект дафтарларингизга ёзиб боринг, келишдикми? Баракалла! Бошладик.

Ёзинглар: ***Жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг педагогик амалиётига сингдирилиб, шу кунгача нуфузини сақлаб турганлари - учта. Бу ҳам бўлса, ҳозирги укамиз (ёҳуд синглимиз) айтган, чехиялик Я.А.Коменскийнинг дидактикаси, юқорида айтиб ўтганимиз, немис педагоги ва психологи И. Ф.Гербард ва америкалик файласуф, психолог ва педагог Джон Дъюнинг дидактик тизимларидир.***

**Сўз орқаоли:** XX асрнинг биринчи ярмиларида америкалик файласуф, психолог ва педагог Джон Дьюи, Гербард дидактик тизимига қарама-қарши бўлган ўзининг дидактик тизимини таклиф қилди ва уни Чикаго мактабларидан бирида муваффақиятли синаб кўрди.

Ёзишни давом этинглар! ***Дьюи "ўқув жараёнида ўқитувчи эмас ўқувчи фаол бўлмоғи лозим" деган таклиф билан чиқди. У ўқув жараёнида бериладиган билимлар талабалар эҳтиёжига мос ва уларнинг хоҳишидан келиб чиққан бўлиши керак деб ҳисоблаган. У китобдаги билимларни қуруқ ёд олиш ҳеч нарсага олиб бормайди, аксинча, талабаларни ўқишдан совитиб, тафаккурини занглатади деб таъкидлаган. Дьюининг таълим-тарбия назариясига қўшган асосий ҳиссаси - бу "Ақл юритишнинг тўлиқ жараёнидир". "Ақл юритиш тўлиқ жараёнининг етакчи ҳалқаси муаммонинг пайдо бўлиши", дейди Дьюи. Муаммо пайдо бўлганидан кейин, ўқувчи ёки талаба қийин ҳолатга тушиб, унинг ечимини излайди ва фаол фикр юритиб, бир қатор мулоҳазалардан кейин бу муаммонинг ечимини топади ва уни синаб кўради, нотўғри бўлган тақдирда, яна ақл юритади ва яна синаб кўради, бу жараён бир неча маротаба қайтарилганидан кейин, охир-оқибатда унинг тўғри ечимини топади, Натижада фикр юритишнинг тўлиқ жараёни амалга ошади. Кейинчалик бундай дидактик тизим "Муаммоли ўқитиш" усули деб номланди.***

**Сўз орқали:** Бу учта дидактик тизимнинг бир талай ижобий томонлари билан бирга, салбий томонлари ҳам мавжуд. Шунинг учун, америкалик қатор педагог олимлар томонидан, аввалги дидактик тизимларнинг ижобий томонларини бирлаштирувчи дидактик тизим яратилди ва у **"Янги дидактик тизим"** деб номланди. Шунга яқин дидактик тизимни рус академиги Бабанский ҳам кашф қилмоқчи бўлиб, уни "Таълим жараёнини оптимизациялаштириш" деб номлаган. Янги дидактик тизимда, шу жумладан Бабанский ғоясида, илгари сурилган ғоялар жуда яхши, аммо уларни амалга ошириш ўта қийин эканлиги амалиётда маълум бўлди. Дунёда бўлган барча дидактик тизимларни энг яхши томонларини бирлаштирувчи янги дидактик тизим асосида ўқув машғулотини олиб бориш оддий педагоглар у ёқда турсин, тажрибали педагог олимлар учун ҳам қийинчилик туғдирди. Шу муносабат билан:

Ёзинг! *Барча ўқитувчи ва педагоглар фойдалана оладиган, ўзининг қатъий тузилмасига ва амалий якунига йўналтирилган ҳамда дунёдаги барча дидактик тизимларнинг яхши томонларини ўзида бирлаштира олиш хусусиятига эга бўлган ўқитишнинг "Педагогик технология" усули ишлаб чиқилди ва ривожланган мамлакатлар педагогик амалиётига татбиқ қилинди.*

**Сўз оркали:** Азиз магистрантлар! XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошлари фан ва техника соҳасида инкилобий ривожланиш даври сифатида тарихда жой олгани ҳаммамизга маълум. Бундай ҳолат, ижтимоий эҳтиёжларнинг ортиб бориши, уларнинг янги турларини пайдо бўлиши, ўз навбатида бу эҳтиёжларни қисқа муддатда ва сифатли қондирилишининг йўлга қўйилишини тақозо этиши натижасида пайдо бўлди.

Ижтимоий зарурият маҳсули бўлган ишлаб чиқариш соҳасининг турлари ва бу жараённи такомиллашиб бориши қисқа вақт оралиғида, кам куч сарфлаб юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш шароитини яратди. Моддий ишлаб чиқариш, хом-ашёларни қайта ишлаш соҳаларида технологик ёндашув юзага келди. Ишлаб чиқариш жараёнига технологик ёндашув, муайян соҳаларда ислоҳотларни ташкил этиш, уларни муваффақиятини таъминлаш, эришилган ютуқларни бойитиб бориш каби мақсадларга эришишнинг самарали омили сифатида намоён бўлди.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларига замонавий юксак технологияларнинг татбиқ этилиши қатор шарт-шароитлар асосида кечди, хусусан, илм-фан ҳамда техниканинг сўнги ютуқларига таяниш, йирик молиявий маблағлар ва юксак даражадаги касбий маҳоратга эга малакали мутахассисларнинг мавжудлиги бу борадаги ютуқларни кафолатлайди. Бунинг учун малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратини ошириб боришга эришиш жамият ижтимоий ҳаётида етакчи ўрин тутади.

Инсоният илк тараққиётининг қуйи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда ва оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ўта қатъий ҳамда мураккаб талаблар қўйилмоқда.

Ёзинглар: ***Мураккаб техника билан ишлай оладиган, ишлаб чиқариш жараёнини тўлақонли англаш имконига эга, фавкулодда рўй берувчи вазиятларда ҳам юзага келган муаммоларни ижобий ҳал эта олувчи малакали мутахассисларни тайёрлашга бўлган эҳтиёж таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишни тақозо этмоқда.***

*Шу боис ижтимоий тараққиёт билан узвий боғлиқликда ривожланиб бораётган "Педагогика" фанининг вазифалар доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Табиий равишда замонавий фан-техника ютуқларида самарали ва унумли фойдалана олиш вазифаси мазкур фан олдига ҳам қўндаланг қўйилган.*

*Мустақилликни қўлга киритган ва буюк келажак сари интилаётган Ўзбекистон жамияти таълим тизими олдига қуйидаги талабларни ўртага ташламоқда:*



*– маълум сабабларга кўра жаҳон ҳамжамияти тараққиётидан, бир оз бўлса-да, ортда қолиб бораётган жамиятимиз, тараққий этган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши учун, аҳоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида илғор педагогик усуллардан фойдаланишни;*

*– фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учун вақтнинг чегараланганлиги;*

*– кишилик жамияти ўз ривожининг шу кундаги босқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ амалий якунга йўналтирилган, техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги;*

*– ёшларни ҳаётга мукаммал тайёрлаш талаби, уларнинг тафаккурини кенгайтирувчи ва илғор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа "Мажму ёндошув" тамойилидан кенг фойдаланишни талаб қилишидадир;*

*– Ўзбекистон жамияти жадаллик билан тараққий этиб, иқтисодий ва сиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бормоқда. Аммо, ижтимоий соҳада ва айниқса, таълим-тарбияда дебсиниш ва умумий тараққиётдан орқада қолиш сезилмоқда. Бундай нохуш вазиятдан чиқиб кетиш йўлларидан бири — таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш мақсадида қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва Давлат стандартларига жавоб берувчи "Педагогик технология" тамойиллари асосида лойиҳалаштиришдир.*

*Бу усулни бошқа таълим усулларидан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:*

*"Педагогик технология" объектив нарса ва ҳодисаларга "Мажму ёндашув" тамойили асосида яратилган бўлиб, тўлиқ унинг қонун ва қоидаларига буйсунади. Бошқа педагогик усуллар, тузилиши жиҳатдан эркин бўлиб ўқув жараёнининг таркиби, унда қўлланиладиган усуллар ва ахборот-коммуникацион технологиялар ўқитувчи ихтиёрида бўлган;*

*Педагогик технологиянинг асосий мақсадига эришиш босқичма-босқич амалга оширилиб, ҳар бир босқичда бажарилиши лозим бўлган вазифалар ва талаб қилинадиган воситалар ҳамда педагогик усулларнинг аниқ қўлланиладиган жойлари белгиланади. Бошқа педагогик усулларда таълим-тарбия жараёнининг якунида умумий мақсад қўйилиб, унга эришиш йўллари ўқитувчининг ихтиёрига ҳавола қилинган;*

*Педагогик технология универсал хусусиятга эга бўлиб, унинг асосида ўқув жараёнини ҳар бир мутахассис, аъло даражада бўлмаса ҳамки, ҳар ҳолда яхши амалга ошира олади. Дарснинг самарадорлигига педагогнинг маҳорати ва шахсий сифатлари деярли таъсир этмайди. Чунки, ўқув жараёни, таълим технологияси тамойиллари асосида, аввалдан лойиҳаланади. Аввалги дарс бериш усулларини амалиётда қўллаш учун, маълум даражада ўқитувчининг педагогик маҳорати ва шахсий сифатлари етакчилик қилган;*

***Педагогик технология ёрдамида ўқув жараёни лойиҳаланиб, бу лойиҳани амалиётда қўллаганда, таълим жараёнини доимий ва тўлиқ назорат қилиш имкони мавжуд. Аввалари бундай имконият ўқитувчиларда бўлмаган;***

***Педагогик технология ёрдамида ўқув жараёнини лойиҳалашда ва бу лойиҳа асосида ўқув машғулотларини амалга оширганда, натижаси талабаларда эгалланган билимларга кўникма ҳосил қилиш билан якунланади. Бошқа педагогик усуллар ёрдамида ўқув жараёнини амалга оширганда, талабалар берилган билимларни зўрга эслаб қолардилар холос.***

***Педагогик технология Давлат таълим стандартларидаги кўрсаткичларга эришишни кафолатлайди ва сарфлаш талаб қилинган вақт, куч ҳамда воситаларни меъёр даражасида ушлайди. Бошқа педагогик усулларда бундай имконият йўқ.***

**4"Микро" модул (15 дақиқа)**

Педагог "Блиц сўров", "фронтал сўров" ва бошқа усуллардан фойдаланиб ўқув машғулотини давом эттиради

**Педагог** Азиз магистрантлар! Шу билан биз "Педагогик технология" ўқув фани тўғрисида умумий маълумотга эга бўлдик. Яъни, ўқув машғулотларини амалга оширишнинг технологиялашган усулининг пайдо бўлиш сабаблари, бу усул пайдо бўлмасидан олдин ўқув машғулотларини олиб бориш усуларининг турлари, бу усулларни таклиф қилган аллома олимлар хақида маълумотлар, шунингдек, бошқа қатор билимларга эга бўлдик. Шу мавзу бўйича сизда қандай саволлар пайдо бўлди? Марҳамат!

**Мумкин бўлган саволлар. Савол:** агар "Педагогик технология" инсоният кашф қилган барча усулларнинг яхши томонини ўзида мужасамлаштирган бўлса, унда аввалги ҳамма усуллар бекор қилиниб, улардан фойдаланиб бўлмайдими?

**Жавоб:** яхши савол. Туридан қатъий назар, хар қандай педагогик усулларни маъмурий йўл билан бекор қилиб ёки мажбурлаб ўқув жараёнига киритиб бўлмайди. Чунки, хар қандай усулни эгаллаб олиш ва уни педагогнинг шахсий усулига айлантириш учун анча вақт талаб қилинади. Шунинг учун мазкур ўқув предмети бўйича тавсия қилинаётган педагогик технологияни хар бир ўқитувчи ва педагог йиллар давомида босқичма-босқич эгаллаб, ўзининг педагогик фаолиятига сингдириб боради. Бу жараён қанчалик тез ўтса, нафақат педагогнинг ўзи учун, балки талабалар учун хам ва маъмурият учун хам шунчалик самарали натижа беради. Шунинг учун аввалги ўқитиш усуллари маълум бир вақтгача сақланиб туради. Жавобим қониқарли бўлдими? Яна саволлар борми?

**Савол:** Педагогик технология усули Ўзбекистонга қачон кириб келди?

**Жавоб:** XX асрнинг 90 йилларидан бошлаб.

**Саволнинг давоми:** ундай бўлса, 20 йилча бўлибди-да, нега шу вақтгача у кенг тарқалмади?

**Жавоб:** мен айтдим-ку хар қандай янги усулни амалиётга сингдириш учун бир неча йиллар талаб қилинади. Ундан ташқари, хорижга бориб педагогик



технологияни ўрганиб келган мутахассислар, сафарга борган мамлакатининг педагогик технология моделини ўрганиб, уни ҳудудимизга мослаштирмай туриб, педагогик жамоатчиликка тақдим қилдилар. Амалиёт шуни кўрсатдики, хорижда кашф қилинган хар қандай усулни ўз ҳудудига қўллаганда, шу усулнинг тамойилларидан тоймаган ҳолда, уни қайта ишлаб, ҳудудга мослаштириш керак бўлади. Бу вазифани Ўзбекистоннинг педагог олимлари кейинроқ англаб етиб, Педагогик технологиянинг ўзбек миллий моделини фақат 2000 йилдан кейин ишлаб чиқдилар ва уни 2009 йили нашрдан чиқардилар, адабиётлар рўйхатига қаранг. Яна саволлар борми? Бўлмаса шу билан биринчи назарий ўқув машғулотимизни якунлаймиз.

Дафтарингизга ёзиб қўйинг! ***Уйда, мустақил равишда ишлашингиз учун тавсия этилган адабиётлар билан танишиб, аниқлаган интерактив педагогик усулларнинг бир нечтасини ёзиб келинг. Интерфаол усулининг янги турини ўзингиз кашф қилсангиз ҳам бўлади.***

Ўқув машғулотимиз тугади, яна учрашгунча хайр, омон бўлинглар!

## Хулоса

Методик қўлланмамизни тугатар эканмиз, ундан фойдаланувчиларга қуйидаги тавсияларни берамиз:

**Биринчидан,** таълим ва тарбия бераётган болаларни ўз болаларингизни севган каби севинг, акс ҳолда болалар сизнинг фанингга кўнгил қўймайди, шунинг учун уларда фанингиз билимларини эгаллаш иштиёқи пайдо бўлмайди. Иштиёқ бўлмаса, билим эгалланмайди, мажбурланган ва қўрқув натижасида эгалланган билим, тез кунда эсданг чиқиб кетади. Бунинг психофизологик асослари мавжуд.

**Иккинчидан,** ўқув фанингиздаги билимларни, беш қўлингиздек эгаллаган бўлишингиз шарт, акс ҳолда, ўқув машғулотини лойиҳасини тузолмайсиз. Ўз фанингиз билимларини нақадар эгаллаб олганлигингиз, шу фанни ишчи дастурини тузишда намаён бўлади.

**Учинчидан,** мазкур методик қўлланмада ифодаланган педагогик технологиянинг ўзбек инновацион моделининг мазмун ва моҳиятини, унинг тамойилларини ва лойиҳа тузиш алгоритмини яхшилаб ўрганиб олишингиз лозим.

**Тўртинчидан,** методик қўлланмани ўқишда ва ўқув машғулотлар лойиҳасини яратишда, сабр-тоқат билан шошмай, бўлажак ўқув машғулоти давомида бажариладиган хар бир харакатингизни тасаввурингизга келтириб туриб, лойиҳани тузинг.

**Бешинчидан,** тузиб чиққан лойиҳангиз асосида, ўқув машғулотини биринчи бор амалга ошираётганингизда лойиҳадан чиқиб кетган ҳоллар бўлиши мумкин. Шунда зўраки лойиҳага қайтишга интилманг. Эсда тутинки хар қандай ўйлаб тузилган лойиҳа фақат амалиётда синовдан ўтганидан кейин ҳақиқийга айланади. Ўқув машғулоти давомида лойиҳага тузатишлар киритиб боринг.

**Олтинчидан,** доимо эсда тутинки, сиз келажакда халқға, Ватанга хизмат қиладиган кишиларга билим ва тарбия бермоқдсиз, уни келгусида шу Ватанга муносиб киши этиб тарбиялаш сизнинг зиммангизда.

**Еттинчидан,** ҳеч қачон эсдан чиқмасин-ки, ота-оналар сизга ўз фарзандларини ишониб қўйиб, сизга ўзининг меҳнати орқали топган маблағидан, солиғ тўлаш йўли билан, педагогик фаолиятингизга маблағ етказиб бермоқда. Бу маблағга сиз бола-чақа боқмоқдасиз. Билдирилган ишонч ва маблағни оқланг, оқибати "вой" бўлиб қолмасин.

**Азиз касбдош, ҳурматли талаба ва магистрантлар, мана методик қўлланани ўқиб чиқдингиз, эсда тутингки, китобни бир маротаба ўқиб чиқишингиз, китоб махмуни билан танишганингизни билдиради. Китобни иккинчи маротаба, яхши тушуниб етмаган бўлсангиз бир неча маротаба ўқиб чиқиб, у билан ишлашни бошланг.**

**Машақатли аммо шарафли меҳнатингизга куч қувват ва омад тилаб қолувчи фалсафа фанлари доктори, профессор Бўри Ғуломназир ўғли Зиямухамедов.**

## Илова 1.

### Мустақил Ўзбекистон ҳукумати ўз фуқароларида кўришни истайдиган фазилатлар

1. **Соғлом ва эзгу ниятли** – қиладиган ҳаракатини эзгу ниятдан келиб чиқувчи ҳамда жисмонан, ақлий ва руҳий саломат одам.
2. **Мустақил фикр юритувчи ва билимли** – билим эгаллашда, мустақил эгаллашга эришувчи ва эгаллаган билимларини бир мажму(тартиб)га келтириб борувчи.
3. **Имон-эътиқодли** – одамлар сўзига ва ўзининг қиладиган ҳар бир ҳаракатига чин дилдан ишониб туриб амалга оширувчи киши.
4. **Меҳр ва муҳаббатли** – атроф олам унсурлари, одамлар ва бажарадиган ҳар бир ишига чин дилидан кўнгил қўйювчи.
5. **Аҳлоқ ва одобли** – ўзининг миллати, давлати, яшаб турган жойининг аҳолиси, меҳнат жамоаси ва оиласида қабул қилган қонун, қоида ва тартибларни ҳурматловчи ва иложи борича уларни бажарувчи.
6. **Мулкий муносабатга эга** – мулк, мулк турлари, мулкий муносабатларнинг шакиллари, мулкни ҳатлаш каби тушунчаларни том маъноларига етиб бориб, мулк туридан қатий назар мулкни тежаш, асраш ва уни талон тарож қилувчилардан ҳимояловчи.
7. **Уддабурон ва тадбиркор** – ҳар бир бажарадиган ишни кўзини билиб, уни тез ва сифатли амалга оширувчи, мақсадига кам куч, кам вақт ва кам маблағ сарфловчи.
8. **Меҳнатсевар ва шижоатли** – меҳнатни туридан қатий назар, тинмай меҳнат жараёнида бўлувчи, меҳнат унинг ҳаётий эҳтиёжига айланиб, уни тез ва шошмасдан амалга оширувчи.



9. **Ҳуқуқий ва экологик маънавиятга эга** – давлатининг, қонунларини тинмай ўрганиб бориб, уларга риоя қилувчи ва уларни бузилишига йўл қўймайдиган, атроф муҳит ва табиатни асровчи ва авайловчи.
10. **Миллий ғурури бор ва Ватанпарвар** – ўзидаги инсоний ғурур асосида миллатининг ютуқлари билан фаҳрланувчи, камчиликлари устида қайғуриб, Ватанининг равнақи йўлида тинмай меҳнат қилувчи.
11. **Толерант ва инсонпарвар** – бошқа миллат, элат, дин ва ижтимоий груҳларнинг қонун, қоида ва урф – одатларига чидамли бўлиб, ўзининг бағри кенглигини намоён этувчи.
12. **Мард ва жасур** – Оллоҳдан бошқа ҳеч кимдан ва ҳеч нарсадан қўрқмайдиган, ҳар бир ишни ҳавфсирамай шижоат билан амалга оширувчи.
13. **Сабр-қаноатли ва саҳоватли** – омади юришганда шошиб қолмайдиган, бошига кулфатлар тушганда қайғуга берилмай сабр қилувчи, бор нарсага қаноат қилиб, ўзидаги бор нарсаларни бошқалар билан баҳам кўрувчи.

## Илова 2.

### Дидактика қонун, қоида ва принциплари

### Таълим қонунлари:

1. **Ўзаро боғлиқлик қонуни** – таълим-тарбия жараёнида иккита руҳий ҳаракатларнинг зўаро боғлиқликдаги ривожланиши.
2. **Машқ қонуни** – машқ қанчалик тез бўлса, қайтар реакция ҳам шунчалик тез бўлиб, билим ўзлаштирилиши ҳам тез ўтиб, билим ҳотирада узоқ муддатгача сақланади.
3. **Интенсивлик қонуни** – машқлар жавоби қанчалик интенчив бўлса, билим шунчалик тез ўзлаштирилади.
4. **Ассимиляция қонуни** – ҳар бир янги "турки" қайтар реакцияни вужудга келтиради. Шунинг учун эгалланган билимни қайтариш йўли билан "тартиб" туриш керак.
5. **Натижавий қонун** – машқнинг жавоб ижобий бўлса билим мустаҳкамланади, салбий бўлса, хотира уни ўчириб ташлайди.

### Дидактика принциплари

1. **Онглилик ва фаоллик** – билимни талабалар томонидан онгли равишда ва фаол қатнашиб эгаллашлик.
2. **Кўргазмалилик** – билим беришда турли кўргазма қуроллардан самарали фойдаланиш.
3. **Тизимлилик ва мунтазамлик** – билимни маълум бир тизимда ва узлуксиз равишда бериб боришлик.
4. **Мустаҳкамлик** – билимни тушунарли ва адабий тилда, такрорлаб бориш йўли билан бериш.
5. **Тушунарлилик** – билимни ҳаммага тушунарли ва ҳаммабоп қилиб бериш.
6. **Илмийлик** – билимни болаларда аввалдан мавжуд бўлган билимларга асосланиб, мантиқан бири-бирига боғлаб туриб бериш.
7. **Назария ва амалиёт бирлиги** – билим беришда назарий билимларни амалда ишлашини кўрсатиб туриб бериш.

## Ўқув машғулотини олиб бориш қоидалари

Ўқув машғулотини олиб бориш қоидалари дидактика қонун ва принципларидан келиб чиқиб, ўқитувчи ва педагогнинг кўп йиллик тажрибаларини ҳам ўз ичига қамраб олади. Улар жуда кўп.

Ўқув машғулот қоидалари қанча?, деган саволга К.Д. Ушинскийнинг сўзларини келтириш ўринлидир. У:"Барча педагогика қоидаларини бир варақка сиғдириш ҳам мумкин, улардан бир неча жилтли китоблар ҳам яратиш мумкин", деган.

Ўқитишнинг қоидалари ва педагогиканинг кўпгина бошқа саволларига жавоб топаман десангиз камина қулингиз ёзиб 23014 йили "ТАМАДДУН" нашриёти орқали чоп эттирган "ПЕДПГОГИКА" китобига мурожат қилингиз.

## Илова 3.

## Ўзбек педагогик технологиянинг инновацион моделининг тамойиллари

1. Ўқув машғулот лойиҳасини аввалдан тузиб олиш.
2. "Мажму ёндошув тамойили"га амал қилиш.
3. Дидактиканинг қонун, қоида ва принципларига амал қилиш.
4. Ўқув машғулот мажмуининг таркибий қисмларини ўзаро фунционал боғлиқликда кўриш.
5. Ўқувчи ва талабалар эгаллашлари шарт бўлган билимларни ўзлари мустақил равишда топишларига эришиш.
6. Эгаланадиган билимларни ўқувчи ва талабалар англашлари, хотирада сақлашлари ва амалиётда қўллай олишларини бир вақтнинг ўзида олиб бориш.
7. Ўқувчи ва талабалар ўқув машғулоти давомида бажариши шарт бўлган иш-харакатларни аввалдан лойиҳада белгилаб олиш.
8. Ҳар бир "микро модуллар"даги билимлар ичидан таянч тушунчаларни ажратиб олиш ва улар асосида назорат саволларини тузиш.
9. Ўқувчи ва талабалар билимларни ўзлаштириб олганлик даражасини машғулот якунида аниқлаш.



## Илова 4.

## Ўқув машғулотлар типи ва турлари

**Ўқув машғулотлар мантиқий тузилиши ва ўқув жарёнинг характерига қараб қуйидаги ТИПларга ажралади:**

1. **Кириш дарс ва ўқув машғулотлари.**
2. **Эгалланадиган билимлар билан бирламчи танишиш.**
3. **Янги билимларни эгаллаш.**
4. **Эгаланган билимларга кўникма ҳосил қилиш.**
5. **Эгаланган билимларни умумлаштириш.**
6. **Билимларни қайтариш ва мустаҳкамлаш.**
7. **Ўзлаштирилганлик даражсини текшириш.**
8. **Аралаш дарс ва ўқув машғулотлари.**

**Ўқув машғулотларини ўтиш асосига қараб, қуйидаги турларга ажралади:**

**1 – а) маъруза; б)суҳбат; в) намойиш; д) назарий ўқув машғулоти; е) амалий ўқув машғулоти; ж) аралаш ўқув машғулоти.**

**2 – а) мустақил иш; б) лабаратория иши; в) амалиёт; г) экскурсия дарслари ва ўқув машғулотлари.**

**3 – огзаки сўраш; б) ёзма синов; в) синов; г) амалий назорат; д) ёзма назорат иши; е) аралаш синов.**

## Илова 5.

## Ўқув машғулотини амалга ошириш усуллари

### *Анъанавий усуллар*

**Уларга : маъруза; намойиш; тақдимот; савол-жавоб ва тўрт поғонали усуллар** киради. Анъанавий усуллар тўғрисидаги батафсил маълумотни исталган педагогика китобларидан, шу жумладан 2014 йили "ТАМДДУН" нашрёти орқали дунё юзини кўрган Бўри Зиямухамедовнинг "Педагокика" китобидан, олишингиз мумкин.

### *Интерфаол ёки интерактив усуллар*

### "Танишув" усули

**Бу усул ўқув жамоаси иштирокчиларини бири-бири ва янгитдан ўтиладиган фан билан таништириб, самимий дўстона муносабат ва ижодий билим эгаллаш муҳитини юзага келтиришга хизмат қилади.**

**1 вариант**

Бу вариант асосида ўқув машғулот олиб бориш тартиби:

Педагог таълим олувчиларни кичик груҳларга ажратиб, ҳар бир гурухга "Келинг танишайлик!" ёзилган тахминан қуйидаги мазмундаги тарқатма материалларни бериб чиқади:

1. Сизлар ким ва нима мақсадда бу ерга тўпландинглар?
2. Сизларни нима бирлаштиради?
3. Сиз учун энг қимматли нарса нима?
4. Ўқув жараёнида сизларга нима ёрдам беради ва нима халақит қилади?
5. Кимлар билан ҳамкорлик қиласизлар?
6. Нималарни ўзингиз ва нималарни биргаликда ҳал қиласизлар?
7. Сизнинг энг кучли ва кучсиз томонларингиз нима?

Гуруҳ аъзолари биргаликда тарқатма материалдаги саволларга жавоб беришга тайёргарлик кўрадилар ва тайёрланиш жараёнида улар бир-бирлари билан танишиб оладилар.

Педагог гуруҳларни жавобларга тайёрланиши учун маълум бир вақтни белгилайди.

Гуруҳларнинг жавоблари тайёр бўлгач, навбати билан ҳар бир гуруҳдан бир киши тайёрланган материални тақдим қилади.

Педагог гуруҳлар тақдимоти учун вақт белгилайди. Барча гуруҳлар тақдимоти тугагач, педагог танишувни якунлаб, машғулотни давом эттиради.

Одатда, таълим олувчилар сонига қараб танишув 15-20 дақиқа мобайнида ўтказилади. Бу педагогнинг ташкилотчилик қобилияти ва маҳоратига боғлиқ.

**2-вариант**

Бу вариант асосида ўқув машғулотини олиб бориш тартиби:

Педагог таълим олувчиларни туғилган фаслидан келиб чиқиб, кичик гуруҳларга ажратади ва қуйидаги топшириқни беради:

1. Ўз туғилган фаслингизни бадиий, мусиқий, саҳнали, ҳазил-мутойиба ва ҳоказо кўринишда тавсифлаб беринг.
2. Йилнинг шу фаслида туғилганларнинг умумий характери билан гуруҳ қатнашчиларининг умумий ўхшашликлари ва ўзига хос томонлари билан таништиради.
3. Таълим олувчилар бу фаслдаги фаолиятини сўзлаб берадилар.
4.Бошқа фаслдаги гуруҳ қатнашчиларига бағишланган фикр ёки бағишловлар ҳамда тилаклар билдирилади.
5. Педагог берилган топшириқни таълим олувчилар томонидан бажариши учун тайёрлашга вақт ажратади ва уларни тақдимот қоидалари билан таништиради ва таълим олувчиларни тайёрланиши учун шароит яратади.
6. Гуруҳлар ўз ижодини бошлайдилар ва тақдимотга тайёрланадилар.
7. Гуруҳлар тайёрлаган ижодий ишларини намойиш этадилар.

Охирида педагог танишиш машғулотига якун ясар экан, таълим олувчиларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилиб, уларни очиқ мулоқотга чақиради:

1. Гуруҳ қатнашчилари бир-бирлари ҳақида нималарни билиб олишди?
2. Қандай савол ва муаммолар ҳал қилинди?



3. Ҳар бир таълим олувчи ўзи учун қандай хулоса чиқарди?

Педагог таълим олувчилар билан танишишда ўзининг бошқа қизиқарлироқ вариантидан ҳам фойдаланиши мумкин.

## "Ақлий ҳужум" усули

Муайян ўқув предметининг дастуридан келиб чиққан ҳар бир муаммо ечимини талабалар жамоасига ҳавола қилиб, улар томонидан билдирилган фикрларни тўплаб, шу асосда маълум бир ечимга келинадиган усулдир. Бу усулнинг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд.

"Ақлий ҳужум" усули педагог томонидан қўйилган қуйидаги мақсадларга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу усул ўқув жараёнининг кириш қисмида амалга оширилади;
2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда, янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади;
3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда, асосий мавзуни ўтиб бўлингандан сўнг амалга оширилади.

**"Ақлий ҳужум" усулини қўллашдаги асосий қоидалар:**

1. Талабалар томонидан билдирилган фикрлар танқид қилинмайди ва баҳоланмайди;
2. Билдирилган ҳар қандай фикр, у ҳаттоки нотўғри бўлса ҳам инобатга олинади;
3. Фикр беришда ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.

**Бу усулнинг босқичлари қуйидагича:**

1. Таълим олувчиларга муаммоли савол қўйилади ва уларга шу савол бўйича ўз фикрларини билдиришлари сўралади;
2. Таълим олувчилар саволга жавобан ўз фикрларини билдирадилар;
3. Таълим олувчиларнинг фикрлари доскага ёзиб борилади;
4. Билдирилган фикрларнинг маълум белгилари бўйича гуруҳланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади ва қолган жавобларга шарҳ берилади.

## "Кичик гуруҳларда ишлаш" усули

Таълим олувчиларни фикрини фаоллаштириш мақсадида, уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган ўқув жараёнидаги талабаларнинг ижодий иши.

Ушбу усулни қўллаганда таълим олувчи жамоада ишлаш ва ўқув жараёнида фаол иштирок этишга ҳамда бошловчи ролида бўлишга ва турли нуқтаи назарларни қадрлашга ўрганади.

Педагог ушбу усулни қўллаганда, бошқа интерфаол усулларга қараганда вақтни тежаш имконига эга бўлади. Чунки бунда барча таълим олувчилар мавзуга жалб этилади.

**Бу усулнинг босқичлари қуйидагича:**

1. Педагог томонидан фаолият йўналиши аниқланади, мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади;

2. Кичик гуруҳлар аниқланади ва топшириқлар берилади. Гуруҳлар 3-6 кишидан иборат бўлиши мумкин;

3. Кичик гуруҳдаги талабалар топшириқни бажаришга киришадилар;

4. Педагог аниқ кўрсатмалар бериб, таълим олувчилар фаолиятини йўналтириб туради;

5. Кичик гуруҳлар бажарган ишларини тақдимот қиладилар;

6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади;

7. Ҳар бир кичик гуруҳ баҳоланади.

## "Давра суҳбати" усули

Айлана стол атрофида, ўртага ташланган муаммо ёки савол юзасидан, таълим олувчилар томонидан билдирилган фикрлар орқали ўқув машғулоти олиб бориладиган педагогик усул.

Бу усул қўлланилганда стол-стуллар доира шаклида жойлаштирилади. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан "кўз алоқаси"ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд.

Оғзаки давра суҳбатида педагог мавзуни бошлаб беради ва таълим олувчилардан муайян савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикрини оғзаки баён этади. Сўзлаётган талабани барча диққат билан тинглайди, агар бошқаларни бу фикрга эътирози бўлса, барча фикрлар тингланиб бўлинганидан кейин муҳокама даврида ўз мулоҳазасини айтади.

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт берилади. Педагог ўртага ечилиши лозим бўлган муаммони қўяди. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига муайян муаммо бўйича унга берилган саволни ёзади ва "жавоб варақа"сининг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган талаба ўз жавобини "Жавоблар варақа"сининг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги биродарига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.

**Бу усулнинг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Ўқув машғулотининг мавзуси эълон қилинади.

2. Педагог талабаларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.

3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан "Жавоблар варақаси" тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгиланади. Таълим олувчилар конвертга ва "Жавоблар варақаси"га ўз исми-шарифларини ёзадилар.

4. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва "Жавоблар варақаси"га ўзининг жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.

5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги талабага узатади.

6. Конвертни олган талаба конверт устидаги саволга "Жавоблар варақалари"дан бирига ўз жавобини ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги талабага узатади.



7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган талабанинг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги "Жавоблар варақалари"ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йиғилиб олинади ва педагог томонидан таҳлил қилинади.

Ушбу усул орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа талабалар берган жавобларни баҳолашга, шунингдек, ҳам педагог, ҳам талабаларни объектив баҳолаш имконига эга бўлади.

## "Ишбоб ўйин" усули

Бу усул, берилган топшириқларга кўра ёки ўйин қатнашчилари томонидан тайёрланган ҳар хил вазиятдаги бошқарувчилик қарорларини қабул қилишни ақс эттириш усули ҳисобланади.

Ўйин фаолияти бирон бир ташкилот вакили сифатида иштирок этаётган иштирокчининг хулқ-атвори ва ижтимоий вазифаларини тақлид қилиш орқали натижаларга кўра иштирокчилар ўз фаолиятларини ўзгартириш имкониятига ҳам эга бўладилар.

Ишбоб ўйинда роллар ва ролларнинг мақсади аралашган ҳолда бўлади. Иштирокчиларнинг бир қисми қатъий белгиланган ва ўйин давомида ўзгармас ролни ижро этишлари лозим. Бир қисм иштирокчилар ролларини шахсий тажрибалари ва билимлари асосида ўз мақсадларини белгилайдилар. Ишбоб ўйинда ҳар бир иштирокчи алоҳида ролли мақсадни бажариши керак. Шунинг учун вазифани бажариш жараёнида, ҳар бир иштирокчи аввал ўзининг вазифаси бўйича қарор қабул қилади, сўнгра гуруҳ билан маслаҳатлашади. Ўйин якунида ҳар бир иштирокчи ва гуруҳ эришган натижаларига қараб баҳоланади.

**Бу усулнинг тузилмаси қуйидагича:**

1. Ўйин шартлари ва баҳолаш мезонлари билан талабаларни таништириш.

2. Вазифаларни тақсимлаш.

3. Вазифалар бўйича иштирокчиларнинг қарор қабул қилиши.

4. Ўйинни амалга ошириш.

5. Муҳокама қилиш ва баҳолаш.

**"Ишбоб ўйин" босқичлари қуйидагилар:**

1. Ўқув машғулотига тайёргарлик даврида педагог мавзуни, мақсад ва натижаларни аниқлайди.

2. Ўқув машғулотида таълим олувчиларни ўйиннинг мақсади, шартлари ва натижаларни баҳолаш мезонлари билан таништиради.

3. Таълим олувчиларга вазифаларни тақсимлайди ва маслаҳатлар беради.

4. Таълим олувчилар ўз роллари бўйича тайёргарлик кўрадилар.

5. Таълим олувчилар тасдиқланган шартларга биноан ўйинни амалга оширадилар. Педагог ўйин жараёнига аралашмаган ҳолда уни кузатади.

6. Ўйин якунида педагог муҳокамани ташкил қилади. Талабаларнинг эксперт хулосалари тингланади, фикр-мулоҳазалар айтилади.

7. Аввал ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари асосида натижалар баҳоланади.

Ҳар бир ролни ижро этувчи ўз вазифасини тўғри бажариши, берилган вазиятда ўзини қандай тутиши кераклигини намойиш эта олиши, муаммоли вазиятлардан чиқиб кетишини кўрсата олиши керак бўлади.

## "Ролли ўйин" усули

Бу ўйин, таълим олувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини саҳналаштириш орқали кўрсатиб берувчи усулдир.

Ролли ўйиннинг ишбоп ўйиндан фарқи, баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир. Шу билан бирга "Ролли ўйин" усули таълим олувчилар педагог томонидан ишлаб чиқилган сценарийдаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, "Ишбоб ўйин" усулида роль ижро этувчилар маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустақил равишда ўзлари ҳал этадилар.

Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган бўлади. Ролли ўйинлар таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради.

"Ролли ўйин"да педагог таълим олувчилар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир таълим олувчининг индивидуал характери, хулқ-атвори муҳим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли ўйинлар ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради.

**Ролли ўйин тузилмаси:**

1. Сценарий ишлаб чиқилади.
2. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Роллар тақсимланади.
4. Роллар ижро этилади.
5. Якуний хулосага келинади.

**"Ролли ўйин" босқичлари қуйидагилар:**

1. Педагог, ўқув машғулотида тайёргарлик кўрганда, мавзу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чиқади.
2. Ўқув машғулотида талабаларга ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Ўйиннинг мақсадидан келиб, чиқиб, роллар тақсимланади.
4. Таълим олувчилар ўз ролларини ижро этадилар, Бошқа таълим олувчилар уларни кузатиб турадилар.
5. Ўйин якунида таълим олувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган таълим олувчилар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хулоса қилинади.



Ушбу усулни қўллаш учун сценарий махсус ўқув предмети бўйича танланган мавзуга мос равишда, ҳаётда юз берадиган баъзи бир ҳолатларни ёритиши керак.

## "Баҳс-мунозара" усули

Бу усул, ўқув дастурдаги бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқув жараёнини амалга оширишнинг бир туридир.

Ҳар қандай мавзудаги муаммолар мавжуд билимлар асосида муҳокама қилинишни назарда тутилган ҳолда ушбу усул қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топширилиши ёки педагогнинг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу усулда таълим жараёни олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

**Бу усул бўйича ўқув машғулотини олиб боришда қуйидаги қоидаларга риоя қилинади:**

1. Барча таълим олувчилар иштирок этишлари учун имконият яратилиши шарт.
2. "Қўл кўтариб" рухсат сўраш орқали, яъни фақат рухсат берилганидан кейингина сўзлашга риоя қилиш.
3. Фикр-мулоҳазаларни тинглай олиш маданиятига риоя қилиш.
4. Бир талаба билдирган фикрни, бошқа талаба томонидан такрорламаслик.
5. Бир-бирларига ўзаро ҳурмат қоидаси.

**"Баҳс-мунозара" усули бўйича ўқув жараёнини олиб бориш тузилмаси:**

1. Муаммоли савол ўртага ташланади.
2. Турли жавобларга оид фикрлар тингланади.
3. Берилган жавобга оид фикрлар тўпланади.
4. Билдирилган жавоблар таҳлил қилинади.
5. Қўйилган саволга аниқ ва мақбул жавоб топилади.

**Бу усулнинг босқичлари қуйидагича:**

1. Педагог ўқув дастуридаги мавзу ичидан, мунозара мавзуси қилиб бир муаммони танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Педагог таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Педагог берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни, доскага ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда педагог таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.
4. Педагог таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳлаштиради, умумлаштиради ва таҳлил қилади.
5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

## “Муаммоли вазият” усули

Бу педагогик усул, таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича билим ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилган.

“Муаммоли вазият” усули учун ўқув дастуридан танланган мавзу ва уни ичидаги муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос равишда танланиши лозим. Талабалар қўйилган муаммо ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимини топа олмай, таълим олувчиларнинг муаммога бўлган қизиқишлари сўнишига ва ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келиши мумкин. Бу усул қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишга, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишга ва унинг ечимини топишга ўрганадилар.

**“Муаммоли вазият” усулининг тузилмаси:**

1. Талабаларни гуруҳларга ажратиш.
2. Муаммоли вазият тавсифини келтириш.
3. Гуруҳларнинг муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаши.
4. Гуруҳларнинг муаммоли вазиятнинг оқибатлари тўғрисида фикр юритиши.
5. Гуруҳларнинг муаммоли вазиятнинг ечимини ишлаб чиқиши.
6. Педагог ва талабаларнинг муаммонинг тўғри ечимини танлашлари.
7. Педагогнинг нотўғри берилган ечимларни шарҳлаши.

**“Муаммоли вазият” усулининг босқичлари:**

1. Ўқув жараёнига тайёргарлик кўриш даврида педагог ўқув дастуридаги мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларини аниқлайди.
2. Педагог таълим олувиларни кичик гуруҳларга ажратади.
3. Педагог таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.
4. Гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар, бу муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ ўзи аниқлаган сабабларни тақдимот қиладилар.
5. Барча тақдимотларнинг ичидан бир хил фикрлилари гуруҳлаштирилади.
6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қилиб, уларни таҳлил қиладилар ва муаммони ечишнинг энг мақбул йўлини аниқлайдилар.

## “Лойиҳа” усули

Бу усул, таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларга берилган вақт давомида, ўқув дастуридаги мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва уни таҳлил қилиш ишларини олиб боришнинг бир туридир.

Бунда таълим олувчилар иш фаолиятини режалаштириш, қарор қабул қилиш, уни амалга ошириш, текшириш, хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиҳани ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гуруҳий бўлиши мумкин. Лекин ҳар бир лойиҳа ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижаси бўлиши лозим. Бу жараёнда таълим олувчиларнинг вазифаси, белгиланган вақт ичида янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим



олувчилар нуқтаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим олувчилардан уларда мавжуд билимларни турли вазиятларда қўллай олишни талаб қилиши керак.

**“Лойиҳа” усулининг тузилмаси:**

1. Маълумот йиғиш.
2. Режа тузиш.
3. Қарор қабул қилиш.
4. Уни амалга ошириш.
5. Текшириш.
6. Хулоса чиқариш.

**“Лойиҳа” усулининг босқичлари:**

1. Педагог лойиҳа иши бўйича топшириқларни ишлаб чиқади.
2. Таълим олувчилар мустақил равишда дарслик, турли схема ва тарқатма материаллар асосида топшириққа оид маълумотларни йиғадилар.
3. Таълим олувчилар мустақил равишда иш режасини ишлаб чиқадилар. Шунда улар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал ва асбоб-ускуналарни режалаштиришлари лозим.
4. Гуруҳлар иш режаларини тақдимот қиладилар ва педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорларни муҳокама қиладилар ва энг мақбул вариантни танлаб оладилар ҳамда иш режасига асосан топшириқни бажаришга киришадилар.
5. Педагог таълим олувчилар билан биргаликда “Баҳолаш варақаси”ни ишлаб чиқади.
6. Таълим олувчилар ишни бажариб бўлгач, иш натижаларини ўзлари текширадилар. Шунда, гуруҳлар бир-бирларининг иш натижаларини текширишга ҳам жалб қилинадилар. Текшириш натижалари “Баҳолаш варақаси”га қайд қилинади ва таълим олувчи ёки гуруҳлар педагогга ҳисобот берадилар. Ҳисобот оғзаки, материалларни намойиш қилиш ёки лойиҳа кўринишидаги ёзма ҳисобот бўлиши мумкин.
7. Педагог таълим олувчилар билан биргаликда иш жараёнини ва натижаларини якуний суҳбат давомида таҳлил қилишади. Ўқув машғулотларида эришилган кўрсаткичларни меъёрий кўрсаткичлар билан таққослайдилар ва уларнинг орасида фарқ бўлса сабабларини аниқлайдилар

## “Йўналтирувчи матн” усули

“Йўналтирувчи матн” – таълим олувчилардан мустақил равишда йўналтирувчи саволлар ёрдамида маълумот йиғиш, ўқув жараёнини режалаштириш ва уни амалга ошириш вазифасини бажарадиган усулдир.

Бу усулнинг барча босқичларида педагог фаолияти “пассив”, таълим олувчилар фаолияти эса “фаол” бўлади. Чунки таълим олувчилар педагог томонидан олдиндан тайёрланган материаллар асосида мустақил равишда фаолият кўрсатадилар. “Йўналтирувчи матн” усулидан ўқув амалиёти машғулотларида фойдаланилади. Ушбу усулни амалга ошириш жараёни “Лойиҳа” усулининг босқичлари билан бир хил кечади. Маълумот йиғиш, режалаштириш, фаолиятни амалга ошириш ва фаолият якунини текшириш босқичларида таълим олувчи мустақил ишлайди. Қарор қабул қилиш ва хулоса

қилиш босқичларида таълим олувчи ва педагог орасида "қайтар алоқа" ўрнатилиб, биргаликда муҳокама қилинади. Ўқув машғулотининг бошланғич босқичида таълим олувчиларга педагог томонидан тузилган ёзма хужжатлар берилади. Бундай хужжатлар таркибига техник чизмалар, жадваллар, йўналтирувчи саволлар, тарқатма материаллар, топшириқлар варақаси, баҳолаш варақаси ва бошқалар киради.

**"Йўналтирувчи матн" усулида педагог ва таълим олувчилар фаолияти**

Педагог фаолияти:

1. Ўқув материали ва йўналтирувчи савооларни бериш.
2. Олдиндан тайёрланган режалаштиришга оид варақаларни тарқатиш.
3. Таклифларни муҳокама қилиш.
4. Муаммоларни муҳокама қилиш.
5. Баҳолаш варақаларини биргаликда ишлаб чиқиш.
6. Биргаликда хулоса чиқариш.

Таълим олувчилар фаолияти:

1. Мустақил равишда маълумот йиғиш.
2. Мустақил равишда режа тузиш.
3. Мустақил қарор қабул қилиш.
4. Мустақил амалга ошириш.
5. Мустақил равишда текшириш.
6. Мустақил равишда хулосалаш.

**"Йўналтирувчи матн" усулининг тузилмаси:**

1. Топшириқ бериш.
2. Мустақил равишда маълумот йиғиш.
3. Мустақил равишда режалаштириш.
4. Биргаликда қарор қабул қилиш.
5. Мустақил равишда амалга ошириш.
6. Ўз-ўзини текшириш.
7. Биргаликда умумий хулоса чиқариш.

**"Йўналтирувчи матн" усулининг босқичлари:**

1. Педагог топшириқларни, тарқатма материалларни ва йўналтирувчи саволларни ишлаб чиқади.

2. Таълим олувчилар мустақил равишда дарслик, схемалар, тарқатма материаллар ва йўналтирувчи саволлар асосида топшириққа оид маълумотлар йиғадилар ва "йўналтирувчи матн" тузадилар.

3. Таълим олувчилар мустақил равишда ўзи тузган "мустақил матн" асосида иш режасини ишлаб чиқадилар. Иш режасида таълим олувчилар томонидан иш босқичлари, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлиги, материал, асбоб-ускуналар ва ёрдамчи воситалар режалаштирилиши лозим.

4. Таълим олувчилар педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бўйича эришилган натижалар муҳокама қилинади. Таълим олувчилар бажариладиган ишлар кетма-кетлиги бўйича қарор қабул қиладилар, педагог эса фақат маслаҳатчи сифатида иштирок этади.



5. Таълим олувчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда якка тартибда ёки гурухлар иштирокида амалга оширадилар. Бу босқичда таълим олувчиларнинг амалий кўникмалари шаклланади. Педагог топшириқнинг бажарилишини "Назорат варақаси"га қайд қилиб боради.

6. Таълим олувчилар ўзларининг иш натижаларини ўзлари текширадилар ва "Баҳолаш варақаси" ни тўлдирадилар. "Баҳолаш варақаси"да сифат мезонлари, яъни талаб этилган маъёрлар берилади ва улар эришилган натижа билан таққосланади.

7. Педагог ва таълим олувчилар биргаликда иш жараёнини ва эришилган **натижаларни якуний суҳбат давомида таҳлил қиладилар. Ушбу суҳбатда барча таълим олувчиларнинг иш натижалари баҳоланади ва келажакда иш жараёнида нималарга эътибор бериш кераклиги таъкидланади.**

## "Кластер" усули

Кластер (ғунча, боғлам) дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у таълим олувчиларга ихтиёрий муаммо ёки мавзу хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларини бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам берувчи педагог усулдир.

Мазкур усул турли хил ғоялар ўртасидаги алоқадорликлар тўғрисида фикрлаш имконини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. "Кластер" усули аниқ объектга йўналтирилган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг фаол ишлаш тамойиили билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу усул муайян мавзунинг таълим олувчилар томонидан чуқур ҳамда бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

"Кластер" усули пухта ўйланган таълим стратегияси бўлиб, ундан таълим олувчилар билан якка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Усул гуруҳ асосида ташкил этилаётган ўқув машғулотларида таълим олувчилар томонидан билдирилаётган фикрларнинг мажмуи тарзида намоён бўлади. Бу эса илгари сурилган ғояларни умумлаштириш ва улар ўртасидаги алоқаларни топиш имконини яратади.

**"Кластер" усулидан фойдаланишда қуйидаги шароитларга риоя қилиш талаб этилади:**

1. Нимани ўйлаган бўлсангиз, шуни қоғозга ёзинг. Ёзувингизни орфографияси ёки бошқа жиҳатларига эътибор берманг. Фикрингизнинг сифати тўғрисида ўйлаб ўтирманг, уларни шунчаки ёзиб боринг.

2. Белгиланган вақт ниҳоясига етмагунча, ёзишдан тўхтаманг. Агар маълум муддат бир фикрни ўйлай олмасангиз, у ҳолда қоғозга бирор нарсанинг расмини чиза бошланг. Бу ҳаракатни янги фикр туғилгунига қадар давом эттиринг.

3. Муайян тушунча доирасида имкон қадар кўпроқ янги фикрларни илгари суриш ҳамда мазкур фикр ўртасидаги ўзаро алоқадорликларни кўрсатишга ҳаракат қилинг. Фикрлар йиғиндисининг сифати ва улар ўртасидаги алоқадорликларни кўрсатишни чекламанг.

## “Қарорлар шажараси” усули

“Қарорлар шажараси” муайян фан асослари борасидаги бир қатор мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, бир муаммо хусусида билдирилаётган бир неча хулосалар орасидан энг мақбул ҳамда тўғрисини топишга йўналтирилган педагогик усулдир.

Ушбу усул, шунингдек, аввалги вазиятларда қабул қилинган қарор (хулоса)лар моҳиятини яна бир бора таҳлил этиш ва уни мукаммал тушунишга хизмат қилади.

Гуруҳ таълим олувчилари иштирокида қўлланиладиган “Қарорлар шажараси” усули бир неча ўн нафар таълим олувчилар билимлари даражасини аниқлаш, уларнинг фикрларини жамлаш ва баҳолаш имконини беради. Таълим жараёнида мазкур усулнинг қўлланиши муайян муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хулосага келиш)да таълим олувчилар томонидан билдиралаётган ҳар бир вариант, уларнинг мақбул ҳамда номақбул жиҳатларини муфассал таҳлил этиш имконини яратади.

**Машғулот қуйидаги тартиб асосида амалга оширилади:**

1. Мавзу бўйича муаммо шакллантирилади.
2. Таълим олувчилар томонидан турли фикрлар билдирилади.
3. Барча фикрлар тахлил қилиниб, битта умумий хулосага келинади.

**Бу усул қуйидаги шартлар асосида амалга оширилади:**

1. Педагог машғулот бошланишидан олдин мунозара ва таҳлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди. Гуруҳлар томонидан қабул қилинадиган хулосаларни ёзиш учун плакатларни тайёрлайди.
2. Педагог таълим олувчиларни 4 ёки 6 нафарлардан иборат гуруҳларга ажратади. Муаммонинг ҳал этилиши, у борада энг мақбул хулосанинг қабул қилиниши учун муайян вақтни белгилайди.
3. Хулосага келиш жараёнида гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси томонидан билдирилаётган жавоб вариантларининг мақбуллик ҳамда номақбуллик даражалари батафсил муҳокама қилинади. Ҳар бир вариантнинг афзаллик ва ноафзаллик жиҳатлари ёзиб борилади. Билдирилган вариантлар асосида муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилувчи услублар хусусида гуруҳ аъзолари бир тўхтамга келиб оладилар.
4. Мунозара учун ажратилган вақт ниҳоясига етгач, ҳар бир гуруҳ аъзолари ўз гуруҳи хулосаси борасида ахборот берадилар. Зарур ҳолларда педагог раҳбарлигида барча таълим олувчилар билдирилган хулосаларни бир-бири билан қиёслайдилар.

Муаммо юзасидан билдирилган хулосалар борасида саволлар туғиладиган бўлса, уларга жавоблар қайтарилиб борилади, ноаниқларга аниқлик киритилади. Агарда барча гуруҳлар томонидан муаммо юзасидан бир хил хулосага келинган бўлса, педагог бунинг сабабини изоҳлайди.

“Қарорлар шажараси” усули бевосита маълум лойиҳа асосида амалга оширилади. Лойиҳа қуйидаги кўринишда:






## “Қора қути” усули

Бу усул таълим олувчилар томонидан мавзуни пухта ўзлаштиришга эришиш билан бирга уларни фаолликка ундаш, ҳамкорликда ишлаш, маълум вазиятларни бошқариш ҳамда мантиқий тафаккур юритиш билим ва кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган.

**Усулни амалиётда қўллаганда қуйидаги ҳаракатлар ижро этилади:**

1. Таълим олувчилар груҳларга бириктириладилар.
2. Жуфтликка мавзу моҳиятини ёритувчи асосий тушунчалар (таянч тушунчалар)ни карточкаларга қайд этиш вазифаси юкланади.
3. Педагог таълим олувчилар билан ҳамкорликда гуруҳлар томонидан топшириқнинг бажарилишини текширадилар.
4. Топшириқни тўғри бажарган гуруҳнинг бир аъзоси педагог ролини бажаради ва топшириқнинг ечимини доскага ёзади.
5. Таълим олувчилар доскадаги қайд этилган фикрни шарҳлайдилар, яъни таянч тушунчалар қандай маънони англатишини айтадилар.
6. Тўғри жавоб берган таълим олувчи педагог ролини бажариб, жуфтликларга мавзу моҳиятини ёритувчи схема, жадвал ёки тасвир яратишни топширади ва педагог ёрдамида топшириқнинг бажарилишини текширади.
7. Ўқув машғулотининг якунида, бажарилган ишлар таҳлил қилинади.

### “Бешинчиси (олтинчиси, еттинчиси,...) ортиқча” усули

Таълим олувчиларнинг мантиқий тафаккур юритиш билим ва кўникмаларига эга бўлишларида мазкур усул алоҳида аҳамиятга эга.

**Бу усулни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:**

1. Ўрганилаётган мавзу моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи тушунчалар тизимини шакллантириш.
2. Ҳосил бўлган тизимдан мавзуга таалуқли бўлган тўртта, бешта, олтита ва ҳ.к. ва таалуқли бўлмаган битта тушунчанинг ўрин олишига эришиш.
3. Таълим олувчиларга мавзуга таалуқли бўлмаган тушунчани аниқлаши ва уни тушунчалар тизимидан чиқариш вазифасини топшириш.
4. Таълим олувчиларни ўз ҳаракатлар моҳиятини шарҳлашга ундаш, яъни мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида таълим олувчилардан тушунчалар тизимида сақланиб қолган тушунчаларга ҳам изоҳ бериб ўтишлари ҳамда улар орасидаги мантиқий боғлиқликни асослаб беришларини талаб этиш.
5. Ўқув машғулоти якунида бажарилган амалларни таҳлил қилиш.

Мавзу моҳиятини очиб берувчи тушунчалар орасидаги мантиқий боғликликни кўрсата олиш ва асослаб бериш таълим олувчиларда мустақил

фикрлаш, шахсий фикрларини асослай олиш, шунингдек, тенгдошларини фикрлари билан шахсий мулоҳазаларини ўзаро таққослаш билим ва кўникмаларини шакллантиради.

### “Юмалоқланган қор ўйини” усули

**Бу усул, ўқув дастуридаги мавзуларни муайян қисм(модул)ларга бўлган ҳолда ўзлаштириш имконини бериб, таълим олувчиларда гуруҳ ва жуфтликда фаолият кўрсатишнинг билим ва кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.**

**Бу усулдан фойдаланишда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:**

1. Педагог томонидан тасвирли карточкалар тайёрланади.
2. Бу карточкаларнинг орқа томонига мавзуни ўзлаштиришга оид беш-ўн вариантдан иборат топшириқлар ёзилади.
3. Таълим олувчилар, тасвирли карточкалардан фойдаланиб, икки ёки уч гуруҳга бўлинадилар.
4. Ҳар бир гуруҳ аъзолари бир нечта жуфтликларга бириктирилади.
5. Ҳар бир жуфтлик бир вариантдаги топшириқни бажаради.
6. Ўқув жараёни якунида умумий хулосалар чиқарилади.

“Юмалоқланган қор ўйини” усулидан муайян бўлим ёки боблар бўйича ўзлаштирилган назарий билимлар ва амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланилади.

### “Заковатли зукко” усули

Бу усул, таълим олувчиларда, ўқув дастуридаги мавжуд билимларни пухта ўзлаштириш жараёнида фаол тафаккур юритиш ва тасаввур қилиш лаёқатини эгаллаш учун муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, уларда тезкор фикрлаш кўникмаларини шакллантириш ва уларнинг тафаккур тезлигини аниқлашга ёрдам беради.

Бунда, таълим олувчилар педагог томонидан берилган саволларга қисқа муддатларда тўғри ва аниқ жавоб қайтара олишлари лозим. Саволларнинг мураккаблик даражасига қараб, ҳар бир берилган саволга қайтарилган тўғри жавоб учун баллар белгиланади. Якуний балларнинг ўртача арифметик қийматини топиш асосида таълим олувчиларнинг тафаккур юритиш тезлиги аниқланади.

Балларнинг белгиланиши таълим олувчиларнинг шахсий имкониятлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишлари таъминлайди.

Мазкур усул таълим олувчилар билан якка тартибда, гуруҳли ва оммавий ишлашда бирдек қўлланиши мумкин.

### “Тушунчалар таҳлили” усули

Ушбу усул чорак, семестр ёки ўқув йили давомида, боб, бўлим ёки ўқув предметининг барча мавзулар юзасидан, таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилган билимларни айтиб бериш ёки бирон-бир мавзу бўйича эгалланган тушунчаларга мустақил равишда ўз изоҳларини бериш орқали ўзлаштирилган билимларни текшириш ва баҳолашга имкон яратиш баробарида, педагог томонидан қисқа вақт ичида барча таълим олувчиларни баҳолай олишга йўналтирилган.



Бу усулни қўллашдан мақсад, таълим олувчиларни ўқув машғулоти давомида эгаллаган билимларини ўзлаштириб улгурганлигини ҳамда мавзу бўйича таянч тушунчаларни мустақил равишда эркин баён эта олиш кўникмасини ва ўзларининг билим даражаларини баҳолай олишини, гуруҳларда ишлай олишини, курсдошларининг фикрларига ҳурмат билан қарай олишини, шунингдек, ўзидаги билимларни бир тизимга сола олишга ўргатишдан иборат.

Усулдан фойдаланиш: ўқув машғулотларининг барча турларида, барча бўғинларида, яъни машғулот бошида ёки охирида ёки ўқув предметининг бирон-бир бўлими тугалланганда ўтилган мавзуни ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки оралиқ ва якуний назоратларни ўтказиш ёки янги мавзуни бошлашдан олдин таълим олувчиларнинг билимларини текшириб олиш учун мўлжалланган. Ушбу усулни ўқув машғулоти жараёнида ёки машғулотнинг бир қисмида якка, кичик гуруҳ ҳамда жамоа шаклида ташкил этиш ва уйга вазифа беришда қўллаш мумкин.

Бу усулни қўллашда фойдаланиладиган воситалар: тарқатма материаллар, таянч тушунчалар рўйхати, қалам ёки ручка, слайд.

Машғулотни амалга ошириш тартиби:

1. Таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратилади.
2. Таълим олувчилар ўқув машғулотини ўтказишда қўйилган талаб ва қоидалар билан таништирилади.
3. Тарқатма материаллар гуруҳ аъзоларига тарқатилади.
4. Таълим олувчилар гуруҳини, якка тартибда, тарқатма материалларда берилган тушунчалар билан таништирилади.
5. Таълим олувчилар, якка тартибда, тарқатма материалда берилган тушунчалар ёнига ўзлари қандай тушунган бўлсалар шундай изоҳ ёзадилар.
6. Педагог тарқатма материалда таълим олувчилар томонидан берилган тушунчаларни ўқийди ва жамоа билан биргаликда ҳар бир тушунчага тўғри изоҳни белгилайди ёки имкон бўлса, экранда ҳар бир тушунчанинг тўғри изоҳи берилган слайд орқали таништиради.
7. Ҳар бир таълим олувчи тўғри жавоблар билан ўзи белгилаган жавобларнинг фарқларини аниқлайди. Шу орқали улар керакли тушунчаларнинг тўғри жавобига эга бўладилар ҳамда ўз-ўзларини текширадилар, баҳолайдилар ва билимларини яна бир бор мустаҳкамлайдилар.

### “Зинама-зина” усули

Ушбу усул таълим олувчиларни ўтилган ёки ўтилиши керак бўлган мавзу бўйича якка ва кичик грухлар бўлиб фикрлаш, ҳотирлаш, ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириш, эгалаганган билимларни умумлаштира олиш ва уларни ёзма, расм, чизма кўринишда ифодалай олишга ўргатади.

Бу усул таълим олувчилар билан якка ҳолда ёки гуруҳларда фақат ёзма равишда ўтказилади.

Бу усулнинг мақсади: таълим олувчиларни эркин, мустақил ва мантиқий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларини жамлаб улардан тушунча ҳосил қилишга, жамоага ўз фикри билан таъсир эта олишга ва таянч тушунчаларга изоҳ беришда ўзидаги билимларни қўллай олишга ўргатиш.

Усулни амалда қўллашдаги воситалар: А-3 ёки А-4 (мавзучалар сонига қараб) форматли қоғозларнинг чап томонига, мавзудаги ажратилган кичик мавзучалар ёзилган тарқатма материаллар; фломастер ёки рангли қалам.

Мазкур усул орқали ўқув машғулотини олиб бориш тартиби:

1. Педагог таълим олувчилар сонига қараб 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади.

2. Таълим олувчилар ўқув машғулотининг мақсади ва унинг ўтказилиш тартиби билан таништирилади. Ҳар бир гуруҳга бичими А-4 қоғознинг чап қисмига кичик мавзу бўлган варақлар тарқатилади.

3. Педагог гуруҳ аъзоларини тарқатма материалда ёзилган кичик мавзулар билан танишишларини ва шу мавзу асосида билганларини фломастер ёрдамида қоғознинг бўш жойига гуруҳ аъзолари билан фикрлашиб ёзиб чиқиш вазифасини беради ва муайян бир вақтни белгилайди.

4. Гуруҳ аъзолари биргаликда тарқатма материалда берилган кичик мавзуни ёзма ёки чизма ёхуд расм кўринишида иложи борича тўла ифода этадилар.

5. Тарқатма материаллар тўлдирилгач, гуруҳ аъзоларидан бир киши уни тақдимот қилади. Тақдимот вақтида гуруҳлар томонидан тайёрланган материал, албатта ёзув доскасига мантиқан тагма-таг (зина шаклида) илинади.

6. Педагог гуруҳлар томонидан тайёрланган материалларга изоҳ бериб, уларни баҳолайди ваниҳоят ўқув машғулотини якунлайди.

Ўқув машғулоти бу усулда олиб борилганда таълим олувчиларни мустақил фикрлашга, мустақил қарор қабул қилишга ва ўзлаштирилган мавзуни эслашга, уларни ёзма ёки чизма ёхуд расм кўринишида ифода этишга ўргатади.

## “Чархпалак” усули

Ушбу усул таълим олувчиларни ўтилган мавзуларни эслашга, мантиқан фикрлаб, берилган саволларга мустақил равишда иложи борича тўла жавоб беришга ва ўз-ўзини баҳолашга ўргатишга ҳамда педагогни талим олувчиларнинг билимларни эгалаганлик даражасини баҳолашга қаратилган.

Усулнинг мақсади: таълим олувчиларнинг ўқув жараёнида мантиқий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларини баҳолаш, якка ва гуруҳларда ишлашга, бошқалар фикрига ҳурмат билан қарашга ва талай фикрлардан кераклисини ажрата олишга ўргатишдан иборатдир.

Машғулотда фойдаланадиган воситалар: тарқатма материаллар, рангли қалам ёки фломастер.

Усулнинг қўлланиши: усул ўқув машғулотининг барча турларида машғулотнинг бошланиши ёки охирида ёхуд ўқув предметининг бирон бир



бўлимини тугалланганида, ўтилган мавзуларни таълим олувчилар ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки оралиқ ва якуний назоратларни ўтказиш учун мўлжалланган. Мазкур усул ўқув машғулоти жараёнида якка, кичик гуруҳ ва жамоа шаклида амалга оширилиши мумкин.

Ушбу усул бўйича ўқув машғулотини олиб бориш тартиби:

1. Таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратиш.

2. Таълим олувчиларни ўқув машғулотини олиб боришда, қўйилган талаблар ва қоидалари билан таништириш.

3. Аввалдан тайёрланган тарқатма материалларни ўнг бурчагига гуруҳ рақамини ёзади, чап бурчагига эса ўзининг бирон-бир белгисини чизади.

4. Гуруҳ аъзолари томонидан, мустақил равишда, тарқатма материаллардаги вазифаларни бажариш.

5. Ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзининг тарқатма материалининг ўнг бурчагига гуруҳ рақамини ёзади, чап бурчгига эса ўзининг бирон-бир белгисини чизади.

6. Вазифаси бажарилган тарқатма матерналлар бошқа гуруҳларга “чархпалак айланмаси” йўналишида алмаштирилади.

7. Янги гуруҳ аъзолари томонидан берилган матерналлар ўрганилади ва тегишли ўзгартиришлар киритилади.

8. Гуруҳ аъзолари томонидан ўрганилган ва ўзгартиришлар киритилган материаллар яна юқорида эслатилган йўналиш бўйича гуруҳлараро алмаштирилади.

9. Материалларни охирги алмашишидан сўнг ҳар бир гуруҳ ва ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзлари илк бор тўлдирган материалларини, қўйган белгилари орқали, танлаб оладилар.

10. Ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзлари белгилаган жавобларига бошқа гуруҳ аъзоларининг тузатишларини таққослайди ва таҳлил қилади.

11. Педагог тарқатма материалда берилган вазифани ўқийди ва жамои билан биргаликда тўғри жавобни белгилайди.

12. Ҳар бир таълим олувчи тўғри жавоб билан ўзи берган жавобнинг фарқини аниқлайди ва ўзини баҳолайди.

13. Таълим олувчилар ўз баҳоларини аниқлаб олишгач, педагог вазифа бажарилган қоғозларни йиғиб олади ва баҳоларни гуруҳ журналига кўчиради.

## “Бумеранг” усули

Ушбу усул таълим олувчиларни ўқув жараёнида, дарсдан ташқари турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, эгалланган билимларни ёдида сақлаб қолиш, сўзлаб бериш, фикрини эркин ҳолда баён эта олиш, қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлиш ҳамда ўқув машғулоти мобайнида педагог томонидан барча таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасини баҳолай олишига қаратилган.

Усулнинг мақсади: ўқув жараёни мобайнида тарқатилган материалларни таълим олувчилар томонидан якка ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштириб олишлари

ҳамда суҳбат-мунозара ва турли саволлар орқали тарқатма материаллардаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш ва баҳолаш.

Усулнинг қўлланиши: бу усулдан амалий машғулотлар, семинар ёки лаборатория машғулотлари ҳамда суҳбат-мунозара шаклда олиб бориладиган ўқув жараёнини якка тартибда, кичик гуруҳ ва жамоа шаклида фойдаланиш мумкин.

**Усулдан фойдаланилганда зарур бўладиган воситалар:** мавзуга мос равишда тайёрланган тарқатма маътериаллар – ўтилган мавзу юзасидан қисқа матнлар, суратлар ва бошқа маълумотлар.

**Ушбу усул бўйича ўқув машғулотини олиб бориш тартиби:**

1. Таълим олувчилар кичик гуруҳларга ажратилади.
2. Таълим олувчилар ўқув машғулотининг мақсади ва тартиби билан таништирилади.
3. Таълим олувчиларга мустақил фаолияти учун мавзу бўйича матнлар тарқатилади.
4. Берилган матнлар таълим олувчилар томонидан мустақил ўрганилади.
5. Ҳар бир гуруҳ аъзоларидан янги гуруҳ ташкил этилади.
6. Янги гуруҳ аъзоларининг ҳар бири гуруҳ ичида навбати билан мустақил ўрганган материали билан ахборот алмашадилар, яъни бир-бирларига сўзлаб берадилар ва матнни ўзлаштириб олишга эришадилар.
7. Берилган маълумотларни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун гуруҳ ичида ички назорат ўтказилади, яъни гуруҳ аъзолари бир-бирлари билан савол-жавоб қиладилар.
8. Янги гуруҳ аъзолари дастлабки ҳолатдаги гуруҳларига қайтадилар.
9. Ўқув машғулотининг қолган жараёнида таълим олувчилар билимларини баҳолаш ёки тўплаган билимларини ҳисоблаб бориш учун ҳар бир гуруҳда "гуруҳ ҳисобчиси" тайинланади.
10. Таълим олувчилар томонидан барча матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлаш мақсадида педагог ёки оппонент таълим олувчига саволлар билан мурожат қилиб, оғзаки сўров ўтказадилар.
11. Саволларга берилган жавоблар асосида гуруҳларнинг тўплаган умумий баллари аниқланади.
12. Ҳар бир гуруҳ аъзоси томонидан гуруҳдаги матннинг мазмунини ҳаётга боғлаган ҳолда биттадан савол тузилади.
13. Гуруҳлар томонидан тайёрланган саволлар орқали савол жавоб ташкил этилади, яъни "гуруҳ ҳисобчилари" берилган жавоблар бўйича балларни ҳисоблаб берадилар.
14. Гуруҳ аъзолари томонидан тўпланган умумий баллар йиғиндиси аниқланади.
15. Гуруҳлар тўплаган умумий балла гуруҳ аъзолари ўртасида тенг тақсимланади.

## "3x4" усули

Ушбу усул таълим олувчиларни аниқ бир муаммони якка ҳолда ёки кичик груҳ бўлиб, фикрлаб ҳал этиш, ечимини топиш, кўп фикрлардан керагини



танлаш, танланган фикрларни умумлаштириш ва улар асосида қўйилган муаммо юзасидан аниқ бир тушунча ҳосил қилишга, шунингдек, ўз фикрларини ҳимоялай олишга ўргатишга мулжалланган.

Бу усул таълим олувчиларни: эркин ҳамда мустақил ва мантиқий фикрлашга; жамоа бўлиб фаолият кўрсатишга; изланишга; фикрларни бир нуқтага жамлай олишга ва улардан назарий ва амалий тушунчалар ҳосил қилишга; жамоага ўз фикрини ўтказишга ва ўз фикрини ҳимоя қила олишга; қўйилган муаммони ечишга ва мавзу бўйича умумий тушунча беришга ҳамда эгаллаган билимларини амалиётда қўллаб, уларни кўникмасига айлантиришга ўргатади.

**Мазкур усулни қўлланиши:** бу усул семинар, амалий машғулот ва лабаратория ишларини якка тартибда ёки кичик гуруҳларга ажратилган ҳорлда ўтказиш ҳамда груҳ аъзоларини бир неча маротаба жойларини ўзгартириб берилган вазифаларни бажаришга мўлжалланган.

**Қўлланиладиган воситалар:** А-3, А-4 форматдаги қоғоз варақлари, фломастер ёки рангли қаламлдар.

**Машғулот ўтказиш тартиби:**

1.Педагог таълим олувчиларнинг умумий сонига қараб, 3 – 4 кишидан иборат кичик груҳларга ажратади.

2.Педагог таълим олувчиларни машғулотнинг мақсади ва ўтказилиш тартиби билан таништиради ҳамда ҳар бир кичик гуруҳга қоғознинг юқори қисмида фикр ёзилган варақларни тарқатади.

3.Педагог кичик гуруҳ аъзоларини тарқатма материалда ёзилган асосий фикрни фақат учта фикр, яъни учта сўз ёки сўз бирикмалари ёинки учта гшап билан давом эттиришлари мумкинлигини уқтиради ва буни амалга ошириш учун аниқ вақтни белгилаб қўйяди.

4.гуруҳ аъзолари биргаликда тарқатма материалда берилган фикрни ёзиб давом эттирадилар.

5.Вазифа бажарилгач, гуруҳ аъзолари ўринларидан туриб, ёзганларини жойида қолдириб, соат мили йўналиши бўйичажойларини ўзгартирадилар. Яъни 1 гуруҳ 2 гурҳнинг 2 гуруҳ 3 гуруҳнинг ва ҳоказо ўрнига ўтадилар.

6.Чнг жойга келган гуруҳ аъзолари шу ерда қолдирилган тарқатма материалдаги фикрлар билан танишиб, унга яна янги учтадан ўз фикрларини ёзиб қўядилар.

7.Гуруҳ аъзолари яна юқоридаги каби жойларини ўзгартирадилар, шу тариқа кичик гуруҳлар ўз жойларига қайтиб келгунларига қадар жойларини алмаштириб, тарқатма материалларга ўз фикрларини қўшиб борадилар.

8.Ўз жойига қайтиб келган гуруҳлар тарқатма материалда тўпланганбарча фикрларни диққат билан ўвиб, уларни умумлаштирган ҳолда битта яхлит таъриф ёки қоида ҳолатига келтирадилар.

9.Ҳар бир кичик гуруҳнинг таъриф ёки қоидаларини гуруҳ аъзоларидан бири тақдимот қилади.

10.Педагог кичик гуруҳлар томонидан берилган таърифлар ёки қоидаларга изоҳ бериб, уларни баҳолайди ва ўқув машғулотини яунлайди.

Агар ўқув хона кичик гуруҳларнинг жойларини алмаштиришга мосланмаган бўлса, у ҳолда таълим олувчилар ўз жойларида ўтириб, фақат тарқатилган материални алмаштириш орқали бу усулни амалга оширишлари мумкин.

Ушбу усулни қўллаган педагог ўз ўқув предметининг мавзусидан келиб чиқиб, "Экологогия" – бу....; ёки "Иқтисодиёт" – бу....; ёинки "Ҳамширалик" – бу..... ва ҳоказо сўзларни тарқатма материалларнинг юқори қисмига ёзиб қўяди ва таълим олувчилар бу фикрни давом эттиришни ёки бошқа фикрлар билан тўлдиришни ёки фикр ёзилган матнлардан фойдаланган ҳолда янги матн тўзишни сўрайди.

## "Лабиринт" усули

Бу усул таълим олувчиларнингўқув ва амалий фаолиятларида учрайдиган турли ҳолат ва вазиятлардан ўз обрўларини сақфлаган ҳолда чиқиш, вазиятни тўғри баҳолаш ва тезлик билан керакли ечимини топиш билим ва кўникмаларини шакиллантириш ҳамда фикрлаш қобилиятини ва нутқий фаолиятини, шунингдек, мулоқот маданиятини шакиллантиришга йўналтирилган.

**Бу усул ёрдамида ўқув машғулотини олиб бориш тартиби:**

1. Педагог талабалар учун ўтириндиқлардан доира шаклида жой тайёрлайди ва таълим олувчиларни жойларини эгаллашга таклиф қилади, бу жой очиқ ҳавода боғда ёки майсазорда бўлиши ўвув машғулотининг қизиқарли ўтишига ёрдам беради.

2. Педагог таълим олувчиларнингн ранг-баранг ва ҳамиша хар турли қизиқ **воқеа** ва ҳодисалар ҳамда турли вазиятларга бой эканлиги ҳақидаги қисқача суҳбат билан ўқув машғулотини бошлайди ва мисол тариқасида талабалар хаётидан учраган ёки учрайдиган вазиятлардан бири тўғрисида гапириб беради. Сўнг шу вазиятдан чиқиб кетиш йўлини таълим олувчилардан сўрайди. Ёки вазиятни айтиб,, унинг учта ечимини ҳам айтади, таълим олувчилар шу учта ечимдан энг тўғрисини танлайдилар.

3. Педагогтаълим олувчиларнинг хоҳиш-иҳтиёрига кўра, уч кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади ва уларга хар бир кичик гуруҳ аъзолари уз иш хаётий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, ўқув ва тарбиявий жараёнларда педагог ва таълим олувчилар фаолиятида учрайдиган ёки учраши мумкун бўлган бирон-бир муаммоли вазиятларни айтишлари, уларни энг қизиқарли, энг муаммолисини танлаб, уч вариянтдан иборат, ечимини топиб қўйиш топшириғини беради ва аниқ бир вақтни белгилайди.

4. Ҳар бир кичик гурух педагог ёрдамида навбати билан ўзлари тайёрлаган вариянтни оғзаки баён этадилар. Барча кичик гуруҳлар ўзлари танлаган жавобларни айтиб бўлишгач, педагог ҳар бир айтилган вазият ечимига ўзининг фикрини билдиради ва билдирилган барча кичик гугуҳ фикрларини умумлаштиради. Шундан сўнг иккинчи, учинчи ва ҳок. Гуруҳларнинг ўртага ташлаган муаммо ва уларнинг ечимлари муҳокама қилинади.

**5.** Ўқув машғулоти якунида педагог айрим таълим олувчилар ва кичик гуруҳлар фаолиятига баҳо беради ва муаммоли вазиятларнинг ечимини топишда нималарга кўпроқ эътиборни қаратиш кераклиги тўғрисида тавсиялар беради.



## "ФСМУ" усули

Ушбу усулмунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки амалий машғулот якунида таълим олувчиларнинг ўқув машғулотлари ҳақида ўтилган мавзу бўлимларида учрайдиган баъзи бир муаммоларга нисбатан фикрларини билдиришда қўлланиши мумкин.

**Усулнинг мақсади:** таълим олувчиларни эркин фикрлашга ҳамда ўз фикрини ҳимоя қила олишга, бошқалар билан очиқ ҳолда баҳслашишга, эгаллаган билимларини таҳлил қила олишга ва баҳслашиш маданиятига, шунингдек, таълим олувчиларни тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини оиқ айтиш маънавиятига ўргатишдир.

**Ушбу усул йрдамида ўқув машғулотни олиб бориш тартиби:**

1.Педагог хар бир таълим олувчига ФСМУ усулининг тўрт босқичи ёзилган қоғоз варақларини тарқатади ва якка тартибда уларни тўлдиришни сўрайди, Бу ерда:

Ф – фикрингизни баён этинг;

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг;

М – кўрсатган сабабингизни асословчи мисол келтиринг;

У – фикрингизни умумлаштиринг.

2. Педагог таълим олувчилар билан баҳс мавзусини белгилаб олади.

3. Якка тартибдаги иш тугагач, таълим олувчилар кичик гуруҳларга ажратилади ва педагог уларга ФСМУ усулининг тўрт босқичи ёзилган катта форматтадаги қоғозларни тарқатади.

4. Кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардаги фикр ва далилларни зарурлиги таклиф этилади.

5. Педагог кичик гуруҳларнинг ёзган фикрларини жамоа ўртасида ҳимоя қилишларини сўрайди.

6. Педагог муаммо бўйича билдирилган фикрларни умумлаштиради.

7. Таълим олувчилар билдирган фикрларини оғзаки баҳолайди.

**Тарқатма материалларнинг тахминий нусхаси:**

Вазифа: "Экологик маданият нима?, мавзуси бўйича фикрларингизни баён этинг.

Ф – фикрингизни билдиринг;

С – ушбу қикрингизга сабаб келтиринг;

М – кўрсаттган сабабни мисоллар билан исботланг;

У – фикрингизни умумлаштиринг.

## "Скорабей" усули

Бу усул таълим олучиларда фикрий боғлиқлик, мантиқий фикрлаш ва хотирани ривожлантиришга имконият яратади ҳамда уларда қандайдир муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакилланишига ёрдам беради.

Бу усул универсал услардан бўлиб, ундан таълим олувчилар томонидан ўқув материалидаги билимларни эгаллашнинг турли босқичларида, яъни:

- Ўқув машғулотининг бошида – талабалар фаолиятини рағбатлантириш сифатида;

- Мавзуни ўрганиш жараёнида – унинг моҳияти, тузилиши ва мазмунини белгилашда; мавзу ичидаги асосий қисмлари, тушунчалари ва қисмлар орасидаги алоқадорликларини аниқлаш, мазмунини янада чуқуррок ўрганиш ва янги жиҳатларини кўрсатиш;

- Ўқув машғулотининг охирида – олинган билимларни мустаҳкамлаш ва якунлаш мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин.

"Скоробей" усули таълим олувчилар томонидан осон қабул қилинади, чунки у фаолиятнинг фикрлаш, билиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Бу усул таълим олувчилар тажрибасидан ҳам фойдаланишни кўзда тутади.

Мазкур усулнинг айрим афзалликлари сифатида идрок қилинишни енгиллаштирувчи чизма шакллардан фойдаланишни қайд этиш мумкин.

Скорабей усулининг махсус тушунчаларидан **"ранжирлаш"** (поғонали табақалаш) – аҳамияти, муҳимлиги ва мазмунига қараб поғоналаб табақалаштириш маъносини билдиради.

## "Елпиғич" усули

Бу усул мураккаб ва кўптармоқли бўлиб, муаммоли мавзуларни ўрганишга қаратилган. Унинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бира тўла ахборот берилади. Айни пайтда, уларнинг хар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Хусусан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Бу интерфаол усул таълим олувчиларга танқидий, таҳлилий ва аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга хамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, шунингдек, уни ҳимоя қилишга имкон яратади.

"Ёлпиғич" усули умумий мавзунинг айрим томонларини муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг, ҳар бир қатнашчининг ва умуман гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

**Мазкур усул мавзуни ўрганишнинг турли босқичларида:** ўқув жараёнининг бошида – ўз билимларини эркин фаоллаштириш; ўрганиш жараёнида – унинг асосларини чуқур фаҳмлаш ва англаб етиш; ўқув жараёнининг якунида – олинган билимларни тартибга солишда қўллаш мумкин.

## "Мулоқот" усули

Ушбу усул талаба таълим олувчиларнинг ўқув жараёнида мустақил фикрлашига, ўз фикрларини эркин баён этишга ҳамда ўларда баҳслашиш маданиятини тарбиялашга қаратилган бўлиб, одатда, бундай машғулот таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўтказилади.

Усулнинг мақсади. Танланган мавзу, муаммо асосида таълим олувчиларнинг фикрларини ҳамда ушбу мавзуга бўлган муносабатларини аниқлаш, мустақил ҳолда умумий бир фикрга келишларига ва тўғри хулоса чиқаришларига ёрдам бериш, шунингдек, эркин ҳолда баҳслашишларига шароит яратиш, мулоқотга киришиш ва мулоқот қила олишга ўргатиш.



**Усулнинг қўлланиши.** Амалий ва лаборатория ишларида, фккультатив машғулотларида ва дарсдан ташқари вақдда ўтказиладиган тарбиявий соатларда қўлланиши мумкин бўлиб, машғулот жамоа ва кичик гурух шаклида ўқув аудиториясида ёки табиат қўйнида ўтказилиши мумкин.

Машғулотда фойдаланиладиган воситалар: ватман қоғози, фломастер, маркерлар.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- педагог машғулотни бошлащдан аввал таълим олувчиларни мулоқот, баҳс-мунозарани ўтказишга қўйилган талаблар, қоидалар билан таништиради, сўнгра ушбу машғулотнинг босқичма-босқич ўтказилишини тушунтиради;

- педагог таълим олувчиларни мавзу йўналишлари бўйича гуруҳларга ажратади;

- хар бир кичик гуруҳ жамоаси ўз йўналиши бўйича тайёргарлик кўра бошлайди: бошқа кичик гуруҳлар билан мулоқотга кириша олиши учун ўз йўналиши бўйича турли материаллар, кўргазмали қуроллар, турли ривоят, олим ва мутафаккирларнинг фикрлари ва бошқа зарурий воситаларни тайёрлайди;

- кичик гуруҳлар ўртасида асосий мавзу унинг йўналишлари бўйича мулоқот бошланади;

- педагог гуруҳларнинг фикрларини мақсадли йўналтириб боради ва асосий мавзу кичик гурухлар томонидан ёритилгач, улар томонидан айтилган фикрларга ўзининг муносабатини билдирган ҳолда мулоқотни якунлайди.

**Усулнинг қўлланиш алгоритми:**

1.Педагог машғулотнинг мулоқотнинг мавзусини аниқлащдан бошлайди. Масалан, "Сиз қайси маданият тарафдорисиз – шарқ ёки Европа?" Шу мавзуни ўртага ташлаб, таълим олувчилардан Шарқ ва Европа маданияти тарафдорларини (кийиниш, муомала маданияти, муносабат ўрнатиш ва ҳ.к.) аниқлаб олади. Уларнинг шу тартибда гуруҳларга ажратади ва уларга тайёргарлик кўришлари учун шароит хамда имкониятга қараб аниқ вақтни белгилаб беради.

2.Ҳар бир кичик гуруҳдаги таълим олувчилар ўз мавзулари асосида керакли материаллар (далиллар, мисоллар, имкон бўлса видеофилм, мақоллар, мутаққакир ва олимларнинг сўзлари ва бошқалар)ни тайёрлайдилар. Кичик гуруҳдан бир кишини ҳимоя учун танлайди, қолганлар эса ўз фикрларини қўшимча қилишлари мумкин.

3.Кичик гуруҳлар ҳимояга тайёр бўлгач, педагог кичик гуруҳларнинг бирига ҳимоя сўз беради (ҳимоляга чиқиш ихтиёрий равишда бўлиши мумкин). Кичик гуруҳ вакили жамоа номидан сўзга чиқиб, уларга берилган мавзу асосида тайёрлаган материаллар ва далиллар асосида ҳимоя қилишга киришади. Кичик гуруҳ вакили сўзини тугаттач, жамоанинг қолган аъзолари ўз фикрлари билан қўшимча қилишлари мумкин.

4.машғулотнинг 3-босқичидаги каби бу босқичда ҳам педагог навбатдаги гуруҳ вакилига ҳимоя учун сўз беради. Иккинчи кичик гуруҳ ҳам ўз мавзуси бўйича ҳимоя қилади. Ҳимоя тугагач, педагог машғулотни кейинги босқичига ўтади.

5.Кичик гуруҳлар бир-бирига саволлар беришни бошлайдилар. Кичик гуруҳлар томонидан бериладиган саволлар, уларнинг ҳимояси вақтида айтилган далиллар, мисоллар, фикрларни янада ойдинлаштириш мақсадида ўз гуруҳларининг фикрларини яна такрорлаб, исботлаб, қолганлари ҳам шу фикрга қўшилишларига даъват қилиши учун берилиши мумкин. Таълим олувчилар эркин ҳолда ўзларининг чиқишлари билан тарчага таъсир кўрсатишга, ўз фикрларини маъқуллашга ҳаракат қиладилар. Педагог бундай ҳолатга холисона баҳо бериш билан бирга унга шароит, имконият яратган ҳолда баҳс-мунозарани самимийлик билан бошқариб боради.

6.Педагог хар иккала томоннинг саволлари, фикрлари, маъқуллайдиган сўзлари тугагач, улар томонидан айтилган фикрларни умумлаштиради ва ўзининг бу масла ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини баён этади.

Ўқув машғулотини якунлаб , педагог уйга вазифа беради.

## «Фикрий ҳужум» усули

Мазкур педагогик усул таҳсил олувчиларнинг машғулотлар жараёнидаги фаолликларини таъминлаш, уларни эркин фикр юритишга рағбатлантириш ҳамда бир хил фикрлаш инерциясидан озод этиш, муайян мавзу юзасидан рангбаранг ғояларни тўплаш, шунингдек, ижодий вазифаларни ҳал этиш жараёнининг дастлабки босқичида пайдо бўлган фикрларни енгишга ўргатиш учун хизмат қилади.

«Фикрий ҳужум» усулининг асосий тамойили ва шарти машғулот (баҳс)нинг ҳар бир иштирокчиси томонидан ўртага ташланаётган фикрга нисбатан танқидни мутлақо таъқиқлаш, ҳар қандай луқма ва ҳазил-мутойибаларни рағбатлантиришдан иборатдир. Бундан кўзланган мақсад таҳсил олувчиларнинг машғулот (баҳс) жараёнидаги эркин иштирокини таъминлашдир. Таълим жараёнида ушбу усулдан самарали ва муваффақиятли фойдаланиш ўқитувчининг педагогик маҳорати ва тафаккур кўламининг кенглигига боғлиқ бўлади.

«Фикрий ҳужум» усулидан фойдаланиш чоғида таҳсил олувчиларнинг сони 15 нафардан ошмаслиги мақсадга мувофиқдир. Ушбу усулга асосланган машғулот бир соатга қадар ташкил этилиши мумкин.

### «Ялпи фикрий ҳужум»

Бу усул таҳсил олувчилар томонидан янги ғояларнинг ўртага ташланиши учун шароит яратиб беришга хизмат қилади. Ҳар бири 5 ёки 6 нафар таҳсил олувчиларни ўз ичига олган гуруҳларга 15 дақиқа ичида ижобий ҳал этилиши лозим бўлган турли хил топшириқ ёки ижодий вазифалар берилади. Топшириқ ва ижодий вазифалар белгиланган вақт ичида ижобий ҳал этилгач, бу ҳақида гуруҳ аъзоларидан бири ахборот беради.

Гуруҳ томонидан берилган ахборот (топшириқ ёки ижодий вазифанинг ечими) ўқитувчи ва бошқа гуруҳ аъзолари томонидан муҳокама қилинади ва унга баҳо берилади. Машғулот якунида ўқитувчи берилган топшириқ ёки ижодий вазифаларнинг ечимлари орасида энг яхши ва ўзига хос деб топилган жавобларни эълон қилади. Машғулот жараёнида гуруҳ аъзоларининг фаолиятлари уларнинг иштироклари даражасига кўра баҳолаб борилади.



### «Фикрларнинг шиддатли ҳужуми»

Усулнинг моҳияти қуйидагичадир:

– жамоа орасида муайян топшириқларни бажараётган ҳар бир таҳсил олувчининг шахсий имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш;

– таҳсил олувчиларда маълум жамоа (гуруҳ) томонидан билдирилган фикрга қарши ғояни илгари суриш лаёқатини юзага келтиришдан иборатдир.

Юқорида моҳияти баён этилган «Фикрларнинг шиддатли ҳужуми» усулини ижтимоий, гуманитар ва табиий йўналишлардаги фанлар юзасидан ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида бирдек муваффақиятли қўллаш мумкин.

Ушбу усулдан фойдаланишга асосланган машғулот бир неча босқичда ташкил этилади. Улар қуйидагилардир:

1. Руҳий жиҳатдан бир бирига яқин бўлган таҳсил олувчиларни ўзида бириктирган ҳамда сон жиҳатидан тенг бўлган кичик гуруҳларни шакллантириш;

2. Гуруҳларга ҳал этиш учун топширилган вазифа ёки топшириқлар моҳиятидан келиб чиқадиган мақсадларни аниқлаш;

3.Гуруҳлар томонидан муайян ғояларнинг ишлаб чиқилиши (топшириқларнинг ҳал этилиши);

4.Топшириқларнинг ечимларини муҳокама этиш, уларни тўғри ҳал этилганлигига кўра туркумларга ажратиш;

5.Топшириқларнинг ечимларини қайта туркумлаштириш, яъни, уларнинг тўғрилиги, ечимни топиш учун сарфланган вақт, ечимларнинг аниқ ва равшан баён этилиши каби мезонлар асосида баҳолаш;

6.Дастлабки босқичларда топшириқларнинг ечимлари юзасидан билдирилган муайян танқидий мулоҳазаларни муҳокама этиш ҳамда улар борасида ягона хулосага келиш.

Методни қўллаш жараёнида қуйидаги ҳолатлар юзага келади:

– таҳсил олувчилар томонидан муайян назарий билимларнинг пухта ўзлаш-тирилишига эришиш;

– вақтни тежаш;

– ҳар бир таҳсил олувчини фаолликка ундаш;

– уларда эркин фикрлаш лаёқатини шакллантириш.

## «бхбхб» усули

Ушбу усул ёрдамида бир вақтнинг ўзида 36 нафар таҳсил олувчини муайян фаолиятга жалб этиш орқали маълум топшириқ ёки масалани ҳал этиш, шунингдек, гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси имкониятларини аниқлаш, уларнинг қарашларини билиб олиш мумкин. «бхбхб» методи асосида ташкил этилаётган машғулотда ҳар бирида 6 нафардан иштирокчи бўлган 6 та гуруҳ ўқитувчи томонидан ўртага ташланган муаммо (масала)ни муҳокама қилади. Белгиланган вақт ниҳоясига етгач ўқитувчи 6 та гуруҳни қайта тузади. Қайтадан шаклланган гуруҳларнинг ҳар бирида аввалги 6 та гуруҳдан биттадан вакил бўлади. Янги шаклланган гуруҳ аъзолари ўз жамоадошларига аввалги гуруҳи томонидан муаммо (масала) ечими сифатида тақдим этилган хулосани баён этиб берадилар ва мазкур ечимларни биргаликда муҳокама қиладилар.

**«бхбхб» усулининг афзаллик жиҳатлари қуйидагилардир:**

– гуруҳларнинг ҳар бир аъзосини фаол бўлишга ундайди;

– улар томонидан шахсий қарашларнинг ифода этилишини таъминлайди;

–гуруҳнинг бошқа аъзоларининг фикрларини тинглай олиш кўникмаларини ҳосил қилади;

– илгари сурилаётган бир неча фикрни умумлаштира олиш, шунингдек, ўз фикрини ҳимоя қилишга ўргатади.

Энг муҳими, машғулот иштирокчиларининг ҳар бири қисқа вақт (20 дақиқа) мобайнида ҳам мунозара қатнашчиси, ҳам тингловчи, ҳам маърузачи сифатида фаолият олиб боради.

Ушбу усулни 5, 6, 7 ва ҳатто 8 нафар таҳсил олувчидан иборат бўлган бир неча гуруҳларда ҳам қўллаш мумкин. Бироқ йирик гуруҳлар ўртасида «бхбхб» методи қўлланилганда вақтни кўпайтиришга тўғри келади. Чунки бундай машғулотларда мунозара учун ҳам, ахборот бериш учун ҳам бирмунча кўп вақт талаб этилади. Сўз юритилаётган усул қўлланилаётган машғулотларда гуруҳлар томонидан бир ёки бир неча мавзу (муаммо)ни муҳокама қилиш имконияти мавжуд.

«бхбхб» усулидан таълим жараёнида фойдаланиш ўқитувчидан фаоллик, педагогик маҳорат, шунингдек, гуруҳларни мақсадга мувофиқ шакллантира олиш лаёқатига эга бўлишни талаб этади. Гуруҳларнинг тўғри шакллантирилмаслиги топшириқ ёки вазифаларнинг тўғри ҳал этилмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

**«бхбхб» усули ёрдамида машғулотлар қуйидаги тартибда ташкил этилади:**

1. Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин 6 та стол атрофига 6 тадан стул қўйиб чиқади.

2. Таҳсил олувчилар ўқитувчи томонидан 6 та гуруҳга бўлинадилар. Таҳсил олувчиларни гуруҳларга бўлишда ўқитувчи қуйидагича йўл тутиши мумкин: 6 та столнинг ҳар бирига муайян объект (масалан, кема, тўлқин, балиқ, дельфин, кит, акула) сурати чизилган лавҳани қўйиб чиқади. Машғулот иштирокчиларига кема, тўлқин, балиқ, дельфин, кит ҳамда акула сурати тасвирланган (жами 36 та) варақчалардан бирини олиш таклиф этилади. Ҳар бир таҳсил олувчи ўзи танлаган варақчада тасвирланган сурат билан номланувчи стол атрофига қўйилган стулдан жой эгаллайди.

3. Таҳсил олувчилар жойлашиб олганларидан сўнг ўкитувчи машғулот мавзусини эълон қилади ҳамда гуруҳларга муайян топшириқларни беради. Маълум вақт белгиланиб, мунозара жараёни ташкил этилади.

4. Ўқитувчи гуруҳларнинг фаолиятини кузатиб боради, керакли ўринларда гурух аъзоларига маслаҳатлар беради, йўл йўриқлар кўрсатади ҳамда гуруҳлар томонидан берилган топшириқларнинг тўғри ҳал этилганлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг, гуруҳлардан мунозараларни якунлашларини сўрайди.



5. Мунозара учун белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи гуруҳларни қайтадан шакллантиради. Янгидан шаклланган ҳар бир гуруҳда аввалги 6 та гуруҳнинг ҳар биридан бир нафар вакил бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Таҳсил олувчилар ўз ўринларини алмаштириб олганларидан сўнг белгиланган вақт ичида гуруҳ аъзолари аввалги гуруҳларига топширилган вазифа ва унинг ечими хусусида гуруҳдошларига сўзлаб берадилар. Шу тартибда янгидан шаклланган гуруҳ аввалги гуруҳлар томонидан қабул қилинган хулосалар (топшириқ ечимлари)ни муҳокама қиладилар ва якуний хулосага келадилар.

## «Расмларни тўғри жойлаштир» усули

Кичик гуруҳларда ишлашда ушбу усулдан фойдаланиш ҳам ижобий натижаларни кафолатлайди.

**Усулни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:**

– ўқитувчи томонидан ўрганилаётган мавзунинг моҳиятини мантиқий кетма кетликда ёритишга хизмат қилувчи тушунчаларни ифода этган махсус карточкалар мажмуи тайёрланади (ҳар бир карточканинг орқа томонига мавзу моҳиятини ёритувчи «ядро» тушунчанинг биттадан ҳарфи жойлаштирилади ва махсус қоплама билан беркитилади);

– ҳар бир гуруҳга махсус карточкаларнинг алоҳида мажмуси топширилади ва карточкаларни улардаги тушунчаларга асосан мантиқий кетма кетликда жойлаштириш вазифаси юкланади;

– гуруҳлар томонидан топшириқ бажарилиб бўлингач, карточкаларнинг орқа томони ўгирилади ва махсус қоплама очилиб, топшириқнинг қай даражада тўғри бажарилганлиги аниқланади.

Агар топшириқ гуруҳлар томонидан тўғри бажарилган бўлса, якуний жараёнда карточкалар орқа томонга ўгирилганда мавзунинг моҳиятини ёритувчи «ядро» тушунча ҳосил бўлади.

Методдан фойдаланишнинг афзаллиги шундаки, бу жараёнда таҳсил олувчиларда мавзуни муайян қисмларга бўлиб ўрганиш ва қисмлар ўртасидаги мантиқий боғлиқлик ҳамда алоқадорликни анализ ва синтез асосида аниқлаш кўникмалари ҳосил қилинади.

## «Қизил ва яшил рангли карточкалар билан ишлаш» усули

Таҳсил олувчилар билан оммавий ва гуруҳ шаклида ишлашда ушбу усулни қўллаш ниҳоятда қулай. Усулдан машғулотлар сўнгида мавзуни мустаҳкамлашга оид тезкор савол-жавобни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

**Усул қуйидаги ҳаракатларни ташкил этиш асосида қўлланилади:**

– ўқитувчи томонидан хонада таҳсил олувчиларининг сонига кўра ҳар бир таҳсил олувчи учун қизил ва яшил рангли карточкалар ҳамда мавзуга оид саволнома тайёрланади;

– саволномадан «ҳа» ёки «йўқ» тарзида жавоб бериш мумкин бўлган саволларнинг ўрин олишига аҳамият қаратилади;

– ҳар бир таҳсил олувчига қизил ва яшил карточкалар тарқатилади;

– таҳсил олувчиларга қизил рангли карточкаларнинг «тасдиқ», яшил рангли карточкаларнинг «инкор» маъносини англатиши уқтириб ўтилади;

– таҳсил олувчилар ўқитувчи томонидан берилган саволларга «тасдиқ» ёки «инкор» маъноларини англатувчи карточкаларни кўрсатиш асосида жавоб қайтарадилар.

**«Қизил ва яшил рангли карточкалар билан ишлаш» усулини қўллашда таҳсил олувчиларга қуйидагига ўхшаш саволларни бериш мумкин:**

1.Инсон эҳтиёжларини қондириш учун унга турли хил неъматлар (ресурслар) зарур бўладими?

2.Ҳаво, сув, қуёш нури ва иссиқлиги, шунингдек, фойдали қазилмаларни инсон кучи билан ҳосил қилиш мумкинми?

3.Инсон меҳнати, у томонидан ташкил этилаётган иқтисодий фаолиятнинг маҳсули маҳсулот деб аталадими?

4.Маҳсулотлар фақатгина моддий неъматлардангина иборатми?

5.Хизмат кўрсатишнинг муайян кўриниши маҳсулот бўла оладими?

6.Моддий неъмат яратмайдиган, бироқ натижаси инсонлар эҳтиёжини қондиришга қаратилган иқтисодий фаолият хизматлар деб аталадими?

7.Маҳсулот ишлаб чиқариш учун иқтисодий ресурслар (хомашё, инсоннинг жисмоний ва ақлий кучи, турли механизм, машина ва асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш корхоналари)нинг бўлиши шартми?

8.Иқтисодий ресурслар миқдорининг «чекланган деб ҳисобланиши» тўғрими?

9.Жамиятда иқтисодий чекланганлик муаммоси мавжудми?

## «Видеотопишмоқ» усули

Сўнгги йилларда педагогик фаолиятда турли ахборот воситалар (компьютер, телевизор, радио, нусха кўчирувчи қурилма, слайд, видео ва аудио магнитофонлар) ёрдамида таълим жараёни ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқитувчилар олдида таълим жараёнида турли ахборот воситаларидан ўринли ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш вазифаси турибди. **Видеотопишмоқ методидан фойдаланишда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:**

– таҳсил олувчилар эътиборига ўрганилаётган мавзу моҳиятини тасвирий ёритишга ёрдам берувчи изоҳларсиз бир нечта видеолавҳа намойиш этилади;

– таҳсил олувчилар ҳар бир лавҳада қандай жараён акс эттирилганлигини изоҳлайдилар;

– жараёнларнинг моҳиятини дафтарларига қайд этадилар;

– ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавоб қайтарадилар.

## «Қарама-қарши муносабат» усули

Усул ўз моҳиятига кўра ўзлаштирилган билимларни таҳлил ва синтез қилиш асосида асосий ҳамда иккинчи даражали маълумотлар сифатида гуруҳларга ажратиш имконини беради.



**Усулни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:**

– мавзунинг умумий мазмуни ёдга олиниб, унинг аҳамиятини ёритувчи таянч тушунчалар аниқланади;

– улар муайян кетма-кетликда қайд этилади;

– тушунчалар шахсий ёндашув асосида муҳим ва у қадар муҳим бўлмаган тушунчалар тарзида гуруҳланади;

– жадвал яратилиб, унинг 1-устунига муҳим бўлган, 2-устунига муҳим бўлмаган тушунчалар ёзилади;

– кичик гуруҳлар асосида шахсий ёндашувлар муҳокама қилинади;

– жамоанинг умумий фикрига кўра якуний хулосани ифода этувчи жадвал яратилади.

Таҳсил олувчилар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш учун уларнинг эътиборларига қуйидаги жадвалларни тақдим этиш мақсадга мувофиқдир:

Якка тартибда ишлаш жараёнида фойдаланиш учун:

| Мавзунинг аҳамияти | | | |
|---|---|---|---|
| | Муҳим тушунчалар | | Муҳим бўлмаган тушунчалар |
| . | | . | |
| . | | . | |
| . | | . | |
| . | | . | |

2. Жамоа асосида ишлаш жараёни учун:

| Мавзунинг аҳамияти | | |
|---|---|---|
| № | Жамиятнинг ижтимоий (иқтисодий, маданий) ҳаётидаги роли (ўрни) | Шахс ҳаётидаги роли (ўрни) |
| 1. | | |
| 2. | | |
| 3. | | |
| ... | | |

## «Биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим» усули

Ушбу усул таҳсил олувчиларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Усулни қўллаш жараёнида таҳсил олувчилар билан гуруҳли ёки оммавий ишлаш мумкин. Гуруҳ шаклида ишлашда машғулот якунида ҳар бир гуруҳ томонидан бажарилган фаолият таҳлил этилади. Гуруҳларнинг фаолиятлари қуйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:

1.Ҳар бир гуруҳ умумий схема асосида ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради ва машғулот якунида гуруҳларнинг муносабатлари лойиҳа бандлари бўйича умумлаштирилади;

2.Гуруҳлар умумий схеманинг алоҳида бандлари бўйича ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради.

3.Ўқув фаолияти бевосита ёзув тахтаси ёки иш қоғозида ўз аксини топган қуйидаги схема асосида ташкил этилади:

| Биламан | Билишни хоҳлайман | Билиб олдим |
|---|---|---|
| | | |

**Усулдан фойдаланиш уч босқич асосида амалга оширилади:**

1.Таҳсил олувчиларнинг ўрганилиши режалаштирилаётган мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражалари аниқланади.

2.Таҳсил олувчиларнинг мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилади.

3.Таҳсил олувчилар мавзуга оид маълумотлар билан батафсил таништириладилар.

**Босқичлар қуйидагича амалга оширилади:**

– синф таҳсил олувчилари гуруҳларга бириктириладилар;

– таҳсил олувчиларнинг янги мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражаси ўрганилади;

– таҳсил олувчилар томонидан қайд этилган тушунчалар лойиҳанинг 1-бандига ёзиб борилади;

– таҳсил олувчиларнинг янги мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилади;

– таҳсил олувчиларнинг эҳтиёжлари сифатида баён этилган тушунчалар лойиҳанинг 2-бандига ёзиб қўйилади;

– ўқитувчи янги мавзуга оид умумий маълумотлар билан таҳсил олувчиларни хабардор қилади;

– таҳсил олувчилар ўзлаштирган янги тушунчалар аниқланади;

– баён этилган янги тушунчалар лойиҳанинг 3-бандига ёзиб қўйилади;

– машғулот якунида ягона лойиҳа яратилади.

## «Вен диаграммаси» усули

Ушбу усул таҳсил олувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилган. Усул кичик гуруҳларни шакллантириш асосида схема бўйича амалга оширилади.

Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка қуйидаги схема чизилади.

Усул таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билимлар, маълумотлар ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ушбу усулан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

**Усулни қўллаш босқичлари қуйидагилардан иборат:**

– синф таҳсил олувчилари тўрт гуруҳга бўлинади;



– ёзув тахтасига топшириқни бажариш моҳиятини акс эттирувчи схема чизилади;

– ҳар бир гуруҳга ўзлаштирилаётган мавзу (бўлим, боб) юзасидан алоҳида топшириқлар берилади;

– топшириқлар бажарилгач, гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар танланади;

– лидерлар гуруҳ аъзолари томонидан билдирилган фикрларни умумлаштириб, ёзув тахтасида акс этган диаграммани тўлдирадилар.

«Вен диаграммаси» усулини қўллаш жараёнида гуруҳлар томонидан ташкил этилувчи фаолият моҳияти қуйидагичадир (фаолият моҳияти умумий ўрта таълим мактабларининг VII синфида ўқитиладиган «География» фани бўйича «Ўзбекистон табиатининг умумий тавсифи» бўлими юзасидан билимларни ўрганиш асосида очиб берилади):

| Гуруҳлар | Диаграмманинг тартиб рақами | Топшириқлар мазмуни |
|---|---|---|
| 1 гуруҳ | 1диаграмма | Ўзбекистон ҳудудидаги текисликлар |
| | 2диаграмма | Ўзбекистон ҳудудидаги тоғлар |
| | 3диаграмма | Ўзбекистон ҳудудидаги тоғ оралиқ ботиқлар |
| 2гуруҳ | 1диаграмма | Ўзбекистон ҳудудидаги нефт ва газ конлари |
| | 2диаграмма | Ўзбекистон ҳудудидаги кўмир конлари |
| | 3диаграмма | Ўзбекистон ҳудудидаги мис ва олтин конлари |
| 3гуруҳ | 1диаграмма | Ўзбекистон ҳудудидаги дарёлар |
| | 2диаграмма | Ўзбекистон ҳудудидаги кўллар |
| | 3диаграмма | Ўзбекистон ҳудудидаги сув омборлари |
| 4гуруҳ | 1диаграмма | Ўзбекистон ҳудудидаги чўллар |
| | 2диаграмма | Чўл ўсимликлари |
| | 3диаграмма | Чўл ҳайвонлари |

## «Инсерт» усули

Усул ўзлаштирилиши кўзда тутилган янги мавзу бўйича таҳсил олувчиларнинг муайян тушунчаларга эгаликларини аниқлаш ва уларда матнга нисбатан таҳлилий ёндашиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. **Усулни қўллаш жараёнида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:**

– кичик гуруҳлар шакллантирилиб, улар номланади;

– ҳар бир гуруҳдан ўзлаштирилиши режалаштирилаётган мавзуга оид иккита фикр билдириш сўралади;

– гуруҳлар навбат-манавбат мулоҳазаларни баён этадилар;

– баён этилган фикрлар ёзув тахтасига ёзиб борилади;

– сўнгра ўқитувчи янги мавзу моҳиятини ёритувчи матнни гуруҳларга тарқатади;

– гуруҳлар матн билан танишиб чиқиб, матн ва ўзлари билдирган фикрларнинг бир-бирига қай даражада мувофик келганлигини аниқлайдилар (ўхшашлик ва фарқлар махсус белгилар ёрдамида қайд этилади);

– гуруҳ аъзолари шахсий қарашларини ифода этадилар ва махсус белгилар сони умумлаштирилади;

– гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар белгиланади;

– лидерлар синф жамоасини гуруҳ натижалари билан таништирадилар;

– гуруҳларнинг ёндашувлари умумлаштирилиб, якуний хулоса чиқарилади.

Стратегияни қўллашда таҳсил олувчилар қўйидаги схемалар бўйича фаолиятни ташкил этадилар:

Гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар билан матн қиёсий таққосланганда:

| Махсус белгилар | Махсус белгиларнинг маъноси |
|---|---|
| Z | Матнда гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топган бўлса |
| S | Матнда гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топмаган бўлса |
| ? | Матн билан танишиш жараёнида саволлар туғилса (тушунмовчиликлар юзага келса) |

1. Лидерларнинг ҳисоботидан сўнг гуруҳларнинг натижаларини ўрганиш чоғида:

| Махсус белгиларнинг тартиб рақамлари | Гуруҳларнинг номлари | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Коперник | Галилей | Гиппократ | Ибн Сино |
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| 3. | | | | |

Усул таҳсил олувчиларда мантиқий фикрлаш, шахсий хатолар устида ишлаш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.

## “Билағонлар кўчаси” усули

Бу ерда ҳар гуруҳ портретларда тасвирланган ёки ўзлари танлаб олган варақаларда номлари ёзилган давлат, сиёсат ва ҳуқуқ арбобларининг ҳаёти, фаолияти тўғрисида ҳикоя қилиб беришлари керак бўлади. Ўйинда

Аристотел, Платон, Абу Наср Форобий, Бурҳониддин Марғилоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Давоний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Аҳмад Дониш, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Шароф Рашидов, Жаҳон Обидова, Хадича Сулаймонова кабилар тўғрисидаги маълумотларни бериш талаб этилади.

Шунингдек, мазкур «кўчада» «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси», «Бола ҳуқуқлари конвенцияси», БМТ, Гаага суди, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи «Инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи омбудсман» тўғрисида маълумотларнинг берилиши каби шартдан ҳам фойдаланиш мумкин.



## “Конституция кўчаси” усули

У ерда ҳар бир гуруҳнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мазмунини қай даражада билишлари ҳамда шарҳлай олишлари аниқланади. Гуруҳ аъзоларининг бу борадаги билимларини аниқлаш Республика Қомуси бўйича тузилган саволларга уларнинг берган жавобларини беш балли тизим бўйича баҳолаш асосида кечади.

## “Изқуварлар кўчаси” усули

Бу ерда гуруҳларга 8 ёки 10 та юридик сўздан иборат ҳикоя тузиш вазифаси топширилади.

Гуруҳлар ўзларига берилган қуйидаги сўзликлар: суд, ўғрилик, жазо муддати, қораловчи, ҳукм, суриштириш, қарор, йил ва ҳоказолар ёрдамида шартни бажаришлари мумкин.

Сўзликлар беллашув ҳайъати томонидан тақдим этилади. Ёки бошқа мазмундаги шартларни бажаришлари мумкин. Масалан, А.Конан Дойлнинг "Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари" номли асаридан олинган, жиноий хаттиҳаракатлар сирини очиш борасидаги сюжет берилиши мумкин.

## “Жумбоқ кўчаси” усли

Бу ерда гуруҳлар эътиборига ҳуқуқий мазмундаги ребус ёки кроссворд (бошқотирмалар)ларни ечиш вазифаси ёки қуйидаги кўринишдаги жадвал мазмунини ёритиш топширилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қуйида берилган бўлим ва бобларининг қандай номланишини айтинг:

| | | |
|---|---|---|
| 1-бўлим I боб | 5-бўлим XXI боб | 3-бўлим XIV боб |
| 2 бўлим VII боб | 6-бўлим | 4-бўлим XVI боб |

б) Қуйида берилган ифодалар қайси юридик ҳужжатларнинг мазмунини ёритмоқда:

| Топшириқлар | | |
|---|---|---|
| Ушбу Қонун фуқароларга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўрганишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда фуқароларнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган | Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ўз фаолиятларида "Таълим тўғрисида"ги Қонунга; шу қонунга мувофиқ қабул қилинадиган бошқа қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Низомга амал қилади | Миллий дастурнинг мақсади аҳолининг барча қатламларининг ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юқори даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратади |

Ушбу кўчада берилувчи шартларнинг таркиби ҳуқуқий лингвистикадан ҳам иборат бўлиши мумкин. Масалан: берилган қўшимчалар орасида шундай

бир мустақил сўзларни ёзиш талаб этилади, натижада юридик атама ёки икки, уч сўздан иборат тизим ҳосил бўлсин:

| | |
|---|---|
| МУ…ЛИК | -эркак кишининг исми ёрдамида ҳосил қилинувчи қасд тури (муқобиллик) |
| ҚО…ЛИК | -алоқа алмашув воситаси ёрдамида ҳосил қилинувчи жиноят таркиби (қотиллик) |
| ТАЛ…ЧИ | - лаҳза, муддат ёрдамида ҳосил қилинувчи жиноят содир этган шахс (талончи) |
| БОС…ЧИ | - пичоқ солинувчи махсус ниқоб ёрдамида ҳосил қилинадиган жиноятчи номи (босқинчи) |
| ТАД…КОР | -саноқ сони ёрдамида ҳосил қилинувчи жисмоний шахс, маълум соҳа эгаси (тадбиркор) |
| КО…ТИВ | -санъат тури ёрдамида ҳосил қилинувчи мулкчилик шакли (кооператив) |

## “Маҳорат кўчаси” усули

Бу ерда ҳар бир гуруҳ ҳуқуқий мавзудаги шеър, қўшиқ ижро этиб беришлари керак (мазкур шартда ахлоқий мавзудаги, хусусан, адолат, ҳақиқат, одиллик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, диёнат, виждон каби туйғулар ҳақидаги бадиий асар намуналаридан ҳам фойдаланиш мумкин).

Ролли ўйинлар асосида ташкил этилган беллашувлар таҳсил олувчиларда назарий ҳуқуқий билимларни пухта эгаллаш, ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш эҳтиёжининг юзага келишига туртки беради.

Демак, ўйин технологияларининг шакллари турличадир. Бироқ, уларнинг барчаси ўз мазмунига кўра ягона мақсад сари йўналтирилади. Яъни, улар таҳсил олувчиларнинг назарий билимларини чуқурлаштириш, кенгайтириш, эгалланган назарий билимларидан амалиётда мустақил ва самарали фойдалана олиш кўникмаларини ҳосил қилиш, уларни ижтимоий-иқтисодий муносабатларни уюштиришга тайёрлаш, ижтимоий фаолликни шакллантириш, етук ахлоқий сифатларни таркиб топтириш, теран ва соғлом фикр, кенг дунёқараш эгаси бўлган комил шахсни камол топтиришга хизмат қилади.

## “РУЧКА СТОЛ ЎРТАСИДА” усули

Бутун гуруҳга топшириқ берилади. Ҳар бир ўқувчи битта жавоб вариантини бир варақ қоғозга ёзиб, уни қўшнисига беради, ўз ручкасини эса, солнинг ўртасига суриб қўяди.

**Топшириққа мисол:**

Ўқитувчининг гуруҳга берадиган топшириғини ҳаётий мисоллар билан шарҳлаб бериш.

Ажратилган 10-15 дақиқа вақт ичида гуруҳ мумкин қадар кўпроқ сонда жавоб вариантлари бериши керак. Бир варақ қоғозга ёзилган топшириқ бир ўқувчидан иккинчисига узатилади. Ўқувчи жавобни ёзиб, қоғозни кейинги ўқувчига узатади, ручкасини эса, ўзига рўбарў қилиб, солга қўйиб қўяди. Жавобни билмайдиган ўқувчи қоғозни кейинги ўқувчига узатади-ю, лекин



ручкасини қўлида олиб қолади. Бу методиканинг яна бир шарти: битта вариантни икки қайта бериш мумкин эмас, бошқача айтганда, қайтариқлар бўлишига бу ўринда йўл қўйилмайди.

Топшириқ бажарилди. Жавоб вариантлари ёзилган қоғоз ўқитувчида. У ўша вариантларни санаб ўтади.

Вариантлар санаб ўтилар экан, уларнинг ҳар бири бир йўла муҳокама қилиб борилади:

“Ручка сол ўртасида” методининг бир қанча афзалликлари бор:

-ўқитувчи машғулотга ким тайёр, ким тайёр эмаслигини кўриб туради;

-машғулотга тайёрланмаган ўқувчи оғзаки муҳокама пайтида кўриб чиқилаётган мавзу юзасидан анчагина фойдали билимлар олиши мумкин;

-бу гуруҳда олиб бориладиган иш бўлиб, ўқувчилар интизомини мусаҳкамлайди ва уларни жипслаштиради, чунки ўз варианти усида жуда узоқ ўйлаб ўтирадиган ўқувчи бутун гуруҳга ажратилган вақтни сарфлайди. Шаунингдек, ўқувчи машғулотга тайёр бўлмаса, бунда ҳам у гуруҳга панд беради, чунки гуруҳ унинг учун ишлаши керак бўлади;

- ўқувчилар ўз жавобларини икки марта: ёзма иш пайтида ва оғзаки муҳокама вақтида таҳлил қилиб чиқишади.

## “АКВАРИУМ” усули

Гуруҳдан ихтиёрий равишда 3 киши танлаб олинади. Булар синфнинг ўртасидан жой оладилар – гўёки “балиқ”, қолаганлар эса, кузатувчи бўлишади. Шу кичик гуруҳга бир вазият таклиф этилади, улар буни 10– 15 дақиқа давомида биргаликда муҳокама қилишлари, кузатувчилар эса, даврадаги ўртоқларининг тўғри ёки нотўғри жавобларини ёзиб боришлари керак. Аввал “балиқлар” ғояси таклиф этилади, уни кузатувчилар муҳокама қилишади, кейин кузатувчилар ўз ғояларини таклиф этишади, шу ғоялардан энг яхшисининг муаллифи ўз ғоясини таклиф этмаган ўқувчи ўрнига кичик гуруҳга ўтади.

Бу усулни худди “Нима, қаерда ва қачон?” номли ўйинни сингари ўтказиш мумкин, ўқитувчи олдиндан тайёрлаб қўйилган саволларни беради, ўқувчилар буларни 1 дақиқа давомида муҳокама қилиб, жавоб беришади. Жавоблар қаноатланарли бўлмаса, тсолга бошқа уч нафар ўқувчи бориб ўтиради ва ўйин давом этади.

**“Аквариум” усулининг афзалликлари:**

Мавзу биргаликда муҳокама қилинади; усул мавзуни қисмларга ажратишга, ўқувчилар билимларини текширишга имкон беради; мунозара олиб бориш малакаси ривожланади; машғулот ўйин кўринишида ўтади; ҳар бир ўқувчи иштирок этади.

**Бўри Зиямуҳамедов**

# Педагогик технологиянинг

## ўзбек инновацион модели асосида ўқув машғулотларни лойиҳалаш методикаси

**Муҳаррир: Шукур Қурбон**
**Техник муҳаррир: Дилмурод Жалилов**
**Рассом: Шухрат Одилов**

**Нашриёт лицензияси: AI № 159. 14.08.2009.**
**Босишга 07.05.2013 йилда рухсат этилди.**
**Шартли босма табоғи 5,0.**
**Буюртма № 181. Адади 1 000 нусха**
**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон**
**Миллий кутубхонаси нашриёти.**
**Тошкент шаҳри, истиқлол кўчаси, 33.**

**МЧЖ «SHIDASP» матбаа корхонасида чоп этилди.**
**Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, Собир Рахимов кўчаси, 80б.**